

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**

Кўлёзма хукуқида  
УДК: 34337(041)(575.1)

**ЮЛДАШОВ ФАРХОД СОЛИЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА  
ҚАРШИ КУРАШИШНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ  
ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**5A240123 – Коррупцияга қарши курашиш**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:** Ўзбекистон  
Республикаси Бош прокуратура  
Академияси Коррупцияга қарши  
курашиш илмий-таълим маркази  
раҳбари ю.ф.д., проф. Исмаилов  
Баходир Исламович

**Тошкент – 2020**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ .....</b>	<b>9</b>
1. Коррупцияга қарши курашиш институционал тизими мазмунимоҳияти.....	9
2. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини ривожланиш босқичлар.....	16
3. Коррупцияга қарши курашишда институционал тизимнинг ташкилий-амалий жиҳатлари.....	36
<b>II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ...48</b>	<b>48</b>
1. Коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини хорижий давлатларда таснифи.....	48
2. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини ҳозирги босқичда такомиллаштириш масалалари.....	62
3. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш борасида маҳсус ваколатли орган фаолиятини такомиллаштириш истиқболи.....	69
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>81</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>88</b>
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>95</b>

## К И Р И Ш

**Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Сўнгги йилларда нафақат мамлакатимизда балки бутун дунёда коррупцияга қарши курашиш борасида етарли тажриба шаклланган. Бу борадаги барча ривожланган давлатларнинг амалиёти эътиборга молик.

Коррупцияга қарши курашишдаги муваффақиятлар, авваламбор, муайян давлатда мазкур соҳада фаолият олиб борувчи тегишли институтларнинг ташкил этилганлиги, фаолияти самарали олиб борилганлигига боғлиқ.

Шунингдек, бу борадаги фаолият самараси кўп жиҳатдан коррупцияга қарши курашиш борасидаги норматив-хуқуқий база шакллантирилганлигига боғлиқ.

Коррупцияга қарши “Истанбул ҳаракат режаси” доирасида Ўзбекистонга мониторинг тўртинчи тури давомида берилган Шарқий Евropa ва Марказий Осиё учун ИХТТ коррупцияга қарши тармоғи 4-тавсиясига мувофиқ, мувофиқлаштириш ва коррупцияга қарши сиёsat мониторинг учун масъул органлар самарали ва мустақил фаолияти учун зарур инсон ва молиявий ресурсларга эга бўлиши лозим<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси<sup>2</sup>да коррупцияга қарши ислоҳотларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш билан бир қаторда, аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар коррупцияга қарши курашда иштирок этмагунча, бутун жамиятимиз, мажозий маънода айтганда, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмагунча, биз ўз мақсадларимизга эриша олмаймиз<sup>3</sup>, деб таъкидлаб ўтган. Мурожаатномада, шунингдек коррупция оқибатларини бартараф этишдан уни эрта олдини олишга ҳаракат қилишимиз кераклиги, вақтнинг ўзи бу вазифаларни тизимли амалга оширишни ташкил этиш мақсадида парламент ва Президент олдида ҳисобдор коррупцияга қарши алоҳида орган тузишни тақозо қилаётганлиги қайд этилган.

“Бугунги кунда ислоҳотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ”<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Электрон манба. URL:<http://www.oecd.org/corruption/acn/istanbulactionplancountryreports.htm>

<sup>2</sup> Электрон манба. URL:<http://uza.uz/oz/politics/> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М. Мирзиёевнинг 24.01.2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси)

<sup>3</sup> Электрон манба. URL:<https://president.uz/uz/lists/view/3324>

<sup>4</sup> Ўша манба

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга масъул бўлган органлар томонидан салмоқли ишлар амалга оширилган.

Жумладан, 2018 йилда жами **1299** та (2019 йилда 994) жиноят иши бўйича **1907 (1339)** нафар мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган. Мазкур жиноятлар оқибатида давлат ва жамият манфаатларига **559 млрд. 174 млн. сўм** (1 трлн. 853 млрд. 875 млн.) миқдорида моддий зарар етказилган. Тергов жараёнида бу заарнинг **524 млрд. 506 млн. сўми** (1 трлн. 746 млрд. 268 млн.) ёки **93,8 (94,1)** фоизи ундирилган.

Ёки, 2020 йилнинг 3 ойи давомида республика бўйича жами 87 та жиноят иши бўйича 115 нафар мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган бўлиб, оқибатда давлат ва жамият манфаатларига 51,3 млрд. сўм миқдорида моддий зарар етказилган бўлиб, тергов жараёнида ушбу заарнинг **18,3 млрд. сўми** ундирилган<sup>5</sup>.

Шу ўринда, давлат раҳбари томонидан коррупция оқибатида етказилган заарни камайтиришда рақамли иқтисодиётга ўтиш нақадар муҳимлиги ҳақида тўхталиб, жумладан “Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради<sup>6</sup>”, деб таъкидлаганлигини қайд этиш жоиз.

“Айни пайтда коррупцияга қарши курашиш борасида қўлга киритилган ютуқлардан кўра ҳали қилинадиган ишлар кўп. 2017–2019 йиллар давомида 6 127 нафар мансабдор шахснинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинганлиги ҳам коррупцияга қарши курашиш аҳволи бугунги кун талабига жавоб бермаслигини кўрсатмоқда”<sup>7</sup>.

2019 йилда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровда иштирок этганларнинг 86,6 фоизи коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини қўллаб-куватлашларини билдиришган. Демак, жамоатчилик коррупцияга қарши курашда давлат органларига кўмаклашишга тайёр.

Бинобарин, прокуратура органлари учун Мурожаатнома<sup>8</sup>дан келиб чиқадиган устувор вазифалардан бири ҳам – бу сўзиз, коррупция иллатига қарши кураш самарадорлигини оширишdir.

Юқорида қайд этилганидек, кейинги уч йил давомида давлатимиз раҳбарининг ташаббус ва ғоялари, амалий саъй-ҳаракатлари натижасида бу

<sup>5</sup> Электрон манба. URL:<https://www.gazeta.uz/uz/2020/04/29/prokuratura/>

<sup>6</sup> Электрон манба. URL:[president.uz/uz/lists/view/2228](https://president.uz/uz/lists/view/2228) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаати 28.12.2018 йил // Халқ сўзи https://

<sup>7</sup> Электрон манба. URL:[www.prokuratura.uz/#/t\\_news?id=170](https://www.prokuratura.uz/#/t_news?id=170), (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т. Йўлдошев. “Коррупцияга қураш – фуқароларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини химоя қилишнинг муҳим кафолати”).

<sup>8</sup> Ўша манба

иллатни таг-томири билан йўқ қилиш борасида катта қадам қўйилди. Бироқ, тан олиш керакки, шунча шароит ва имкониятларга қарамасдан, жамиятнинг бу балодан тамомила халос бўлишига эришилмаяпти.

Айниқса, баъзи соҳа ва тармоқларда коррупцияга қарши қўлланаётган ва шу тизимларнинг юқори идоралари томонидан белгиланган чоратадбирлар кутилган натижани бермаяпти.

Бош прокуратура томонидан яқинда соғлиқни сақлаш, олий таълим тизимларидаги, шунингдек ердан фойдаланишдаги коррупция ҳолатлари таҳлилига бағишлиб ўтказилган тадбирлардан хабарингиз бўлса керак<sup>9</sup>.

Шу тажрибани инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ҳам коррупцияга қарши курашувчи алоҳида мустақил органни ташкил этиш юзасидан Президент томонидан 2020 йил 24 январь кунидаги парламентга Мурожаатномада алоҳида тўхталиб ўтган.

Хусусан, Мурожаатномада коррупцияга қарши ислоҳотларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш билан бир қаторда, аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар коррупцияга қарши курашда иштирок этмагунча, бутун жамиятимиз, мажозий маънода айтганда, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмагунча, биз ўз мақсадларимизга эриша олмаймиз. Коррупция оқибатларини бартараф этишдан уни эрта олдини олишга ҳаракат қилишимиз керак. Вақтнинг ўзи бу вазифаларни тизимли амалга оширишни ташкил этиш мақсадида парламент ва Президент олдида ҳисобдор коррупцияга қарши алоҳида орган тузишни таклиф этади. “Бугунги кунда ислоҳотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ”<sup>10</sup>.

Президент Шавкат Мирзиёев 11.02.2020 йилда коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказган йигилишда ушбу масалага яна бир бор эътибор қаратиб, мутасаддиларга хорижий тажриба асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича тузилмани ташкил этишга доир хужжатларни ишлаб чиқиши юзасидан берган топшириқларида мазкур тузилма нафақат бу борада давлат сиёсатини амалга ошириши ва мувофиқлаштириши, балки коррупцияга қарши курашишда барча куч ва воситаларга эга бўлиши кераклигини кўрсатиб ўтган<sup>11</sup>.

<sup>9</sup> Электрон манба. URL:<http://huquq.uz/korruptsiyaga-arshi-kurash-fu-arolarning-u-u-lari-va-onuniy-manfaatlarini-imoya-ilishning-mu-im-kafolati/>

<sup>10</sup> Электрон манба. URL:<http://aza.uz/oz/politics/-25-01-2020>

<sup>11</sup> Электрон манба. URL:<https://podrobno.uz/cat/politic/uzbekistan-nameren-pobedit-korruptsiyu-kak-eto-sdelat-rasskazali-na-soveshchanii-u-mirziyeева-/>

Ушбу масалага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 11 май куни бўлиб ўтган тўртинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳам эътибор қаратиб, янги агентликка тезкор қидирув, текширув ва тергов вазифаларини юклатиш масаласи қўрилаётганлигини, шунингдек тергов ваколатлари берилган Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати органларининг тергов ва тезкор қидирув фаолият ваколатларини бу органга олиб беришдан холи ҳолда, янги агентликка ҳам шу ҳуқуқлар берилишини, фақат уларнинг жиноят субъектларини белгилашда аниқ чегара қўйилишини, агентлик зиммасига мансабдор шахсларнинг қонун хужжатларига зид ҳаракатлари, давлат ҳаридлари, бюджет маблағларининг сарфланиши бўйича жараённи назорат қилиш, декларация тизимини жорий этиш ишлари ҳам юклатилишини таъкидлаб ўтган<sup>12</sup>.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини такомиллаштириш масаласи ҳозирги кундаги долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқот обьекти.** Коррупцияга қарши курашувчи институционал тизимни ташкил этиш ва фаолият юритишида вужудга келадиган маъмурий-хуқуқий, жиноий ҳамда ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети.** Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг тадқиқот обьектига доир қонунлари ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлари ҳамда коррупцияга қарши курашувчи институционал тизимга алоқадор халқаро ва хорижий хужжатлар ҳамда илмий-назарий адабиётлар ва амалий қўлланмалар ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади.** Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашувчи институционал тизимнинг ҳозирги ҳолатини, ташкилий-хуқуқий асослари, шунингдек ҳозирги замон муаммоларидан келиб чиқиб, ушбу тизимни такомиллаштириш имкониятларига доир масалаларини таҳлил қилиб, шу асосда қонунчилик ва амалиётга таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари қўйидагилардан иборат:**

- коррупцияга қарши курашиш институционал тизими мазмуни - моҳияти хақидаги назарий қарашларни ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини ривожланиш босқичларини ёритиш;

---

<sup>12</sup> Электрон манба. URL:[https://kun.uz/news/2020/05/11/mashiyy-korrupsiyadan-elitar-korrupsiyani-organish-darjasiga-chiqiladi-bosh-prokuror-korrupsiyaga-qarshi-mustaqlil-organ-haqida](https://kun.uz/news/2020/05/11/mashiyy-korrupsiyadan-elitar-korrupsiyani-organish-darajasiga-chiqiladi-bosh-prokuror-korrupsiyaga-qarshi-mustaqlil-organ-haqida)

- коррупцияга қарши курашишда институционал тизимларнинг ташкилий-амалий жиҳатларини тадқиқ этиш;

- хорижий давлатларда коррупцияга қарши курашиш институционал тизими таснифлаш ҳамда миллий қонунчилик билан қиёслаш асосида миллий амалиётга жорий этиш;

- Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини ҳозирги босқичда такомиллаштириш ҳамда маҳсус ваколатли орган ташкил этиш истиқболини амалиётда ўзини оқлаган илғор хорижий тажриба асосида ўрганиш, қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот ишининг илмий янгилиги** унда коррупцияга қарши курашувчи институтлар тизимининг энг муҳим жиҳатларини кенг қамровли ўрганишга, унинг ўзига хос хусусиятларини ажратишга, шунингдек, бу соҳани такомиллаштириш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашувчи ягона мустақил органни тузиш истиқболларини кўриб чиқиш билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Тадқиқот натижасида коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини янада такомиллаштириш муаммолари маъмурий-хуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий нуқтаи назардан комплекс ёритилиб, бу борадаги қонунчиликни ҳамда тизим механизмини такомиллаштириш орқали унинг янада самарали кўлланилишига эришилади.

**Тадқиқот мавзусини ўрганилганлик даражаси (таҳлили).** Коррупцияга қарши курашувчи институционал тизимлар, уларни такомиллаштириш масаласи республикамида етарли даражада тадқиқ этилмаган. Мазкур масала юзасидан республикамиз олимлари Б.И.Исмаилов, Б.И.Исмоилов, Р.А.Зуфаров, Н.Ш.Сайд-газиева, У.Хусаиновларнинг<sup>13</sup> илмий ишларида ўрганилган. Шунингдек, мазкур масаланинг айrim жиҳатлари чет эл эксперт ва олимларидан Дж.Айолфи, И.Гайка, Б.Добовчек, Г.Клеменчич, В.Лёбо, З.Ледергербер, У.Лу, М.Мореншлагер, Б.Понтифекс, О.Савран, Я.Стусек, К.Уриарте, О.Зудова

---

<sup>13</sup> Б.И.Исмаилов Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими ривожланиши //Монография.-Т.:Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази, ЮМОМ. 2020.-170 б.; Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за получение взятки (Уголовно-правовые аспекты) : автореферат дис. ... канд. юрид. наук - Ташкент, 1994.; Исмаилов Б.И. Насриев И.И. Противодействие коррупции в частном секторе: международные стандарты и зарубежная правоприменительная практика. //Монография. -Т. Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2020. -290 с.; Исмаилов Б.И. Опыт зарубежных стран в сфере противодействия коррупции: практические аспекты его использования в Республике Узбекистан//Учебное пособие. -Т.: Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, 2020. – 146 с;

ҳамда Luís Sousa, Alina Mungiu-Pippidi, Avinash Dixit, Ronald Kroeze, Francisco Cordona, John R. Heilbrunn<sup>14</sup> томонидан ўрганилган<sup>15</sup>.

Аммо, Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини такомиллаштириш масалалари миллий даражада ўрганилмаган.

**Тадқиқотда қўлланилган услубиётининг тавсифи.** Тадқиқот олиб боришда умумфалсафий (диалектик, тизимли, анализ, синтез, қиёслаш, дедукция, кузатув), назарий, мантиқий, анъанавий ҳуқуқий услублар (қиёсий-ҳуқуқий, формал-ҳуқуқий), статистик маълумотлар ва эксперталар томонидан берилган баҳоларни таҳлил қилиш ва илмий билишнинг бошқа усувларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Ушбу тадқиқот коррупцияга қарши курашувчи институционал тизимни такомиллаштиришга оид назарий ва амалий масалаларни тизимлаштириш, янги тушунчаларнинг аниқ таърифини баён этиш, бу соҳада назарий асосларни ривожлантиришга, коррупцияга қарши курашни ташкил этиш амалиёти ва услубиётини такомиллаштиришга ҳисса қўшади. Диссертациядаги хуроса, таклиф ва тавсиялардан ушбу муаммога доир илмий тадқиқотлар ўтказишида, амалдаги коррупцияга қарши қонунчиликни такомиллаштиришда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг соҳавий фаолиятида, таълим жараёнларида, ўрганилган муаммога оид ўкув адабиётларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

**Иш тузилмасининг тавсифи.** Диссертация кириш, икки боб, олти параграф, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми **87** бет. Ишда **198** та манба ва адабиётлардан фойдаланилган. Иловалар **20** бет.

---

<sup>14</sup> Luís Sousa. Anti-corruption agencies: between empowerment and irrelevance. Crime, Law and Social Change, Springer Verlag, 2009., Alina Mungiu-Pippidi, ‘Seven Steps to Control of Corruption: The Road Map’, Daedalus, 2018., Avinash Dixit, Anti-Corruption Institutions: Some History and Theory, in K. Basu, T. Cordella (ed), Institutions, Governance and the Control of Corruption. Springer, 2018., Ronald Kroeze, et al, Anticorruption in History: From Antiquity to the Modern Era. Oxford University Press, 2018., Francisco Cordona, Anti-corruption policies and agencies. Centre for Integrity in the Defense Sector, Guides to Good Governance, No.3, 2015., John R. Heilbrunn, Anticorruption Commissions: Panacea or Real Medicine to Fight Corruption. World Bank Institute, 2004., Горан Клеменчич и другие, “Специализированные институты по борьбе с коррупцией: Обзор моделей” 2006 год.

<sup>15</sup> Диссертацияда фойдаланилган бошқа манбалар Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

# I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

## § 1.1. Коррупцияга қарши курашиш институционал тизимининг мазмуни-моҳияти

Ҳозирги вақтдаги давлат сиёсати ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий тармоғи сифатида коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқий асосларини яратилганилиги ва халқаро ҳуқуқнинг илғор ижобий тажрибасига асосан такомиллаштирилиб борилаётганлигини кўриш мумкин.

Маълумки, мазкур соҳада қўйилган мақсадларга эришиш учун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш билан бирга мазкур ҳуқуқни қўллаш ваколатига эга бўлган институтлар ва уларнинг ягона мақсадга қаратилган фаолиятни биргаликда амалга ошириши билан ҳосил бўлувчи институционал тизим тушунчаларини ҳар томонлама кўриб чиқиш лозим.

Бинобарин, ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш ва унга риоя этиш босқичида қонунийлик таъминланмас экан, ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришилмайди.

**Бизнингча**, коррупцияга қарши курашиш институционал тизимининг мазмун моҳиятини кенгроқ тушуниш учун ушбу масаладаги назарияларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Илмий адабиётларни таҳлил қилинганида миллий юридик адабиётларда коррупцияга қарши курашиш институционал тизими тушунчасига аниқ ва батафсил таъриф берилмаганлиги ва ушбу тушунчаларни таърифлашга **нисбатан ягона ёндашув шаклланмаганлигини** кўриш мумкин.

Бироқ, мазкур тушунчанинг асосларини ташкил этувчи институт ва тизим тушунчаларини ҳуқуқ назариясида алоҳида-алоҳида таҳлил қилиниб, таъриф берилган.

“Ҳуқуқ институти” тушунчаси лугавий маъносидан лотинча “Institutum” “белгилаш”, “муассаса” маъноларини англатувчи “Институт” тушунчасидан фарқ қиласиди<sup>16</sup>.

Коррупцияга қарши курашиш институционал тизими деганда коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш соҳасига раҳбарлик қиласидиган, муайян муносабатларни тартибга солиш, ҳуқуқий жиҳатдан

---

<sup>16</sup> Юридик энциклопедия / юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 198 Б.

таъминлаш, назорат (мониторинг) қилиш маҳсус ваколатларига эга бўлган, давлат мажбурлов функцияларини амалга оширадиган ихтисослаштирилган муассасалар, давлат органлари ёки ташкилотлар мажмуаси тушунилади.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш институционал тизими тушунишга кенг ва тор маънода ёндашиш мумкин.

Бунда кенг маънодаги коррупцияга қарши курашиш институционал тизими таркибига Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис Сенати, Ҳисоб палатаси, Президент хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Президенти хузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги, Президенти хузуридаги Жамоатчилик палатаси каби органлар кириши мумкин.

Хорижий давлатларда шу каби органларнинг коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишдаги ваколатлари бевосита қонунда қайд этилганлиги, қонунни қўллашда келиб чиқиши мумкин бўлган мунозараларни олдини олади.

Хусусан, Россия Федерациясининг 25.12.2008 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ти 273-сон Федерал қонуни 5-моддасига мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш соҳасида РФ Президенти:

- Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини;
- Коррупцияга қарши курашишда ижро ҳокимиятига кирувчи федерал органларнинг ваколатларини белгилаши қайд этилган<sup>17</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди<sup>18</sup>.

Шунингдек, Президент ваколатлари доирасига республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлаш, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимида биноан тузиш ва тутатиш киради.

**Шу каби, амалиёт бир қатор президент ёки суперпрезидент республикаларида кенг қўлланилади.**

Мазкур давлатларнинг қонунчилигига президент давлат сиёсатининг асосий йўналишларини, шу жумладан коррупцияга қарши курашишнинг устувор йўналишларини белгилаши қайд этилган.

<sup>17</sup> Электрон манба. URL:<http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&firstDoc=1&lastDoc=1&nd=102126657>

<sup>18</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/20596#39653>

Юқорида қайд этилган миллий давлат органлари ўз фаолияти давомида коррупцион характердаги ҳукуқбузарликлар билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш, уларни олдини олиши ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш, мазкур фаолият юзасидан мониторинг ва назорат тадбирларини олиб бориши мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатасининг 2019 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботда бюджет маблағларидан 1,1 трлн. сўмлик ноқонуний ва самарасиз харажатларга йўл қўйилганлиги, шундан 150 млрд. сўми бартараф этилиши таъминланганлиги, қатор корхона ва муассасалар томонидан давлат харидларига оид қонун хужжатларига риоя этмасдан, тўғридан-тўғри шартнома орқали 19,9 млрд. сўм ортиқча сарфланганлиги аниқланганлиги қайд этилган<sup>19</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 01.07.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонунига мувофик, бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлиги ҳамда қонунийлигини аудитдан ўтказиш, бу харажатларни барча даражаларда қисқартириш имкониятларини аниқлаш соҳасидаги ваколатлар берилганлиги эътиборга молик.

Хусусан, Қонуннинг 24-моддасига мувофик, Ҳисоб палатаси бюджет маблағларидан, давлат мақсадли жамғармаларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг маблағларидан мақсадли, оқилона ҳамда самарали фойдаланилиши ва давлат харидлари тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларининг тўғри қўлланилиши устидан назоратни амалга оширади<sup>20</sup>.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, дунё амалиётида сиёсий партияларни молиялаштирилишда коррупцияга қарши курашиш масалалари ҳам долзарб аҳамият касб этади.

**Миллий қонунчиликка мувофик, сиёсий партияларни молиялаштириш давлат бюджетидан амалга оширилиши белгиланган.**

Хусусан, Сайлов кодексининг 98-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга, маҳаллий Кенгашларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади<sup>21</sup>.

<sup>19</sup> Электрон манба. [URL: http://senat.uz/uz/lists/view/1413](http://senat.uz/uz/lists/view/1413)

<sup>20</sup> Электрон манба. [URL: https://www.lex.uz/docs/4394324](https://www.lex.uz/docs/4394324)

<sup>21</sup> Электрон манба. [URL: https://www.lex.uz/docs/4386848](https://www.lex.uz/docs/4386848)

Биргина, 2019 йил 22 декабрь куни ўтказилиши режалаштирилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга, маҳаллий Кенгашларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 230,5 млрд. сўм (таксинан 25 млн. АҚШ доллари) микдоридаги пул маблағларини ажратилиши кўзда тутилган<sup>22</sup>.

“Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 16, 18-моддаларига мувофиқ, сиёсий партия ҳар йили қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ҳамда тартибда молия органларига, давлат солик хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига ҳисобот даврида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт, молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси амалга оширади<sup>23</sup>.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини такомиллаштириш орқали Ҳисоб палатасининг имконият ва нуфузидан фойдаланиш мақсадида, шунингдек сиёсий партияларни молиялаштирилиши юзасидан қонунчиликка палатанинг масъулиятини оширишга қаратилган тегишли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

Коррупцияга қарши курашишда илфор институционал тизимлар жорий этилган давлатлар мисолида сиёсий партиялар молиялаштириши устидан назорат коррупцияга қарши курашнинг ажралмас қисми сифатида кўрилишини қайд этиш жоиз.

Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш бюроси (KNAB)нинг асосий вазифасидан бири Латвия Республикасининг “Сиёсий ташкилотларни (партияларни) молиялаштириш тўғрисида”ги Ўонун ҳамда ва сайловолди ташвиқотининг чекловларига риоя этилишини назорат қилиш, сиёсий партияларни молиялаштириш ва сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ қоидабузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортиш<sup>24</sup> ва маъмурий жазо чораларини қўллаш, сиёсий ташкилотлар ва уларнинг бирлашмалари томонидан тақдим этилган молиявий ҳисботларда ва

<sup>22</sup> Электрон манба. URL:<https://podrobno.uz/cat/obchestvo/vybory-deputatov-oboydutsya-byudzhetu-uzbekistana-primereno-v-25-millionov-dollarov-/>

<sup>23</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/168391>

<sup>24</sup> Шомирзаев С. Коррупцияга қарши курашишда Латвия тажрибаси. Хукук ва бурч ижтимоий-хукукий журнал. 2/2020-сон. 36-39 бб.

аниқланган қонунбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни марказлаштириш ва таҳлил қилишидан иборат<sup>25</sup>.

Ёки, Литвада Maxsus тергов хизмати (SST) сиёсий партиялар ва компанияларни молиялаштиришда коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда фаолияти юритади<sup>26</sup>.

МДҲ давлатларида Ҳисоб палатаси фаолияти коррупциянинг давлат иқтисодига етказаётган заарни аниқлаш ва оқибатларни бартараф этиш ҳолатларига қаратилганлигини кўриш мумкин.

Масалан, РФ Ҳисоб палатаси раиси А.Кудрин томонидан палатанинг 2018 йилдаги фаолияти якунлари бўйича берган ҳисоботида коррупция оқибатида РФ иқтисоди 1 трлн. рубль зарар кўрганлигини, биргина ушбу даврда палата томонидан “Автодор” давлат компанияси фаолиятида бюджет маблағлари сарфланишида қонун бузилишига йўл қўйилиб, 7 млрд. рублдан ортиқ зарар етказилганлиги аниқланган<sup>27</sup>.

Шунингдек, Россия Федерациянинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Федерал қонунида Федерал Мажлис коррупцияга қарши курашиш бўйича федерал қонунларни ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминлаши, шунингдек ўз ваколатлари доирасида ижроия ҳокимияти органларининг фаолиятини назорат қилиши белгиланган.

Бу каби тажриба бир қатор парламент республикаларида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни<sup>28</sup>да юқорида санаб ўтилган коррупцияга қарши курашиш фаолиятига кўмаклашувчи органлар бевосита қайд этилмаган.

Бироқ, Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ваколатлари белгиланган<sup>29</sup>.

Хорижий давлатлар амалиётида коррупцияга қарши курашиш институционал тизими аксарият ҳолларда тор маънода қўлланилади.

Коррупцияга қарши биринчи ихтисослашган институтлардан бири 1952 йилда ташкил этилган Сингапур Коррупция ҳолатларини тергов бюроси бўлиб, кейинчалик бундай органлар Ҳиндистонда Огоҳлик бўйича Марказий қўмитаси (1964), Озарбайжонда Коррупцияга қарши курашиш комиссияси (2004), Грузияда Коррупцияга қарши Кенгаши (2008), Корея

<sup>25</sup> Электрон манба. URL:<https://www.knab.gov.lv/ru/finances/>

<sup>26</sup> Электрон манба. URL:<https://www.stt.lt/apie-stt/istorija/2414>

<sup>27</sup> Электрон манба. URL:<http://www.tadviser.ru/index.php>

<sup>28</sup> Электрон манба. URL:<https://lex.uz/docs/3088008>

<sup>29</sup> Исмаилов Б.И. Институционализация национальных систем противодействия коррупции.//Учебное пособие -Т.Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2019. -220с.

Республикасида Коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик хуқуқлари бўйича мустакил комиссия (2008) шаклида ташкил этилган.

Ўзбекистонда Коррупцияга қарши курашиш институционал тизими таркибиغا “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 7-моддасида қайд этилган коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи бешта давлат органлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда ушбу фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи – (6) Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси (шу жумладан худудий комиссиялар) киради.

Қонуннинг қайд этилган моддасига мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ юқорида қайд этилганидан бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши белгиланган<sup>30</sup>.

Бироқ, қонунда “бошқа давлат органлари” жумласи остида айнан қайси органлари тушунилиши ҳамда улар қай тартиб ва асосларда ушбу йўналишдаги фаолиятни юритиши хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб кўйилмаган.

Қонунчиликдаги ушбу ноаниқлик уни турлича тушуниш ва шарҳлашга сабаб бўлиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда ушбу норма такомиллаштирилишини тақозо қиласди.

Хорижий мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш институционал тизим таркибиغا “коррупцияга қарши институтлар сифатида қайд этилмаган бўлсада, коррупцияни бартараф этишга кўмаклашувчи давлат идоралари - бу баъзи мамлакатларда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, одобахлоқ қоидалари, яхлитлик ёки давлат бошқаруви ёки парламентда активлар декларациялаш устидан назорат қилиш каби маҳсус тузилмалар бўлиб ҳисобланади.

Бундай органлар жумласига Руминиядаги Миллий ҳалоллик агентлиги, Голландиядаги Миллий ҳалоллик бюроси, АҚШ хукуматининг Этикаси идораси, Литвадаги Расмий этика комиссияси, Буюк Британия бирлашган қироллигининг Умумий палата стандартлари бўйича парламент

---

<sup>30</sup> Кабилов Ш.Р. Инструментарий по противодействию коррупции. Ответственный редактор д.ю.н., проф. К.Р.Абдурасулова. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2019. – 96 с.

комиссари, Албанияда Активлар аудити ва декларациялаш олий инспекция ва Италиядаги Давлат хизматида ошкоралик ва ҳалолликка баҳолаш бўйича мустақил комиссиялар киради.

Бундан ташқари, кўплаб мавжуд давлат институтлари ўз функция, вазифа ва ваколатларини амалга ошириши баробарида коррупциянинг олдини олишга ёрдам беради.

Булар қаторига давлат аудити институтлари (масалан, Бразилиядаги Бош назоратчи бошқармаси) ёки давлат харидлари учун масъул бўлган муассасалар (масалан, Норвегиядаги давлат харидлари бўйича шикоят кенгashi) киради.

Коррупциянинг олдини олиш ва аниқлашда ички ва ташқи аудит, солиқ ва шунга ўхшаш давлат назорати органлари муҳим роль ўйнаши мумкин.

Масалан, Буюк Британиядаги сайлов комиссияси сингари баъзи мамлакатларда Марказий сайлов комиссиялари сиёсий партиялар ва кампанияларни молиялаштириш қоидаларига риоя этилишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бирга, Россия ва Грузиядаги каби баъзи давлатларда коррупциянинг олдини олиш учун компаниялар иштирокидаги бизнесомбудсманлар тузилган<sup>31</sup>.

Ўзбекистон Республикасида айрим давлат органлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларининг асосий фаолият йўналиши коррупцияга қарши курашишга қаратилмаган бўлсада, улар ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида **коррупцияга қарши курашишга кўмаклашувчи** бир қатор давлат органлари ва муассасалар сифатида тегишли функция ва вазифаларни амалга ошириши эътиборга молик.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институти (Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил-бизнес омбудсман), Давлат солиқ ва божхона қўмиталари, Молия вазирлиги (вазирликнинг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси мисолида), Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ўзларига юклатилган вазифалар билан бир қаторда коррупцияга қарши курашиш функция ва вазифаларини ҳам бажаришга кўмаклашиб келади(таъкид бизники).

Хусусан, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2017 йилдаги “Ўзбекистон

---

<sup>31</sup> Горан Клеменчич и другие, “Специализированные институты по борьбе с коррупцией: Обзор моделей” 2006 год.

Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига доир қонун хужжатларининг давлат органлари томонидан оғишмай ижро этилишини ўрганиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширувларини ўтказишнинг қонунийлиги мониторингини амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига қонунга хилоф равища аралашиб фактларининг олдини олиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифлар киритиш, тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига доир қонун хужжатларининг бузилишига йўл қўйилмаслиги тўғрисида давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ёзма равища огоҳлантиришлар эълон қилиш хуқуқларга эга<sup>32</sup>.

Бу ўз навбатида маъмурий органлар томонидан тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равища аралашиб ва хусусий секторда коррупциявий хуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни ва хавфхатарларни камайтиришга хизмат қилади.

Бу борадаги назарий аҳамият касб этувчи масалалардан бири бу коррупцияга қарши курашиш институционал тизими тушунчасига нисбатан ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслигидир.

Шундан келиб чиқиб бизнинг фикримизча, **коррупцияга қарши курашиш институционал тизими деганда** коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш соҳасига раҳбарлик қиласидан, муайян муносабатларни тартибга солиш, хуқуқий жиҳатдан таъминлаш, назорат (мониторинг) қилиш маҳсус ваколатларига эга бўлган, давлат мажбурлов функцияларни амалга оширадиган ихтисослаштирилган муассасалар, давлат органлари ёки ташкилотлар мажмуаси тушунилади.

## **§ 1.2. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини ривожланиш босқичлар**

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида коррупцияга қарши курашиш сиёсатини хуқуқий пойdevорини шакллантириш ва тизимли равища такомиллаштириш боришига қаратилган ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш соҳадаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида **31 та** қонун, **97 та** Президент

---

<sup>32</sup> Электрон манба. URL: <https://lex.uz/docs/3321352?ONDATE=30.08.2017%2000#4595327>

фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг **90** дан ортиқ қарорлари ва ички идоравий ҳужжатлар қабул қилинган<sup>33</sup>.

Бунда асосий эътибор бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида вужудга келаётган уюшган жиноятчилик, мансабдор шахслар томонидан содир этилган иқтисодиёт ва хўжалик соҳасидаги давлат мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳамда бошқарув тартибига қарши содир этилаётган кўп сонли жиноятлар, “хуфёна иқтисодиёт”нинг вужудга келиб ривожланиши, майший ва элитар даражадаги коррупцион суистеъмолликлар ҳамда бу борада хавф-хатарларни олдини олиш ва уларнинг келтириб чиқарувчи оқибат ва заарларини бартараф этиш мақсадида турли ҳукуқни муҳофаза қилиш функцияларига эга бўлган институтлар тузилиб, фаолият юритиб келган.

Айниқса сўнг тўрт йилда давлат ривожланишида асосий тўсиқлардан бири ҳисобланган коррупция қарши курашиш соҳасидаги ишлар самарадорлигини ошириш масаласи тубдан қайта кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда аниқланган коррупцион ҳукуқбузарликлар давлат корхоналари ва муассасалари, ички ишлар органлари, капитал қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим, маҳаллий ҳокимликлар ва банк муассасалари энг коррупциялашган соҳалар эканлигидан далолат беради.

Ушбу жойларнинг аксарияти аҳоли томонидан сўров давомида аниқланган жойларга тўғри келади. Шу билан бирга, мансабдор шахслар томонидан 2013 йилдан 2020 йилгача содир этилган коррупцияга оид жиноятлар 43 фоизга камайган, айнан прокуратура органлари томонидан 2015 йилдан 2020 йилгача турли коррупцион жиноятлар учун 14 171 шахсга (2015 йил – 6853, 2016 йил – 4524, 2017 йил – 2794) қарши 8572 та жиноят иши қўзғатилган (2015 йил – 3778, 2016 йил – 2860, 2017 – 1934, 2018 - 1907, 2019 - 1339)<sup>34</sup>.

Коррупцияга қарши курашиш институционал тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланишини шартли равишда 2 даврга ажратиш мақсадга мувофиқ, булар:

- 1991-2016 йилларда амалга оширилган институционал ислоҳотлар;
- 2016-2020 йилларда амалга оширилган институционал ислоҳотлар.

**Биринчи босқичда 1991-2016 йилларда** Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилганидан сўнг амалга оширилган ҳукуқий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, улардан кўзланган мақсадларга эришиш ҳамда жамиятда ҳукуқий-тартиботни таъминлаш мақсадида собиқ Иттифоқ

<sup>33</sup> Норматив-ҳукуқий ҳужжатлар рўйхати иловада

<sup>34</sup> Электрон манба. URL: [https://review.uz/oz/4qq?fbclid=iwar0y-wstokmy9i-mu4gzbaitj\\_09mbioywv6mrhh4c3jubltxdrjr1m](https://review.uz/oz/4qq?fbclid=iwar0y-wstokmy9i-mu4gzbaitj_09mbioywv6mrhh4c3jubltxdrjr1m) Бахтишод Хамидов, ИТИМ. Экономическое обозрение №4 (244) 2020

даврида фаолият юритган хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини давом эттириб, шу жумладан Ички ишлар вазирлиги ва прокуратура органлари тузилмаларида уюшган жиноятчилик, иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш йўналишига ихтисослаштирилди.

Аввало, Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш институтларининг ташкил этилиши хуқуқий асоси сифатида 31.08.1991 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Конунни қайд этиш жоиз<sup>35</sup>.

Мазкур Конунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси, ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлат сифатида эълон қилиниб, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилаши, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устунлиги, Ўзбекистон Республикаси давлат идораларнинг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилиши қайд этилган.

Мустақилликнинг ilk кунлариданоқ республика ҳудудида фуқароларнинг хавфсизлиги ва манфаатларини муҳофаза қилишни назарда тутувчи давлат органларидан Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматларини Республика тасарруфига олиниб, тегишли вазифалар белгиланган.

Хусусан, 25.10.1991 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисида”ги 270-сонли қарори<sup>36</sup> билан Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Эътиборлиси шундаки, Низомга мувофиқ вазирлик ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамоат тартибини, жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилишни ва жиноятчиликка қарши курашни таъминлаши белгиланиши билан бирга, уюшган жиноятчилик ва порахўрликка қарши кураш ишларини таъминлаши қайд этилган.

Мазкур Низомга асосан фуқаролар, давлат, жамоат, коллектив, қўшма, кооператив ҳамда бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг иқтисодий манфаатларини ғаразли жиноий хуружлардан ҳимоя қилишни ҳамда улар туфайли етказилган заарнинг ўрни қопланишини, жиноий жазо

<sup>35</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/127899>

<sup>36</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/1033174>

бериладиган чайқовчиликка, порахўрликка, сохта пул ясашга ва валюта операциялари қоидаларининг бузилишига қарши курашни таъминлаш вазирлик ваколат доирасига киритилган.

Низомга илова тарзида тасдиқланган вазирлик марказий аппарати структурасида З-хизмат (қидирув-криминал милиция хизмати) таркибида Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашиш ва уюшган жиноятчилик ва порахўрликка қарши курашиш бошқармалари тузилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.05.1994 йилдаги “Хусусий мулк ва тадбиркорликни коррупция, рэкет ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларидан ҳимоя қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги 247-сонли қарори<sup>37</sup>га мувофик, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида уюшган жиноятчиликка ва коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш, рэкет ва порахўрлик ҳолларига барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар Ички ишлар бошқармалари ва Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тузилмаларида коррупция ва рэкетга ва террорчиликка қарши кураш бошқармалари ташкил этилган.

Ёки, 02.11.1991 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати (кейинги ўринларда МХХ) тўғрисида”ги 278-сонли қарори<sup>38</sup> билан МХХ тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Ушбу тузилмалар таркибида ҳам юқоридаги каби вазифаларни бажарувчи тор ихтисосликдаги бўлинмалар ташкил этилган.

Кейинчалик ушбу тузилмаларнинг номлари қайтадан ташкил этилиши туфайли ўзгаририлган бўлсада, улар амалда коррупция ва иқтисодий соҳадаги жиноятларга қарши курашиш фаолияти билан шугулланиб келганлар.

Шуни эътиборга олиш керакки, бу борадаги ҳуқуқий ислоҳотларда прокуратура органларининг мақомини қонун даражасида белгиланганлиги дикқатга сазовор ҳисобланади.

Жумладан, 09.12.1992 йилда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун<sup>39</sup> қабул қилиниб, прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири сифатида иқтисодий ва уюшган жиноятчилик ҳамда коррупцияга қарши курашиш белгиланган.

<sup>37</sup> Электрон манба. URL:<https://lex.uz/docs/832266?ONDATE=11.05.1994%2000#832279>

<sup>38</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/1027996>

<sup>39</sup> Электрон манба. URL:<https://lex.uz/docs/31452>

Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба давлат, қўшма ва хусусий корхоналар, турли биржалар ва тижорат банкларининг ташки иқтисодий фаолиятлари ривожланаётганлиги туфайли Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига жиддий зарар етказувчи жиноятлар сони кўпайиб бораётганлиги ҳисобга олиниб, иқтисодий фаолият соҳасида порахўрликка, ўғирликлар ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 03.03.1992 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тузилмасида Ташки иқтисодий фаолият соҳасида порахўрликка, ўғирликлар ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 96-сонли қарори<sup>40</sup>га мувофиқ, прокуратура органлари тизимида корупцияга қарши курашиш бўйича ихтисослашган Ташки иқтисодий фаолият соҳасида порахўрликка, ўғирликлар ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва Ўзбекистон транспорт прокуратурасида — ташки иқтисодий фаолият соҳасида порахўрликга, ўғирликлар ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бўйича тегишли бўлинмалар ташкил этилган.

Шу билан бирга, қарорда Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда, **ташки иқтисодий фаолият соҳасида порахўрликка, ўғирликлар ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бўйича ишларни мувофиқлаштириш учун доимий ишлайдиган тезкор-тергов гурухини тузиш белгиланган.**

Мазкур Қарор билан бошқарманинг **асосий вазифаси сифатида** давлат, қўшма ва хусусий корхоналар, турли биржалар ва тижорат банклари томонидан олиб бораётган фаолиятлари давомида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига жиддий зарар етказишга қаратилган коррупция, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш белгиланган.

Коррупцияга қарши курашишни кучайтириш, айниқса қишлоқ хўжалиги соҳасидаги суиистеъмолликларга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.07.1998 йилдаги Қарори билан прокуратура органлари тармоғида Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш Бош бошқармаси ва унинг худудий бўлимлари ташкил этилди.

---

<sup>40</sup> Электрон манба. URL:<https://lex.uz/docs/396522>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.07.2001 йилдаги 291-сонли қарори<sup>41</sup> билан иқтисодиёт ва солик соҳасидаги жиноятлар бўйича жиноий ишларнинг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Иқтисодий жиноят ва коррупцияга қарши курашиш бош бошқармаси, шунингдек Ташқи иқтисодий фаолиятдаги коррупция, ўғирликлар ва бошқа суиистеъмолларга қарши курашиш бошқармаси базасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Иқтисодий жиноят ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси ва ҳудудий ва уларга тенглаштирилган прокуратура органларининг иқтисодий жиноят ва коррупцияга қарши курашиш бўлимлари, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятдаги коррупция, ўғирликлар ва бошқа суиистеъмолларга қарши курашиш бўлимлари базасида ҳудудий ва уларга тенглаштирилган прокуратура органларининг иқтисодий жиноят ва коррупцияга қарши курашиш бўлимлари ташкил этилган.

Мазкур ташкилий тузилма зиммасига (бошқарма ҳамда прокуратура ҳудудий органларининг тегишли бўлимлари) ҳам Департамент, ҳам бошқа идоралар, ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ва Прокуратуранинг ўзи томонидан қўзғатилган иқтисодий ҳамда солиққа оид жиноятлар бўйича жиноий ишларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.03.2004 йилдаги 3406-сонли Фармони<sup>42</sup> ва Бош прокурор буйруғи билан бошқармага таҳлилий ва назорат қилиш вазифаларини амалга ошириш юклатилган.

Жумладан, 11.03.2004 йилдаги ПФ-3406-сонли Фармон<sup>43</sup> ижросини таъминлаш мақсадида Бош прокурорнинг 12.03.2004 йилдаги 1-сонли буйругининг 4.7-бандига асосан “Иқтисодий жиноят ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси” “Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси” деб номланган.

Кейинчалик, Бош прокурорнинг 12.04.2004 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 8-сонли буйруғи<sup>44</sup>(Бош прокурорнинг 18.02.2011 йилдаги 90-сонли буйруғи билан ўз кучини йўқотган)га кўра, бошқарма мамлакатда иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашишнинг самарали чораларини кўриш, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларининг бузилишини олдини олиш, бошқарув ва ҳокимият органлари мансабдор

<sup>41</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/346199>

<sup>42</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/110881>

<sup>43</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/110881>

<sup>44</sup> 8-сонли буйруқ

шахсларининг коррупциялашган фаолиятини фош этиш, порахўрлик ва мансаб суистеъмолликларига қарши курашиш борасида фаолият олиб бориши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Бош прокурорнинг 18.02.2011 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги 90-сонли буйруғи<sup>45</sup> (Бош прокурорнинг 20.08.2014 йилдаги 113-сонли буйруғи<sup>46</sup> билан ўз кучини йўқотган)га мувофиқ, бошқарма мамлакатда иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашишнинг самарали чораларини кўриш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини олдини олиш, бошқарув ва ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг коррупциялашган фаолиятини фош этиш, порахўрлик ва мансаб суистеъмолликларига қарши курашиш борасида фаолият олиб бориши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.2014 йилдаги “Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4636-сонли Фармони<sup>47</sup> ижросини таъминлаш мақсадида Бош прокурорнинг 25.07.2014 йилдаги 109-сонли буйруғига<sup>48</sup> асосан “Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси” “Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси” деб ўзгартирилган.

Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси ўз фаолиятини Бош прокурорнинг 20.08.2014 йилдаги 113-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомга ва бошқа соҳавий буйруқларга асосан олиб борган.

Хусусан, қайд этилган Низомга кўра, бошқарма мамлакатда иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашишнинг самарали чораларини кўриш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини олдини олиш, бошқарув ва ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг коррупциялашган фаолиятини фош этиш, порахўрлик ва мансаб суистеъмолликларига қарши курашиш борасида фаолият олиб бориши кўзда тутилган.

Иқтисодий соҳадаги жиноятларга қарши курашиш, шу жумладан молия органлари томонидан солик соҳасидаги қонунбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, коррупцияга қарши курашиш, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш, накд пул ва хорижий валюта

<sup>45</sup> 90-сонли буйруқ

<sup>46</sup> 113-сонли буйруқ

<sup>47</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/2443773>

<sup>48</sup> 109-сонли буйруқ

маблағларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар ҳамда иқтисодий ва молиявий соҳаларда қонунийликни таъминлашда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ўзига хос ўрнини таъкидлаш жоиз.

Департамент иқтисодий ва коррупциявий жиноятлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш ҳолатлари бўйича тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув ва суриштирувни, шунингдек, мазкур жиноятлар содир этилиши оқибатида етказиладиган иқтисодий заарнинг қопланишини амалга оширувчи мустақил ихтисослаштирилган ҳукуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади<sup>49</sup>.

Шу билан бирга, Департаментнинг асосий функция ва вазифалари сифатида иқтисодий ва коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни, терроризмни молиялаштиришни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришни олдини олиш, “хуфёна иқтисодиёт” шаклланишининг турли схемалари ва каналларини аниқлаш масалаларида кенг тушунтириш ва профилактика ишларини амалга ошириш белгиланган<sup>50</sup>.

Коррупция давлатимиз ривожланишига ҳалақит берәётганлигини, кўпгина қонунлар коррупцион гуруҳлар манфаатларидан келиб чиқиб қабул қилинганлигини Давлат раҳбари томонидан Сенатнинг 1-ялпи мажлисида таъкидлаб ўтилган<sup>51</sup>.

Молия вазирлигининг берган маълумотларига мувофиқ, ““хуфёна иқтисодиёт” бугунги кунда бизнинг миллий иқтисодиётимизнинг 45 фоизига тенг”лиги ҳамда уни бартараф этилиши коррупцион ҳукуқбузарликларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этишини тушуниш қийин эмас<sup>52</sup>.

**Эътиборлиси коррупция, иқтисодий ва солиққа оид жиноятларни келтириб чиқарувчи муҳим сабабларни топиш ва чеклаш маҳорати этишмаётганлигини инобатга олган ҳолда иқтисодиёт ва солиққа оид жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг**

<sup>49</sup> Электрон манба. URL:<http://new-department.uz/uz/about/activity/>

<sup>50</sup> Электрон манба. URL:<http://new-department.uz/uz/about/functions/>

<sup>51</sup> Электрон манба. URL:<https://upl.uz/policy/14060-news.html>

<sup>52</sup> Электрон манба. URL:<https://kun.uz/05965772>

06.07.2001 йилдаги 291-сонли қарори<sup>53</sup> билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Солик соҳасидаги қонун бузилишларига қарши тезкор курашиш бош бошқармаси базасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилган.

Департамент фаолияти иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш жараёнида солик, валютага оид жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги долзарб масалаларни ўз вақтида ечиш имкониятига этиш ва кўзланган мақсадга эришиш мақсадида (шу жумладан коррупцияга оид жиноятларга қарши курашиш) тегишли Президент қарорлари норматив-хуқуқий хужжатларни қабул қилиш йўли билан такомиллаштириб борилди.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 28.11.2002 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги соликқа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 415-сонли қарори<sup>54</sup> билан департаментнинг асосий вазифаси қаторида хорижий валюта маблагларининг ноконуний айланиши, четга чиқиб ва яшириб қолинишининг мавжуд механизмлари ва йўлларини, уларнинг ноконуний айланишини, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашдан, хорижий валютани сотиш бўйича мажбуриятлардан бўйин товлаш, бош тортиш ҳолларини, “яширин” иқтисодиётни шакллантириш йўлларини, **коррупция ҳолларини аниқлашга қаратилган самарали оператив-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва ўтказиш кабилар белгиланган.**

Шунингдек, 21.04.2006 йилдаги “Молия-иктисодий, солик соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент ПҚ-331-сонли қарори<sup>55</sup>га биноан давлат солик сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, соликқа тортиш базасини кенгайтириш, солик тўловчиларни қамраб олиниши ва ҳисобининг тўлиқлигини таъминлаш, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, қочишнинг мумкин бўлган каналлари ва механизmlарини, “хуфёна” иқтисодиётнинг шаклланиш йўлларини, коррупция ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш уларнинг асосий вазифаси этиб белгиланиб, **Департамент органлари айrim тор**

<sup>53</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/346199>

<sup>54</sup> Электрон манба. URL:<https://lex.uz/docs/348074?ONDATE=28.11.2002%2000#350162>

<sup>55</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/1004663>

## **соҳадаги коррупция ҳолатларига қарши курашиш вазифалари белгилаб берилган.**

Бундан ташқари, 22.04.2009 йилдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-212-сон Қонуни<sup>56</sup> қабул қилиниши муносабати билан Департамент органларига терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш вазифалари юклатилганлиги сабабли, 12.10.2009 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПФ-4148-сонли Президент Фармони<sup>57</sup>га мувофиқ Департамент фаолиятини ҳукуқий тартибга солувчи юқорида қайд этилган қарорлар қонун талабларига мувофиқлаширилган.

Сўнгги йилларда давлатимиз ривожида туб ўзларишлар содир бўлганлиги сабабли коррупцияга қарши курашиш фаолияти кун тартибидаги долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда.

Мазкур босқичда коррупцияга қарши курашишга маъсул органлар тизими шаклланганлиги, уларнинг вазифалари белгиланганлиги, коррупцияга қарши курашиш масаласи давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида ривожланиб келганлигини кўриш мумкин.

**2016 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш институционал тизими ривожланишининг иккинчи босқичи бошланганлигини кузатиш мумкин.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.М.Мирзиёевнинг 05.10.2016 йилдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сонли Фармони<sup>58</sup> чиқарилиши билан ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг иккинчи босқичи бошланган<sup>59</sup>.

Фармон қоидаларини амалда рўёбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастурида

<sup>56</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/1474715>

<sup>57</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/-1541394>

<sup>58</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/3039311>

<sup>59</sup> Мелиев Х. Коррупция ва унга қарши кураш соҳасида янги босқич. Ҳукуқ ва бурч ижтимоий-ҳукукий журнал. 03(135)/2017-сон. 26-27 бб.

коррупцияга қарши курашишнинг хуқуқий асосларини таомиллаштириш, давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, давлат ресурсларидан фойдаланишнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш доирасида умумий эътироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор қонунларни, шу жумладан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”, “Давлат харидлари тўғрисида” ва “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш белгиланган.

Хусусан, Фармон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар” Дастурининг 3-бандига мувофиқ, фуқаролар ва тадбиркорларнинг, энг аввало, давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, шунингдек коррупция тусидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга қаратилган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқилиши белгиланган.

Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу дастур билан нафақат юқорида қайд этилган қонунни қабул қилиниши белгиланган, балки коррупциянинг турли кўринишларини бартараф этишга қаратилган бошқа қонун хужжатларини қабул қилиш ҳам кўзда тутилган.

Масалан, Дастурнинг 5-бандига мувофиқ, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқилиши зарурлиги қайд этилиб, унда давлат харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг шаффоф ва очиқ механизми, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш чораларига эътибор қаратилиши белгиланган.

Шунингдек, майший коррупция ҳолатларини бартараф этиш мақсадида Дастурнинг 29-бандида рухсат берувчи ва лицензиялаш тартиботларидан ўтишда шаффофликни ошириш, уларнинг сони ва кўриб чиқиш муддатларини оптималлаштириш, шу жумладан коррупцион омиллар шаклланиши имконини бартараф этиш ва бюрократия ҳолатларини тутатиш айrim лицензия турларининг амал қилиш муддатлари бўйича талабларни бекор қилиш юзасидан асослантирилган таклифлар киритиш қайд этилган.

Фармон ижроси масъул давлат органлари томонидан таъминланиб, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни<sup>60</sup> Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан

<sup>60</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/3088008>

Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 4 январдаги 2 (6696)-сонида эълон қилинган.

24.11.2016 йилда қабул қилиниб, Сенат томонидан 13.12.2016 йилда маъқулланган.

Мазкур қонун мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 03.01.2017 йилда имзоланиб, 04.01.2017 йилдан матбуотда эълон қилиниши билан кучга кирган.

Мазкур қонунни тадқиқот учун аҳамияти унда Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи институцияонал тизимнинг таркибий қисмлари ҳисобланган институтлар яъни давлат органларининг рўйхати, ваколатлари, мажбуриятлари қайд этилганлигидадир.

Хусусан, мазкур Конуннинг 7-моддасига биноан, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари белгиланган.

Конунга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашиш йўналишида юқорида қайд этилган органларга Конун<sup>61</sup> билан берилган ваколатлар таҳлил қилиниб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни умумий ва маҳсус ваколатларга ажратилди.

Мисол учун, Конунда қайд этилган 5 та органларга:

- ☞ коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;
- ☞ жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция факларига доир мурожаатларини қўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини қўриш;
- ☞ коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш;
- ☞ аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этиш;

---

<sup>61</sup> Ўша манба

☞ коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга ошириш;

☞ коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

☞ коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш каби умумий ваколатлар берилган.

Қайд этилган органларнинг фаолиятининг асосий йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда уларга Қонунда маҳсус ваколатлар берилганлигини, шунингдек ушбу органлар фаолиятини тартибга солувчи маҳсус қонун хужжатларида ҳам қайд этилганлигини кузатиш мумкин.

Жумладан, Қонуннинг 9-моддасида Бош прокуратура коррупцияга қарши курашища:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирав фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

- коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни амалга оширади;

- коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил қилишни амалга оширади;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишда иштирок этади.

Ушбу ваколатлар “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун<sup>62</sup>да ҳам қайд этилганлигини кўриш мумкин.

Қонуннинг 10-моддасида Давлат хавфсизлик хизматининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги маҳсус ваколатлари:

- коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирав фаолиятини, терговга қадар текширувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

---

<sup>62</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/106197>

❖ коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йигади ҳамда таҳлил қилади, миллий хавфсизлик учун таҳдидларни баҳолашни амалга оширади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этишдан иборат.

“Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонун<sup>63</sup>нинг моддаларида ушбу ваколатларни қайд этилганлигини кўриш мумкин.

Жумладан, Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, Давлат хавфсизлик хизмати давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўз фаолиятини маҳсус воситалар, шакллар ва услублар билан амалга оширадиган маҳсус ваколатли давлат органи сифатида давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат манфаатларига ҳамда хавфсизлигига таҳдид солувчи коррупция ҳолатларига қарши курашиш йўналишида фаолият олиб боради<sup>64</sup>.

Мазкур Қонуннинг 11-моддасида Ички ишлар вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги маҳсус ваколатлари:

- ✓ коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирав фоолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади;
- ✓ коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йигади ҳамда таҳлил қилади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;
- ✓ коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ва таҳлил қилинишини таъминлайди.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун<sup>65</sup>нинг мазмунидан ушбу ваколатларни назарда тутилганлиги билиш мумкин.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ ўзига берилган маҳсус ваколатлардан фойдаланади.

Шу жумладан, вазирлик:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;
- аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради;
- таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим ва тарбияга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади<sup>66</sup>;

<sup>63</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/docs/3610935>

<sup>64</sup> Ўша манба

<sup>65</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/docs/3027843>

- норматив-хуқуқий хужжатлардаги ҳамда уларнинг лойиҳаларидаги коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш мақсадида ушбу хужжатлар ва лойиҳаларнинг таҳлилини амалга оширади;
- коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича чоралар қўради.

Ушбу махсус ваколатлар адлия органлари фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив-хуқуқий хужжатларда, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.04.2018 йилдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5415-сон Фармони<sup>67</sup> ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3666-сонли қарори<sup>68</sup> қайд этилган.

Шу билан бирга, ушбу Конуннинг 13-моддасида Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги махсус ваколатлари қаторида:

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар, иқтисодий ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-кидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва суриштирувни амалга ошириш;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг эҳтимол тутилган йўллари ва механизмларини аниқлаш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг мониторингини ташкил этиш ҳамда ўтказиш;
- жиноий таъқиб этишни ташкил қилиш ва хуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини кўриш учун тегишли давлат органларини коррупцияга оид аниқланган хуқуқбузарликлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш қайд этиб ўтилган.

Ушбу махсус ваколатлар пойdevorini Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.05.2018 йилдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши

<sup>66</sup> Тўлаганова Г. Коррупцияни енгишда таълимнинг аҳамияти. Ҳукуқ ва бурч ижтимоий-хуқуқий журнал. 1/2020-сон. 30-33 бб.

<sup>67</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/3681777>

<sup>68</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/3681790>

курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли Фармони<sup>69</sup> ташкил этади .

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳиятидан Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши белгиланганлигини кўриш мумкин.

Бироқ, мазкур жумла айнан қайси давлат органларини назарда тутганлигини аниқлаш учун бошқа қонуности ҳужжатларига эътибор қаратган ҳолда қўйида таҳлил қиласиз.

Бундан ташқари, қонуннинг 8-моддасида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси (кейинги матнларда Идоралараро комиссия), шунингдек Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича худудий идоралараро комиссиялар ( кейинги матнларда худудий идоралараро комиссиялар) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилиши қайд этилган.

Шу билан бирга, Қонунда Идоралараро комиссиянинг асосий вазифаларини белгиланиши билан “фаолиятни мувофиқлаштириш” жумласи маъноси кенг очиб берган.

- Хусусан, Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари қаторида:
- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;
- коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;
- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

---

<sup>69</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/3743214>

- коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;
- коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;
- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;
- ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш киритилган.

23.05.2018 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизmlарини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли Фармони<sup>70</sup> билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти этиб қайта ташкил қилинди<sup>71</sup>.

Департаментнинг асосий вазифаси сифатида ёқилғи-энергетика комплексида, банк-молия, солиқ, транспорт, қурилиш ва ижтимоий соҳаларда иқтисодий жиноятлар ҳамда коррупцияга қарши курашиш, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, давлат манфаатларига зид равища битимлар тузиш ҳолатларига қарши курашиш, чет эл валюта маблағлари ноқонуний равища чиқиб кетиши, олиб кирилиши ва олиб чиқилиши, уларнинг ноқонуний муомаласи, «хуфёна иқтисодиёт»ни шакллантиришнинг турли схемалари ва каналларини аниқлаш, иқтисодий ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни, терроризмни молиялаштиришни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг олдини олиш бўйича кенг тушунтириш ва профилактика ишларини амалга ошириш сақлаб қолинган бўлсада, унга янги вазифаси сифатида бюджет тизими бюджетлари маблағларини талон-торож қилиш ва улардан мақсадсиз фойдаланиш, давлат харидларида нархларни ошириб юбориш, давлат органлари ва ташкилотларида дебитор ҳамда кредитор қарздорликнинг

<sup>70</sup> Ўша манба

<sup>71</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/docs/3743214>

асосиз ортиши ҳолатларини аниқлаш, етказилган заарни қоплаш бўйича чоралар кўриш юклатилди.

Мавзуга алоқадор жиҳати шундаки, Фармонга мувофиқ департамент Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида иқтисодий жиноятлар ва коррупция, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш ҳолатлари бўйича тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув ва суриштирувни амалга оширувчи, шунингдек, мазкур жиноятлар содир этилиши натижасида етказилган иқтисодий зарарнинг қопланишини таъминловчи мустақил ихтисослаштирилган хуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатидаги мақоми белгиланиб, унинг тузилмасида Солиққа оид хуқуқбузарликларга қарши курашиш бўлими, Валютага оид хуқуқбузарликларга қарши курашиш бўлими, Истеъмол бозорини ҳимоя қилиш бўлими, Тадбиркорлик субъектлари хуқуқларини ҳимоя қилиш ва коррупцияга қарши курашиш бўлими негизида **Иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси ташкил этилган**.

Биргина, курилишга ажратилган бюджет маблағидан тўғри фойдаланилиши бўйича ўтказилган назорат тадбирларида 75 млрд. сўм талон-торож қилингани аниқланиб, 300 нафардан ортиқ айбор шахс жазога тортилгани келтирилди.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қоидаларининг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида 02.02.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли Президент Қарори<sup>72</sup> билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги низом тасдиқланиб, унинг асосий вазифалари ҳамда идоралараро комиссиясининг ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлари барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурийлиги белгилаб қўйилди.

Мазкур қарорнинг билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркибининг ўзига хос хусусияти давлат органлари билан бир қаторда инсон хуқуқларини ҳимоя қилувчи идоралар, жамоатчилик ташкилотлари, нодавлат нотижорат

<sup>72</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/docs/3105125>

ташкilotлари, ижодий уюшмалар, таълимни ва оммавий ахборот воситалари ва уларни бошқариш органлари, жамоатчилик фикрини мониторинг қилувчи ташкilotларнинг киритилганлигидир.

Бундан ташқари, қарор билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси тўғрисида”ги Низомнинг 10-бандига мувофиқ, комиссиянинг ишчи органи функциясини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бажаради.

- Ишчи орган фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари сифатида;
- комиссия фаолиятини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш;
- комиссия иш режасини ишлаб чиқиш, унинг ижросини назорат қилиш, шунингдек Комиссиянинг кундалик фаолиятини тасдиқланган режага мувофиқ ташкил этиш;
- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкilotлар билан биргаликда Комиссиянинг қабул қилинган қарорлари ижросини назорат ва мониторинг қилиш, Комиссия раисига тегишли ахборот ва таклифларни киритиш;
- келиб тушаётган хат ва ҳужжатларни қўриб чиқиш ва Комиссия ваколатига кирадиган масалалар юзасидан қарорлар тайёрлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасига коррупцияга қарши курашишга имкон берадиган чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланишини ва киритилишини ташкил этишни кўриш мумкин.

2019 йилда назорат органларидан олинган ахборотлар асосида энг муаммоли соҳалар аниқланиб, қонун бузилиши ва тизимли камчиликларнинг асл сабабларини бартараф этиш чоралари кўриб борилган.

Жумладан, олий таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги қонунийлик чукур таҳлил қилинган. Мазкур таҳлил натижалари парламент, Президент администрацияси ва ҳукумат аъзолари, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниб, аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси таъминланмоқда<sup>73</sup>.

Барча даврларда коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш масалалари прокуратура органлари фаолиятида устувор аҳамият касб этиб келади.

Зеро, Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 11 май куни бўлиб ўтган тўртинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг

---

<sup>73</sup> Йўлдошев Н.Т. Халқ прокуратурасини шакллантириш йўлида. Олий Мажлис Сенати 11.05.2020й. Тўртинчи ялпи мажлисида прокуратура органлари 2019йилдаги фаолияти тўғрисидаги хисоботи. Ҳукук//2020.14.05.№19

прокуратура органларининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўрсатмалари асосида прокуратура органларини коррупциядан холи, чинакам халқ прокуратрасига айлантириш, фаолият самарадорлигини тубдан ошириш борасида қатор чоралар кўрилаётганлиги, аввало, ҳалол, садоқатли ва профессионал ходимлар корпусини шакллантиришга доир комплекс чоратадбирлар амалга оширилганлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди<sup>74</sup>.

Ёки, ҳисоботда қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижроси устидан назорат прокуратура фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканлиги таъкидланди. Жумладан, назорат тадбирларида 22 млрд. сўмлик дон, 63 млрд. сўмлик пахта, 3 млрд. сўмлик минерал ўғит, ирригация тадбирлари учун ажратилган 1,7 млрд. сўмлик бюджет маблағи талон-торож қилингани аниқланиб, қонуний чоралар кўрилган<sup>75</sup>.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш борасидаги парламент назоратини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати тузилмасида ихтисослаштирилган қўмиталар тузилганлиги эътиборга молик.

**Иккинчи босқичда** коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди, ваколатли органлар доираси аниқ белгиланди, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштирувчи орган ташкил этилди ва ушбу орган томонидан коррупцияга қарши курашишнинг устувор йўналишлари даврий йиғилишларда кўриб чиқилиб, соҳадаги долзарб масалаларни ҳал этиб келинмоқда, аниқ соҳаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, амалга ошириш, хавфхатарларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан аниқ мезонлар шаклланди.

### **§ 1.3. Коррупцияга қарши курашишда институционал тизимининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари**

Коррупцияга қарши кураши институциянал тизимининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш жараёнида, албатта асосий қонун ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси<sup>76</sup>да қайд этилган нормалар алоҳида аҳамият касб этади. Зоро, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги ҳар бир давлатда устувор мақсад қилиб белгиланган.

<sup>74</sup> Йўлдошев Н.Т. Халқ прокуратрасини шакллантириш йўлида. Олий Мажлис Сенати 11.05.2020й. Тўртингчи ялпи мажлисида прокуратура органлари 2019йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисботи. Ҳукук//2020.14.05.№19

<sup>75</sup> Ўша манба.

<sup>76</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/docs/20596>

Хусусан, Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олиниши, шунингдек давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўриши белгиланган<sup>77</sup>.

Давлат раҳбари коррупция ва унга қарши курашишнинг бугунги кундаги долзарблигига тўхталиб, “Жиноятнинг ёпиқ ва энг қабиҳ тури бор. Бу коррупция ва пораҳўрлик, жиноятнинг бу тури бошқарув аппаратини издан чиқарибгина қолмай, бозор асосларини ҳам барбод этиши мумкин. Коррупция, энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланишидир” деб бежиз таъриф берилмаган<sup>78</sup>.

Коррупцияга қарши курашишнинг миллий институцияонал тизимининг хуқукий асосларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикасининг 07.07.2008 йилдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси”<sup>79</sup>га (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонун<sup>80</sup>ни таъкидлаб ўтиш жоиз.

Аҳамиятлиси шундаки, ушбу қонунда илк бор коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга масъул бўлган органлар доираси белгиланган<sup>81</sup>.

Жумладан, Қонунда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа Иштирокчи-давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида қайд этилган.

Мазкур соҳадаги институцияонал тизимнинг хуқукий асосларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни<sup>82</sup>ни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қонунда коррупцияга қарши курашишда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва принциплари билан бир қаторда, ушбу йўналишдаги ваколатли органлар тизими, шунингдек мазкур фаолиятда жамоатчилик

<sup>77</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/docs/1413395>

<sup>78</sup> Электрон манба. URL: <http://sirdaryo.adliya.uz/sirdaryo/uz/publikatsii/detail.php?ID=22159>

<sup>79</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/docs/1461327>

<sup>80</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/docs/1369505>

<sup>81</sup> Исмаилов Б.И. Имплементация норм конвенции ООН против Коррупции. // -Т.:Адвокат., 2016. № 2 С. 50-55

<sup>82</sup> Ўша манба

институтларининг иштироки ва механизми, ҳалқаро ҳамкорлик масалаларининг ҳуқуқий асослари белгиланган.

Шу билан бирга, бир қатор қонуности хужжатларида коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини ҳуқуқий асосларини мустаҳкамланганлигини кўриш мумкин.

Жумладан, юқорида қайд этилган Қонуннинг қоидаларини самарали ижро этилишини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида 02.02.2017 йилдаги ““Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори<sup>83</sup> билан қуидагилар:

1. 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури;

2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркиби;

3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Бундан ташқари, 27.05.2019 йилда “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Президент Фармони<sup>84</sup>га биноан қуидагилар:

1. 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури;

2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгилangan таркиби;

3. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича маҳсус комиссия таркиби тасдиқланган.

Ушбу Фармоннинг ўзига хос жиҳати шундаки, коррупцияга ва бошқа жиноятларга қарши тизимли қурашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, шу жумладан ички идоравий назоратни амалга оширадиган бўлинмалар фаолиятини танқидий ўрганиш ва бошқалар маҳсус комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгиланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини, шу жумладан умум эътироф этилган ҳалқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда ушбу фаолиятни ташкил этиш ва мазкур йўналишдаги функцияларини оптималлаштиришда ягона

<sup>83</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/docs/3105125>

<sup>84</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/docs/4355387>

ёндашувларни жорий этиш орқали тубдан такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдидаги ҳисобдорлиги тартибини такомиллаштириш ва бошқа долзарб масалаларни ўз ичига олган “Йўл харита”сини ишлаб чиқиш топширилган.

Мамлакатимизда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ҳамда “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Конун<sup>85</sup>лар қабул қилинганлиги боис коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-хуқуқий ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Коррупциявий жиноятларни олдини олишнинг асосий мақсади давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир тушунтириш ишларини амалга ошириш, хуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш йўли билан зарур чора-тадбирлар кўриши белгиланган.

Конун талабларидан келиб чиқиб, 2019 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5729-сон Фармони билан 35-банддан иборат 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури тасдиқланган.

Дастур аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид хукуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларига қаратилган.

Дастурда коррупциянинг хавф-хатарларини таҳлил қилиш асосида, аҳолининг кенг қатламларини хабардор қилиш ва онг-билимларини оширишда мақсадли тадбирларни амалга ошириш, хусусан мавзули аудио-, видеороликлар, баннерлар, плакатлар ва инновацион ахборот-тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда фуқароларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат, коррупцияга қарши курашишнинг аниқ хулқни шакллантиришга қаратилган, коррупцияга қарши курашиш борасида

<sup>85</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/docs/2387357>

кампанияларни ўтказиш, сўровлар, ижтимоий ва бошқа тадқиқотлар асосида коррупцияга қарши курашиш тарғиботи ва таълими бўйича чора-тадбирлар натижалари ва таъсирини мунтазам равищда баҳолаш, ушбу соҳада кейинги чора-тадбирларни амалга оширишда баҳолаш натижаларидан фойдаланиш масалалари белгиланган.

Давлат дастури талабларини бажариш мақсадида 31.07.2019 йилда Идораларо комиссия раиси томонидан 30 банддан иборат “**Коррупцияга қарши курашиш мақсадида ахолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар режаси**” ва 16 банддан иборат “**Ёшларда коррупцияга қарши курашиш фаол дунёқарашиб мустаҳкам фуқаролик нуқтаи назарини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар режаси**” тасдиқланган ҳамда барча вазирлик ва идораларга юборилган.

Давлат дастури талабларини бажариш мақсадида **Олий таълим тизимида** коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш ва “**Коррупциясиз соҳа**” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “**Йўл харитаси**” қабул қилинди.

– “Йўл харита” 7 та бўлим (*умумий чора-тадбирлар, қабул жараёни, талабалар билимини баҳолаш, ўқишини кўчириш ва нострификация, ОТМларни такомиллаштириш, ўқитувчилар ижтимоий ҳимояси, бюджет маблағларидан мақдали фойдаланиши*) ва 46 та банддан иборат;

– тадбирларни **2019-2020 йилларда** амалга ошириш белгиланган;

– тадбирларни Давлат бюджети, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, БМТ тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти маблағлари хисобидан **молиялаштириш** белиланган;

– жами **31** та норматив-хуқуқий хужжат (*2 та қонун – Кадрлар тайёрлаши Миллий дастури ва Олий таълим тўзрисида, 1 та Президент қарори, 23 та Вазирлар Маҳкамаси қарори, 5 та идоравий норматив хуқуқий хужжсат лойиҳалари*) ишлаб чиқиш;

– **15** та амалий-ташкилий чора-тадбирлар (*1 та илмий тадқиқот, 2 та таҳлилий маълумот ва 12 та бошқа тадбирлар*) белгиланган.

Таҳлиллар кўрсатганидек мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бир қанча камайсада, хамон айрим соҳаларда мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар хавотирга солади. Ушбу соҳаларга “Ергеокадастр” қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, банк тизими, соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта-маҳсус таълими вазирлиги, мактабгача таълим, ички ишлар, давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи

субъектлар, халқ таълими вазирлиги ва давлат улуши бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони<sup>86</sup>нинг ижроси юзасидан **Олий таълим соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш бўйича тасдиқданган “Йўл ҳаритаси”** тасдиқланган.

“Йўл ҳаритаси”да 7 йўналишда (ОТМ соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ташкилий-амалий чора-тадбирлар, ОТМ қабул жараёни, таълим бериш ва талабалар билимини баҳолаш жараёнини такомиллаштириш, талабалар ўқишини кўчириш, ўқишга тиклаш, хорижий давлатларда берилган таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни ностирификация қилиш ҳамда таълим ташкилотларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш, ОТМ фаолиятини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда уларга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш ҳамда таълим тизимида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш) **46 банддан** иборат коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш назарда тутилган:

Тадбирларни Давлат бюджети, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, БМТ тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Жаҳон банки, Иқтисодий ғамкорлик ташкилоти маблағлари ҳисобидан молиялаштириш белиланган. Чора-тадбирларда жами 31 та норматив-хукуқий хужжат (2 та қонун – Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Олий таълим тўғрисида, 1 та Президент қарори, 23 та Вазирлар Маҳкамаси қарори, 5 та идоравий норматив хукуқий хужжат лойиҳалари) ишлаб чиқиш, 15 та амалий-ташкилий чора-тадбирлар (1 та илмий тадқиқот, 2 та таҳлилий маълумот ва 12 та бошқа тадбирлар) белгиланган.

Коррупциявий хукуқбузарликларни олдини олишда давлат идораларнинг очиқлиги муҳим аҳамият эгаллайди. 20.10.2019 йил ҳолатига 147 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг “Ишонч телефон”лари ва “Call-марказ”лари – тезкор алоқа линиялари ташкил этилган.

Аксарият давлат органларида бу борадаги ишлар жадал олиб борилмоқда, аммо Республика коррупцияга қарши идоралараро комиссия томонидан ўтказилган ўрганишда Давлат статистика қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекциясида ишонч телефони мавжуд эмаслиги аниқланган.

---

<sup>86</sup> Ўша манба

Ўрганишда Энергетика вазирлиги ва Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги расмий веб-сайти фаолият юритмаслиги маълум бўлган.

Агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотлариға фуқаролардан “ишонч телефони” орқали келиб тушадиган коррупцияга оид мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиши, кўрилган чоралар чора-тадбирлар бўйича маълумотларни ахборот хизматлари томонидан ташкилотларнинг веб-сайтларида жойлаштириш, амалга оширилган ишлар мониторингини олиб бориш учун “Давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий фактлар бўйича ишонч телефони тўғрисида”ти намунавий низом ишлаб чиқилган ва 19.09.2019 йилда услугий қўлланма тариқасида 165 та вазирлик ва идораларга юборилган.

Амалга оширилган чоралар республикада рўйхатга олинган коррупциявий холатлар камайишига олиб келмоқда. Статистик маълумотларга кўра 2019 йилда 2015 йилга нисбатан кескин қисқаришига эришилмоқда.

Коррупция даражасини аниқлаш борасида давлат идоралари томонидан ҳам сўровлар ўтказилган. Жумладан **Давлат божхона қўмитаси** томонидан 2019 йил 9 ойида худудий бошқармаларида **86** маротаба **2480** нафар божхона органларининг мансабдор шахслари, ташки иқтисодий фаолият иштирокчилари ва чегара орқали ҳаракатланаётган фуқаролар ўртасида аноним сўровномалар ўтказилган. “Телеграм” ижтимоий тармоғида 20 га яқин турли соҳа вакиллари аъзо бўлган гурухларда **531** нафар респондентлар иштирокида “Давлат божхона хизмати органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини 5 баллик тизимда қандай баҳолайсиз?” деган савол асосида аноним сўровнома ўтказилганида, **241** нафари (45%) – 5 балл, **44** нафари (8%) – 4 балл, **72** нафари (14%) – 3 балл, **27** нафари (5%) – 2 балл, **147** нафари (28%) – 1 балл билан божхона органларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини баҳолашган.

**Давлат солиқ қўмитаси** томонидан 2019 йилнинг сентябрь ойида республика миқёсида **6** минг нафардан ортиқ респондентлар иштирокида 12 та саволдан иборат аноним сўров ўтказилган.

Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишда тарғибот воситаларнинг ўрни ва аҳамияти муҳим хисобланади. Бу борада 2019 йил 9 ойида **Давлат божхона қўмитаси** томонидан 907 дона, шу жумладан 119 дона банер, 24 дона инфографика, 64 дона буклет, 21 дона флаер ва бошқа ахборот-тарғибот материаллари тайёрланган.

**Бош прокуратура** томонидан соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда 10 турдаги коррупцияни олдини олишга қаратилган баннер, горка, постер тайёрланиб, ЕХХТ қўмагида 138 мингдан ортиқ нусхада чоп этилиб, республика миқёсида тарқатилган.

Хуқуқни муҳофаза этувчи органлар томонидан **максус фильмлар** олинган. Жумладан Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан “Нафс гирдоби”, Давлат божхона қўмитаси томонидан “Пора – юзни қилур қора”, Ички ишлар вазирлиги томонидан “Озодлик қадри” номли видеофильмлар тайёрланган.

Мавзуга оид **ўқув қўлланмалар** чоп этилган Ш.Қобилов, О.Камалов. Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантириш. ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019 й., У.Умаров. Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш жамият тараққиётини кафолати. Ўқув-услубий қўлланма. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, 2019 й., Ш.Жалолов, Г.Нурмухаммедова. Порахўрлик жиноятларини профилактика қилиш бўйича худуд методикаси. Илмий-амалий тавсиялар. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий техник институти, 2019 й., К.Бабаназаров. Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш масалалари. методик қўлланма. 2019 й., Бош прокуратура Академияси, Б.Исмаилов. Институционализация национальных систем противодействия коррупции, Этические стандарты государственной службы в Республике Узбекистан и зарубежных странах номли ўқув қўлланмалари чоп этилган<sup>87</sup>.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини оширишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясини ташкил этилиши алоҳида аҳамиятга молик.

Хусусан, Президентнинг 08.05.2020 йилдаги “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5438-сонли Фармони<sup>88</sup> билан Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси (кейинги матнда Академия) этиб қайта ташкил этилган.

<sup>87</sup> Б.И.Исмаилов Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими ривожланиши:// Монография.-Т.:Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази, ЮМОМ. 2020.-170 Б.

<sup>88</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/3727063>

Ушбу Фармон билан академияга ўқитишининг амалий хусусиятига ва прокуратура органларининг касбий фаолияти билан узвий боғлиқликка таянган ҳолда магистратура мутахассислари бўйича кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилганлиги ва Академияда 2019/2020 ўкув йилидан бошлаб магистрларни, шу жумладан, бошқа мутахассислик йўналишлари бўйича олий маълумотга ва прокуратура органларида камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимлари ҳисобидан тайёрлаш йўлга кўйишили белгиланган.

Мазкур Фармон ижроси таъминланиб, Академияда 2019/2020 ўкув йилидан бошлаб мамлакатда ягона бўлган “Коррупцияга қарши курашиш” мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга кўйилди.

Хорижий мамлакатлар амалиётини кузатиш орқали барча давлат органларининг масъул ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича маҳсус ўкув курсларини ташкил этилиши мақсадга мувофиқлигини кўриш мумкин.

Масалан, “бугун Латвияда – антикоррупциявий таълим тизими олий ўкув юргларида ҳам, мактабларда ҳам яхши йўл қўйилган мамлакат сифатида намуна бўла олади. Буни мамлакатда коррупцияга қарши курашиш тизимида муносиб ўрин тутувчи Латвия мустақил ўкув маркази фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Марказ Европа иттифоқининг қўллаб-қувватлаши орқали суд тизими барча фуқаролар, шу жумладан, ўқувчи ёшлар учун ҳам шаффоф бўлишини таъминлашга қаратилган қатор дастурларни ишлаб чиқди”<sup>89</sup>.

Ёки, 2005 йилдан бошлаб Вильнюс педагогика университетида коррупцияга қарши таълим курслари ўқитила бошлаган, 2006 йилда Миколас Ромерис номидаги университет криминология бўйича ўкув курсларига коррупцияга қарши таълим курсларини кўшган, Клайпеда университети билан коррупцияга қарши таълим дастури бўйича ҳамкорлик давом эттирилмоқда, Каунасс технология университети ҳар йили литва маҳсус тергов хизмати вакилларини талабалар билан учрашувларини ташкил этади<sup>90</sup>.

Коррупцияга қарши курашишда коррупцияга қарши таълим (ўқитиш) вазифа ва функциялари нафақат коррупцияга қарши маҳсус ваколатли орган мавжуд бўлган давлатларда, балки бундай органлар ташкил этилмаган давлатларда ҳам мавжудлигини кўриш мумкин.

---

<sup>89</sup> С.Шомирзаев “Коррупцияга қарши курашишда Латвия тажрибаси” “Хукуқ ва бурч” журнали 2020 йил 2-сон 37 Б.

<sup>90</sup> Электрон манба. URL:<https://www.stt.lt/nuorodos/kitu-saliu-kovos-su-korupcija-institucijos/7422>

Масалан, Австралияда федерал тузилма ёки коррупцияга қарши кураш органларининг марказлаштирилган тизими йўқ. Бу ерда коррупцияга қарши асосий таълим дастури Австралия Миллий университети (Канберра) давлат сиёсати факультетида бўлиб ўтадиган “коррупция ва унга қарши кураш усуллари” мавзуидаги маҳсус курсдир. Тренинг давомида тингловчилар коррупция ҳодисасига турли ёндашувлар ва унинг намоён бўлишига қарши кураш усуллари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.<sup>91</sup>

Ёки, Австрияда ҳам коррупцияга қарши кураш соҳасида уч ҳафталик малака ошириш курси мавжуд. Ўқитувчилар сифатида, қоида тариқасида, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, олимлар, пцихологлар, иқтисодий жиноятларга қарши курашиш соҳасидаги мутахассислар таклиф этилади. Австрия федерал коррупцияга қарши кураш бюроси ходимлари 14 ёшдан 18 ёшгacha бўлган болалар учун “коррупцияга қарши тренинг” лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бошланғич лойиҳа шакли талабалар ва экспертизлар, социологлар, адвокатлар, криминологлар ва ўқитувчиларнинг фикрлари билан тўлдирилди. Лойиҳа талабаларни коррупцияга қарши курашиш ва иқтисодий жиноятлар тушунчалари ва коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари билан таништириш учун мўлжалланган. Шунингдек, талабаларга коррупция билан тўқнашувда ва фуқаронинг ушбу ҳодисага қарши курашишдаги роли тўғрисида хатти-харакатлар намойиш этилади.

Шунингдек, Ҳиндистонда Марказий тергов бюроси Академиясида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун коррупцияга қарши кураш бўйича маҳсус курслар ўқитилади.<sup>92</sup>

Шу билан бирга, Индонезия таълим муассасаларида коррупцияга қарши дастурлар коррупцияга қарши кураш комиссиясининг Индонезия Миллий таълим вазирлиги билан ҳамкорлигига амалга оширилади. Тегишли курслар ихтиёрий равишда мактаблар ва университетларнинг ўкув дастурларига киритилади ва факультатив равишда олиб борилади. Уларнинг етакчи ўқитувчилари ва ўргатувчилари (инструкторлари) Жакарта ва бошқа бир қатор шаҳарлардаги коррупцияга қарши кураш комиссиясида олдиндан ўқитилмоқда. Ҳозирги вақтда коррупцияга қарши таълим дастурлари мамлакатнинг 33 та вилоятларидан 11 тасида амалга оширилмоқда. Ушбу дастурлар болалар боғчасидан бошлаб таълимнинг барча босқичларини қамраб олади. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болалар

<sup>91</sup> Маълумот учун: ТІ халқаро нодавлат ташкилотининг 23.01.2020 йилдаги хисоботига кўра, дунёнинг 180 мамлакати орасида коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича Австралия 12-ўрин(77 балл)ни эгаллаган.

<sup>92</sup> Маълумот учун: ТІ 2019 йил якунлари бўйича хисоботида коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича Ҳиндистон 83-ўрин(41балл)ни эгаллаган.

“коррупцияга қарши түккиз қадриятлар” (халоллик, меҳнатсеварлик, жасорат, масъулият, мустақиллик, адолат, интизом, камтарлик, эътибор) шаклланишини рағбатлантирадиган тематик китоблар (эртак ва чизик романлари), стол ва роль ўйинлари орқали коррупцияга қарши кураш руҳида тарбияланади.<sup>93</sup> Ўрта мактаб ўқувчилари ва талабалар учун дарслар анъанавий тарзда маъruzалар, семинарлар, мунозаралар шаклида ўтказилади<sup>94</sup>.

Давлат фуқаролик хизматига киришда барча фуқароларнинг тенг имкониятлардан фойдаланишини ҳамда давлат фуқаролик хизматида профессионал сифатлар ва алоҳида хизматлар асосида кўтарилиб боришни таъминлайдиган номзодларни саралаб олишнинг шаффоф механизмлари шакллантириш, шунингдек аҳоли, айниқса ёшлар орасида барча даражалардаги давлат фуқаролик хизмати нуфузини ошириш, коррупциянинг юзага келиши, расмиятчилик ва бюрократияга имкон берувчи шароитларни йўқ қилиш мақсадида давлат фуқаролик хизматчиларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг муносиб даражасини кафолатлаш чоралари жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.10.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-5843-сонли Фармони<sup>95</sup> билан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги матнда ДХРА ёки агентлик) ташкил қилиниб, у давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул этиб белгиланган.

Агентлик зиммасига мазкур Фармон<sup>96</sup> билан юклатилган асосий вазифалар қаторида давлат фуқаролик хизматчиларида юксак касбий ахлоқ-одобни, коррупцияга қарши туриш маданиятини ва унга тоқатсиз муносабатни шакллантириш, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ти Конуни ҳамда Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва унда давлат фуқаролик хизматчиларида коррупцияга қарши маданиятни ва коррупцияга тоқат қилиб бўлмайдиган муносабатни шакллантиришнинг

<sup>93</sup> Маълумот учун: TI 2019 йил якунлари бўйича ҳисоботида коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича Индонезия 87-ўрин(40 балл)ни эгаллаган.

<sup>94</sup> Электрон манба. URL: <http://uz.uz/oz/programs/korruptsiya-zhamiyat-kushandasasi/ta-lil-rivozhlangan-davlatlarda-korruptsiyaga-arshi-anday-ku-14-02-2020/>

<sup>95</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/docs/4549998>

<sup>96</sup> Ўша манба

таъсирchan механизмларини жорий этиш белгиланганлиги билан аҳамиятлидир.

Зеро, Президент Ш.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга илк Мурожаатномасида “Давлат хизмати институтини ислоҳ қилиш, коррупцияга қарши таъсирchan кураш механизмларини жорий этиш керак”<sup>97</sup>, деб таъкидлаб ўтган.

Давлат хизматини кенг қўламли ислоҳ этилиши орқали мазкур вазифаларни сифатли ва самарали амалга оширилиши коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ қўйидаги долзарб масалаларни ҳал этишга имкон беради:

**1.** Мамлакатимизда давлат хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар амалга ошириш шу жумладан, хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлат бошқаруви ва хўжалик функцияларини бирга қўшиб олиб бориш амалиётидан воз кечиш, давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий таъминлашнинг замонавий тизимини яратиш бўйича чораларини қўриш;

**2.** Давлат органлари ва ташкилотларининг малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминлаш, кадрлар малакасининг юклатилган вазифалар ва замонавий эҳтиёжларга мувофиқлигига, қабул қилинаётган қарорлар сифатининг юқорилигига эришиш йўлидаги бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш;

**3.** Давлат фуқаролик хизматини, шу жумладан номзодларни очиқ мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс ҳукукий тартибга солишини таъминловчи, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳоловчи мезонларни, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгиловчи тўғридан-тўғри таъсир кучига эга қонунларни қабул қилиш;

**4.** Давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли органни белгилаш, давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар сиёсатини олиб бориш, ходимларни самарали бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш, малакали кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантириш ҳамда улар томонидан давлат фуқаролик хизматчиларининг вакант лавозимлари ўз вақтида эгалланишга имкон бериш;

**5.** Давлат фуқаролик хизматига киришда барча фуқароларнинг тенг имкониятлардан фойдаланишини ҳамда давлат фуқаролик хизматида профессионал сифатлар ва алоҳида хизматлар асосида кўтарилиб боришни

---

<sup>97</sup> Электрон манба. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/1371> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаати 22.12.2017 йил // Халқ сўзи <https://>

таъминлайдиган номзодларни саралаб олишнинг шаффоф механизмлари шакллантириш;

**6.** Аҳоли, айниқса ёшлар орасида барча даражалардаги давлат фуқаролик хизмати нуфузини ошириш, коррупциянинг юзага келиши, расмиятчилик ва бюрократияга имкон берувчи шароитларни йўқ қилиш мақсадида давлат фуқаролик хизматчиларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг муносиб даражасини кафолатлаш чоралари жорий этиш.

## II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

### § 2.1. Хорижий давлатларда коррупцияга қарши курашиш институционал тизими таснифи

Коррупцияга қарши курашиш борасидаги самарадорлигига кўп жиҳатдан унга қарши курашиш институционал тизимини қай даражада мукаммал ташкил этилганлиги ҳамда ушбу соҳадаги хуқуқий асослари мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўрганишлар кўрсатганидек, илк бор коррупцияга қарши курашувчи органлар 1950-1970 йилларда Жанубий Шарқий Осиё мамалакатларининг айримларида алоҳида институтлар шаклида ташкил этилиб, фаолияти ривожланиб келган. Бугунги кунда дунё давлатларида **171** дан ортиқ коррупцияга қарши курашиш ихтисослашган ваколатлари органлари ташкил этилган.

**Фикримизча,** хорижий давлатларда коррупцияга қарши институционал тизим шаклланишини турлича таснифлашни кўриш мумкин.

Таҳлиллар давомида аниқланган ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, З та асосий модел(кўп мақсадли, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва профилактика)ни шаклланганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу масалалар айрим тадқиқотчиларнинг илмий-назарий қарашларида ҳам ифодаланганлигини кўриш мумкин<sup>98</sup>.

1) Кўп мақсадли коррупцияга қарши агентликлар (Сингапур, Гонконг, Янги Жанубий Уэльс ва Австралия, Ботсвана, Уганда, Литва, Латвия, Польша, Корея Республикаси, Таиланд, Аргентина ва Эквадор ва бошқалар)

Ушбу модель учта асосий устун(тергов, профилактика ва жамоатчиликни хабардор қилиш ва таълим)га асосланган ягона агентлик ёндашувининг яққол намунасидир.

Кўпгина ҳолларда, бундай муассасалар катта ваколатлар берилганлиги ва нисбатан мустақиллигини ҳисобга олган ҳолда жиноий (суд) таъқиби функцияси ҳокимиятлар тизимидағи баланс ва мувозанатни сақлаш учун алоҳида вазифа бўлиб қолмоқда.

Ушбу модель одатда Гонконгнинг коррупцияга қарши мустақил комиссияси (Independent Commission Against Corruption-ICAC) ва

---

<sup>98</sup> Исмоилов Б.И. “Передовой зарубежный опыт по созданию специализированных институтов по борьбе с коррупцией”//“Демократлаштириш ва инсон хукуклари” илмий-маърифий журнали, Тошкент 1(85) – 2020 й 125-134 Б.

Сингапурдаги коррупцияни тергов қилиш бюроси (Corrupt Practices Investigation Bureau-СПІВ, Осиё) қиёфасида кўрилади. У барча қитъаларда бундай агентликларни яратишга асосий таъсир кўрсатган, масалан Янги Жанубий Уэльс ва Австралия (Independent Commission Against Corruption-ICAC, Австралия) Коррупцияга қарши мустақил комиссия, Ботswana коррупцияга қарши ва иқтисодий жиноятларга қарши кураш идораси, Угандадаги ҳукумат бош инспектори (Африка), Литва маҳсус тергов хизмати(Special Investigation Service-STT), Латвия коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш бюроси(Corruption Prevention and Combating Bureau-KNAB), Польша Коррупцияга қарши кураш бўйича марказий бюро (Central Anticorruption Bureau-СВА, Европа).

Бир қатор давлатлар, хусусан Корея Республикаси, Таиланд, Аргентина ва Эквадор агентликларни ташкил қилишда Гонконг ва Сингапур стратегияларининг элементларини қабул қилган.

2) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ваколатларга эга органлар (Норвегия, Белгия, Испания, Хорватия, Руминия, Венгрия, Малта, Германия, Буюк Британия, Албания ва бошқалар)

Бу каби органларни XX асрнинг 80-йилларидан шаклана бошлаганлигини кўриш мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг модели турли хил ихтисослашувга эга бўлиб, коррупция ҳолатларини аниқлаш, тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш органлари шаклида ташкил этилиши мумкин. Ушбу модель ўзида коррупцияга қарши ихтисослаштирилган аниқлаш, тергов ва жиноий таъқиб функцияларини бир органда бирлаштириши мумкин. Баъзида ҳуқуқни муҳофаза қилиш модели профилактика, мувофиқлаштириш ва тадқиқот функцияларини ўз ичига олади. Шу боис, ИХТТ мамлакатларида ушбу моделни кенг тарқалганлигини кузатиш мумкин.

Ушбу моделга Иқтисодий ва экологик жиноятлар бўйича миллий тергов ва прокуратура идораси (Норвегия), Коррупцияга қарши марказий идораси (Белгия), Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши маҳсус прокуратура (Испания), Коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бошқармаси (Хорватия), Коррупцияга қарши миллий идораси (Румыния), Марказий прокуратура (Венгрия) ва Коррупцияга қарши кураш бўйича доимий қўмита (Мальта) мисол бўла олади.

Ушбу модель Германиядаги Ички тергов департаменти, Буюк Британиянинг Метрополитан полицияси/Коррупцияга қарши қўмондонлик ва Албания миллий полициясининг ички назорат хизмати мисолида ҳуқуқни

мухофаза қилиш тизимидағи коррупцияни аниқлаш ва текшириш учун тор юрисдикцияга эга ички тергов органлари сифатида ҳам фаолият күрсатиши мүмкін.

3) Профилактика функциясини бажарувчи коррупцияга қарши курашувчи органлар (Грузия, Озарбайжон, Тожикистан, Украина, Россия, Словения, Черногория, Сербия, Франция, Нидерландия, Италия, Литва, Туркия, Эстония ва Австрия ва бошқалар)

Профилактика муассасалари энг кенг тарқалган модель ҳисобланади. Шу билан бирга, уни учта асосий тоифага бўлиш мүмкін:

А) Коррупцияга қарши мувофиқлаштириш кенгашлари-бундай идоралар, одатда мамлакатда коррупцияга қарши курашга йўналтирилган, хусусан, коррупцияга қарши курашиш миллий стратегиясини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва назорат қилиш учун тузилган. Коррупцияга қарши кенгашлар (комиссиялар ёки қўмиталар) масъул давлат органлари ва вазирликлар, ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд тармоқларининг вакилларидан иборат бўлиб, фуқаролик жамиятини ўз ичига олиши мүмкін. Коррупцияга қарши кенгашлар, қоида тариқасида, доимий муассасалар эмас, лекин доимий равишда ишлайди. Уларда доимий котибиятлар шаклида фаолият күрсатиши мүмкін. Бунга Грузиядаги Адлия вазирлиги хузуридаги Котибият шаклида фаолият юритувчи Коррупцияга қарши Кенгаш, Озарбайжондаги коррупцияга қарши комиссия, Албанияда Идоралараро ишчи гурӯҳ ва унинг Вазирлар Маҳкамасидаги котибиятини мисол сифатида олиш мүмкін. Коррупцияга қарши юқори даражадаги кенгашлар МДҲ давлатларидан Тожикистан, Украина ва Россияда ҳам мавжуд.

В) Коррупцияни олдини олиш учун маҳсус ташкил этилган органлар-булар коррупция ҳолатларини бартараф этиш учун ташкил этилган бўлиб, улар доимий ҳисобланади ва нисбатан кенгроқ ваколатларга эга. Шунингдек, бу турдаги органларига коррупцияга қарши кураш стратегиясини мувофиқлаштириш вазифаси ҳам юклатилган, бироқ улар бундан ташқари коррупция хавф-хатарларини баҳолаш, давлат муассасалари ва хусусий секторда коррупцияга қарши кураш бўйича коррупцияга қарши курашиш масалаларидаги хабардорлик ва таълим бериш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, активларни декларациялаш, сиёсий партияларни молиялаштириш ва лоббизмга қарши курашиш, ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизаси каби бошқа функцияларни ҳам бажаради.

Коррупциянинг олдини олиш бўйича комиссия (Словения), Коррупцияга қарши кураш идораси (Черногория), Коррупцияга қарши кураш агентлиги (Сербия), Коррупциянинг олдини олиш бўйича марказий

хизмат (Франция) ва маълум даражада Коррупцияга қарши комиссия (Озарбайжон) ушбу моделга мисол бўла олади.

C) Коррупцияга қарши институтлар сифатида қайд этилмаган бўлсада, **коррупцияни бартараф этишга кўмаклашувчи давлат идоралари**-бу баъзи мамлакатларда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, одоб-ахлоқ қоидалари, яхлитлик ёки давлат бошқаруви ёки парламентда активлар декларациялаш устидан назорат қилиш каби маҳсус тузилмалар бўлиб, Руминиядаги миллий ҳалоллик агентлиги, Голландиядаги миллий ҳалоллик бюроси, АҚШ хукумати этикаси идораси, Литвадаги расмий етика комиссияси, Буюк Британия бирлашган қироллигининг умумий палата стандартлари бўйича парламент комиссари; Албанияда активлар аудити ва декларациялаш олий инспекция ва Италиядаги давлат хизматида ошкоралик ва ҳалолликка баҳолаш бўйича мустақил комиссия мисолида кўриш мумкин.

Бундан ташқари, кўплаб мавжуд давлат институтлари ўз вазифалари доирасида коррупциянинг олдини олишга ёрдам беради. Булар қаторига давлат аудити институтлари (масалан, Бразилиядаги Бош назоратчи Бошқармаси) ёки давлат харидлари учун масъул бўлган муассасалар (масалан, Норвегиядаги давлат харидлари бўйича шикоят кенгаши) киради. Коррупциянинг олдини олиш ва аниқлашда ички ва ташқи аудит, солиқ ва шунга ўхшаш давлат назорати органлари муҳим рол ўйнаши мумкин. Буюк Британиядаги сайлов комиссияси сингари баъзи мамлакатларда Марказий сайлов комиссиялари сиёсий партиялар ва кампанияларни молиялаштириш қоидаларига риоя этилишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Россия ва Грузиядаги каби баъзи давлатларда коррупциянинг олдини олиш учун компаниялар иштироқидаги бизнес-омбудсманлар тузилган.

D) Давлат хизматида коррупциянинг олдини олишда давлат-фуқаролик хизмати бўйича комиссиялар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Уларнинг асосий вазифаси лойик хизматга асосланган ва профессионал давлат хизматини тақдим этиш ва уни ҳаддан ташқари сиёсий таъсирдан ҳимоя қилиш, маслаҳатлар бериш ва давлат хизматчиларини ахлоқий меъёрларга ўргатиш ёки уларнинг активлари тўғрисидаги декларацияларни тўплаш ва текширишдан иборат. Туркиядаги Давлат хизматининг ахлоқий кенгаши, Эстония Молия вазирлиги хузуридаги Давлат бошқаруви ва давлат хизмати Департаменти ёки Австриядаги Федерал канцлерияси ушбу моделдаги органлардандир.

F) Вазириклар ва давлат идораларидағи ички ҳалоллик/одоб-ахлоқ бўлинмалар ушбу орган ичидағи коррупцияга қарши ва ахлоқий қоидаларни тарғиб қиласи ёки қўллайди.

Ж) суд тизими-судяларнинг мустақиллиги ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни судьялар кенгашлари ёки судяларнинг одоб-ахлоқ бўйича маҳсус комиссиялари томонидан таъминланади<sup>99</sup>.

Хорижий мамлакатларда ташкил этилиб, фаолият юритиб келаётган коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга ихтисослашган органлар самарадорлигини айрим рақамларда кўриш мумкин.

Хусусан, Хитой Халқ Республикасида коррупцияга қарши курашиш органлари томонидан 2017 йилда коррупция билан боғлиқ жиноятларни фош этилиши натижасида мансабдор шахслардан мусодара қилинган активлар миқдори 1,2 млрд юань ёки 180 млн. АҚШ долларини ташкил этган<sup>100</sup>.

Коррупцияга қарши курашишда институционал тизимни такомиллаштириш мавзусида тадқиқот олиб борган Avinash Dixit ушбу заруратни кўп давлатлар, хусусан Италия мисолида ҳам кўриб чиқиб, товламачилик йўли билан мафия томонидан ҳар йили 160000 корхоналардан 10 млрд. АҚШ доллардан ортиқ миқдордаги пул маблағлари (пиццо-улуш) сифатида олиниши, бу эса ушбу корхоналар ялпи маҳсулотининг 40 фоизидан ортиқни ташкил этишини қайд этган<sup>101</sup>.

Ёки, АҚШ Адлия вазирлиги томонидан 2009-2010 йилларда фош этилган коррупцион жиноятлар оқибатида етказилган 5 млрд АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини давлат бюджетига қайтарилган<sup>102</sup>.

МДҲга аъзо давлатлардан Россия Федерациясида 2018 йилда фош этилган коррупцион жиноятлар бўйича етказилган зарар миқдори 177,5 млрд. рублни<sup>103</sup>, 2019 йилнинг 8 ойида эса 102 млрд. рубльни ташкил этганлигини қайд этишини мумкин<sup>104</sup>.

Ёки, Кирғизистон Республикаси Баш прокуратурасининг маълумотига кўра, 2018 йилда фош этилган коррупцион жиноятлар оқибатида етказилган зарар миқдори 6,9 млрд. сом (2017 йилда 1,4 млрд. сом) ёки 50,0 млн. АҚШ

<sup>99</sup> Клеменчик Г., Стусек Я. Специализированные институты по борьбе с коррупцией: обзор моделей. Организация экономического сотрудничества и развития Сеть по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии. 2006. – С. 10

<sup>100</sup> Исмаилов Б.И. Институционализация национальных систем противодействия коррупции.//Учебное пособие. -Т.Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2020. -172 Б.

<sup>101</sup> Avinash Dixit, Anti-Corruption Institutions: Some History and Theory, in K. Basu, T. Cordella (ed), Institutions, Governance and the Control of Corruption. Springer, 2018. Ch.2, pp. 15-49; Электрон манба. URL:[http://www.princeton.edu/~dixitak/home/IEAConf\\_Dixit\\_Rev.pdf](http://www.princeton.edu/~dixitak/home/IEAConf_Dixit_Rev.pdf).<https://books.google.co.uz/books?id=7HNUDwAAQBAJ&pg>

<sup>102</sup> Исмаилов Б.И. Институционализация национальных систем противодействия коррупции.//Учебное пособие. -Т.Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2020. -203 Б.

<sup>103</sup> Электрон манба. URL:<https://lenta.ru/news/2018/03/16/korrupcija/>

<sup>104</sup> Электрон манба. URL:<https://www.kommersant.ru/doc/4163153>

долларини ташкил этиб, унинг 2,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги қисмини ундиришга эришилган<sup>105</sup>.

Шу билан бирга, Козогистон Республикаси (Коррупцияга қарши курашиш агентлиги)да 2016-2018 йилларда аниқланган коррупцион жиноятлар бўйича етказилган зарар миқдори 40 млрд тенге ёки 103,9 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2019 йилда аниқланган 2,5 млрд. тенге миқдоридаги зарарнинг 2,0 млрд. тенги қисми қопланишига эришилган<sup>106</sup>.

Коррупцияга қарши ҳар қандай институтни ташкил этишининг аниқ асоси коррупциянинг муайян муаммосини ҳал қилиш ва ихтисослашган институт орқали коррупцияни камайтиришга ҳисса қўшишdir. Бироқ, демократик жамиятларда анъанавий коррупцияга қарши функциялар (жиноий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш, молиявий назорат орқали давлат харажатларининг шаффофлигини таъминлаш, ахборотлар ва фуқаролик жамияти учун очиқлик орқали очиқ ҳукуматни таъминлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳоказолар) одатда мавжуд. Бироқ, коррупцияга қарши ушбу функциялар кўплаб муассасаларда тарқалиб кетган, шу боис таникли номга эга бўлган бирорта ҳам ташкилот мавжуд эмас, бу унинг коррупцияга қарши курашиш учун жавобгар эканлигидан далолат беради.

**Агар мавжуд институционал тизимдаги тузилмавий ёки операцион камчиликлар коррупцияга қарши самарали профилактика ва репрессив ҳаракатларни амалга оширишга имкон бермаса, ихтисослаштирилган коррупцияга қарши институт ташкил этилишини тақозо қиласи.**

Шунга кўра, коррупцияга қарши янги институтни тугатиш учун асос бўлган давлат тизимидан фарқли ўлароқ:

- коррупция ёки сиёсий аралашувга қарши келмайди;
- вертикал интеграцияни бир марта бекор қилинадиган агентликлар томонидан амалга ошириладиган назоратни мувофиқлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар;
- коррупцияга қарши курашиш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш учун космик маълумотларнинг ва марказларини тиклаш ва коррупцияга қарши курашиш. Ушбу коррупцияга қарши курашиш институтини кутилаётган асосий натижаси коррупцияга қарши курашиш функцияларини тиклаш керак”.

---

<sup>105</sup> Электрон манба. URL: <https://www.occrp.org/ru/daily/9592-2019-04-17-13-31-15>, <https://knews.kg/2018/01/12/>

<sup>106</sup> Электрон манба. URL:<https://ru.sputniknews.kz/economy/20190605/10389843/>, <https://altaynews.kz/ru/45568.html>

Аксинча, тажриба шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши ихтисослаштирилган институтни тузишда қандай хавф-хатарлар мавжуд. Ушбу хавфларни албатта ҳисобга олиш керак:

- янги институт самарасиз бюроқратиянинг яна бир қатламини вужудга келтириши мумкин;
- бу мавжуд назорат институтлари ва донорларнинг диққат эътибори, мавжуд манбалари ва мажбуриятларини ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бошқа йўналишларга қаратилишига олиб келиши мумкин;
- ушбу орган бошқа ташкилотлар билан қамраб олиш доираси юзасидан зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин;
- ушбу органдан сиёсий рақибларга қарши восита сифатида фойдаланиш мумкин.

Муайян мамлакат коррупцияга қарши институтининг қайси моделини маъқуллаши керак, деган саволга жавоб бериш жуда қийин. Коррупцияга қарши ихтисослашган институтни яратиш имкониятини кўриб чиқаётган ва модель танлаш масаласини муҳокама қилаётган ҳар қандай давлат қўйидаги тасдиқланган ҳақиқатни тан олиши керак.

Таъкидлаш жоизки, Гонконг, Сингапур ва ҳаттоқи Латвия ва Литвада ихтисослашган кўп мақсадли агентликлар, улар тез-тез тилга олинади ва баъзан халқаро эксперталар томонидан мақтовор - яхши моделларнинг намуналари сифатида жуда ўзига хос мазмунга эга бўлади (масалан, коррупция муаммоси бўлган кичик мамлакатларда, лекин демократизация, ўтиш ва интеграциялашувнинг маълум бир босқичида ҳар доим ҳам эндемик эмас, бу давлатлар ҳам қонун устуворлиги, суд тизими, катта чекловлар ва мухолифат билан ажралиб туради. Ушбу моделни каттароқ ёки федерал штатларда ёки коррупция ва бошқа муҳим фарқлаш хусусиятларига эга мамлакатларда нусхалашга уринишлар ҳозиргача турли хил натижаларни бермоқда.

Шунга кўра, биринчи қоида коррупцияга қарши профилактика ва репрессив функцияларнинг ихтисослаштирилган модели ва шаклини маҳаллий шароитга мослаштиришдир.

Ушбу жараёнда қўйидаги омилларни ҳисобга олиш керак:

1. Мамлакатда коррупциянинг тахминий даражаси, масалан коррупциянинг паст даражаси кенг ваколатларга эга бўлган кучли кўп мақсадли агентлик шаклида жавоб чораларини талаб қилмайди. Аксинча, маҳаллий коррупция кичик агентликни ағдариши мумкин.
2. Мавжуд муассасаларнинг ҳалоллиги, ваколати ва имкониятлари коррупцияга қарши институт мавжуд институционал тузилмада мавжуд

бўлмаган ёки айниқса заиф бўлган функцияларни бажариши ёки кучайтириши керак. Шунинг учун, мавжуд институционал базани баҳолашдан бошлаш муҳимдир. Агар янги орган тузиш тўғрисида қарор қабул қилинса, мавжуд институтларнинг паст даражада яхлитлиги янги коррупцияга қарши институтнинг "яхлитлик ороли" ёки "ваколатлар ороли" сифатида юқори даражадаги мустақилликни талаб қиласди.

3. Мавжуд институтлардаги ихтисослашув билан солиштирганда янги коррупцияга қарши орган-коррупцияга қарши янги ихтисослашган органни яратиш орқали ҳукуматда коррупцияга қарши стратегияни амалга оширишни таъминлаш мумкинми ёки бу ихтисослашувга қўмаклашса янада самарали бўлиш-бўлмаслигини баҳолаш жуда муҳимдир. Мавжуд бир ёки бир нечта муассасаларда коррупция хавф-хатарларига қўпроқ эътибор бериш лозим.

4. Конституциявий тузилма-аксарият мамлакатларда мустақил институтни ташкил қилиш конституциявий тўсиқларга дуч келади.

5. Мавжуд қонунчилик базаси ва жиноий одил судлов тизими-жиноий одил судлов тизимлари бутун дунёда турли субъектлар, хусусан полиция, прокуратура, терговчи судлар, судлар ўргасида, айниқса дастлабки тергов ва судгача бўлган жараёнда ваколатлар ва мажбуриятларнинг аниқ тақсимланишида кескин фарқ қиласди.

6. Мавжуд молиявий ресурслар-ислоҳ қилиш ёки янги институтларни яратиш жуда катта миқдордаги пул маблағларини сарфлашни тақозо этади. Кучли марказий кўп мақсадли агентлик тузишга қарор қилишда давлат бюджети ва бошқа манбалар бундай институционал тадбирларни етарли ва барқарор молиялаштириши мумкинлигини олдиндан аниқлаш айниқса жуда муҳимдир.

Коррупцияга қарши ихтисослашган органни тузиш ва аниқ моделни танлаш таҳлил ва стратегияга асосланган бўлиши шарт. Авваламбор, мамлакат қаерда жойлашганлигини, мавжуд мутахассислик бўйича институтларнинг имкониятларини баҳолаб, кейин батафсил йўл харитасини ишлаб чиқиши керак. Ушбу қадамлар аниқ қўриниши мумкин бўлса-да, кўпгина мамлакатларда коррупцияга қарши агентликлар тегишли ҳукукий база ёки тузилмавий ва молиявий асосга эга бўлмаган ҳолда қайд этилган омилларни инобатга олмасдан, имкониятларни олдиндан баҳоланмасдан ёки стратегиясиз тузилганлиги ажабланарли холдир. Дастребли ноаниқ масалалар (ихтисослашган муассасанинг йўқлигига ишончли баҳолашни амалга ошира оладиган ва хаётий стратегияни, ихтисослаштирилган муассасани яратиш учун шарт-шароитларни тайёрлайдиган) баъзида муаммо туғдирсада, юқорида таъкидланганидек, коррупцияга қарши янги

органнинг тўғри ташкил этилиши кенгроқ миллий стратегиянинг бир қисми бўлиши керак. Авваламбор, янги органнинг турини ва унинг институционал жойлашувини аниқлаштириш керак. Бундан ташқари, унинг вазифаси ва функциялари, шунингдек идоралароро ҳамкорлик қоидалари аниқ белгиланган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

Муассаса фаолиятини тартибга солувчи мустаҳкам қонунчилик базасини яратишида институт билан боғлиқ молиявий, кадрлар, процессуал ва операцион масалаларни ҳисобга олиш керак. Мазкур органга юклатилган вазифа ва функцияарни амалга оширишга мутаносиб равишда бюджет маблағлари ажратилиши керак. Шаффоф жараёнлар орқали тажрибали ва аъло даражадаги профессионал обрўга эга бўлган сиёсий мустақил ва холис раҳбарни тайинланиши янги орган учун муҳим қадамдир. Ички ташкилий тузилмалар ва қоидаларни, шу жумладан ички тартиб-қоидаларни тайёрлаш; шахсий таркибни танлаш жараёнини бошлаш, ички маъмурий, операцион ва ҳисбот процедураларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ишларнинг бажарилишини ўлчаш учун бошқариладиган иш режалари ва мезонларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шахсий таркибни ўқитиш коррупцияга қарши курашувчи органнинг жуда муҳим белгиларидан биридир, шу жумладан дастлабки ўқитиш ва малака ошириш шаклидаги таълим бериш, уларни малакасини ўсиб боришини ўлчов кўрсаткичларини ва иш режаларни ишлаб чиқиш лозим.

Коррупцион ҳолатлари билан шуғулланувчи ҳукуқни муҳофаза қилиш органларининг тезкор ва таркибий мустақиллигини таъминлаш чораларини кўриш, шунингдек, марказий Коррупцияга қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи органнинг салоҳияти ва ихтисослигини кучайтириш, шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Евropa ва Марказий Осиё давлатлари учун Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режаси 4-босқич мониторинги давомида Ўзбекистонга берилган тавсиялари<sup>107</sup>да мавжуд.

Шуни таъкидлаш керакки, 2020 йил бошига келиб дунёning 114 та давлатида 171 дан ортиқ мамлакатларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ихтисослашган ташкилотлар фаолият юритмоқда<sup>108</sup>.

Коррупцияга қарши биринчи ихтисослашган органлардан бири 1952 йилда ташкил этилган Сингапур Коррупция ҳолатларини тергов бюроси<sup>109</sup> бўлиб, кейинчалик бундай органлар Ҳиндистонда Огоҳлик

<sup>107</sup> Электрон манба. URL:<https://t.me/s/uzbprokuratura?q=4-%D1%80%D0%B0%D1%83%D0%BD%D0%B4>

<sup>108</sup> Электрон манба. URL:<https://www.agence-francaise-anticorruption.gouv.fr/fr/vers-cartographie-mondiale-des-autorites-anticorruption-resultats-notre-enquete>

<sup>109</sup> Электрон манба. URL: <https://www.cpib.gov.sg/>

бўйича Марказий қўмитаси<sup>110</sup> (1964), Озарбайжонда Коррупцияга қарши курашиш комиссияси<sup>111</sup> (2004), Грузияда Коррупцияга қарши Кенгаши<sup>112</sup> (2008), Корея Республикасида Коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик хуқуқлари бўйича мустақил комиссия<sup>113</sup> (2008) шаклида ташкил этилган.

Коррупцияга қарши органларнинг ташкил этилиши бир қатор давлатларга коррупцияга қарши самарали тизимларни яратишга, давлат бошқаруви самарадорлигини сезиларли даражада кучайтиришга, давлат органлари устидан назорат функцияларини оптималлаштиришга имкон берди.

Дунёда фаолият юритадиган коррупцияга қарши ихтисослаштирилган органларни учта асосий моделга бўлиш мумкин:

- **коррупцияга қарши кўп мақсадли агентликлар** (Сингапур, Литва<sup>114</sup>, Латвия<sup>115</sup>, Сербия<sup>116</sup>, Қозоғистон<sup>117</sup>, Молдова<sup>118</sup>, Франция<sup>119</sup> ва бошқалар);

- **хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ваколатларига эга муассасалар** (Белгия<sup>120</sup>, Буюк Британия<sup>121</sup>, Дания<sup>122</sup>, Испания<sup>123</sup>, Норвегия<sup>124</sup>, Руминия<sup>125</sup>, Польша<sup>126</sup>, Украина<sup>127</sup> ва бошқалар);

- **коррупциянинг олдини олиш, хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг умумий раҳбарлиги ва мувофиқлаштирилишини таъминлайдиган муассасалар** (Албания<sup>128</sup>, Аргентина<sup>129</sup>, Озарбайжон<sup>130</sup>, Болгария<sup>131</sup>, Вьетнам<sup>132</sup>, Грузия<sup>133</sup>, Хитой<sup>134</sup>, Хорватия<sup>135</sup>, Словения<sup>136</sup> ва бошқалар).

<sup>110</sup> Электрон манба. URL: <https://www.cvc.nic.in>

<sup>111</sup> Электрон манба. URL: <https://www.commission-anticorruption.gov.az>.

<sup>112</sup> Электрон манба. URL: <https://www.oecd.org/countries/georgia/37223593.pdf>

<sup>113</sup> Электрон манба. URL: <http://www.acrc.go.kr/acrc/index.do>

<sup>114</sup> Электрон манба. URL: <https://www.stt.lt/>

<sup>115</sup> Электрон манба. URL: <https://www.knab.gov.lv/>

<sup>116</sup> Электрон манба. URL: <http://www.acas.rs/>

<sup>117</sup> Электрон манба. URL: <https://www.gov.kz/memleket/entities/anticorruption?lang=kk>

<sup>118</sup> Электрон манба. URL: <https://gov.md/>

<sup>119</sup> Электрон манба. URL: <https://www.agence-francaise-anticorruption.gouv.fr>

<sup>120</sup> Электрон манба. URL: <https://www.belgium.be>

<sup>121</sup> Электрон манба. URL: <https://www.sfo.gov.uk/>

<sup>122</sup> Электрон манба. URL: [http://www.ombudsmanden.dk/international/fields\\_of\\_work/](http://www.ombudsmanden.dk/international/fields_of_work/)

<sup>123</sup> Электрон манба. URL: <http://www.aeat.es>

<sup>124</sup> Электрон манба. URL: <https://www.u4.no/topics/anti-corruption-institutions>

<sup>125</sup> Электрон манба. URL: [www.pna.ro](http://www.pna.ro), <http://www.mai-dga.ro>

<sup>126</sup> Электрон манба. URL: [www.cba.gov.pl](http://www.cba.gov.pl)

<sup>127</sup> Электрон манба. URL: <https://nabu.gov.ua/en>

<sup>128</sup> Электрон манба. URL: [https://en.wikipedia.org/wiki/List\\_of\\_anti-corruption\\_agencies](https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_anti-corruption_agencies)

<sup>129</sup> Электрон манба. URL: <https://www.argentina.gob.ar/anticorrucion>

<sup>130</sup> Электрон манба. URL: <https://www.antikorrupsiya.gov.az>

<sup>131</sup> Электрон манба. URL: <https://www.oecd.org/corruption/acn/39972100.pdf>

<sup>132</sup> Электрон манба. URL: <https://vietnamnews.vn/politics-laws/571205/central-steering-committee-on-anti-corruption-convenes-17th-session.html>

<sup>133</sup> Ўша манба

<sup>134</sup> Электрон манба. URL: [www.icac.org.hk](http://www.icac.org.hk), <http://www.ccdi.gov.cn/>, www.ccac.org.mo

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, бир қатор хорижий мамлакатларда ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб прокуратура органлари ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида коррупцияга қарши ихтисослашган бўлинмалар (Испания, Молдова, Франция, Швеция ва бошқалар) ташкил этилган бўлиб, улар коррупцион ҳолатлар бўйича жиноий ишларни аниқлаш, жиноий жавобгарлик ва терговни амалга оширади.

Коррупцияга қарши кураш бўйича кўп мақсадли идоралар тергов фаолиятини олиб бориш, коррупцияга қарши сиёсат, таҳлилий фаолиятни ривожлантириш, жиноятчиликнинг олдини олишга ёрдам бериш, фуқаролик жамияти билан ўзаро муносабатлар, маълумот тўплаш ва таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш дастурининг бажарилишини назорат қилиш вазифаларини бажаради.

Коррупцияга қарши ихтисослашган муассасалар хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ваколатига эга бўлиб, коррупция билан боғлиқ хуқуқбузарликларни содир этган мансабдор шахсларни аниқлаш ва жиноий жавобгарликка тортишни, шунингдек жиноий йўл билан топилган молмулкни қайтаришни амалга оширадилар<sup>137</sup>.

Учинчи ва энг кенг тарқалган модель – коррупцияни олдини олишга қаратилган муассасаларни ўз ичига олади. Амалда, профилактика ва мувофиқлаштириш функциялари битта органга бирлаштирилган ёки турли органларга берилган. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар (комиссиялар, қўмиталар), қоида тариқасида, коррупцияга қарши курашда иштирок этувчи турли давлат идоралари вакилларини бирлаштиради. Бу юқори ва иш даражасида вакилликка эга бўлган тузилмалар шаклида ҳам бўлиши мумкин.

Шунингдек, улар орасида кўпинча нодавлат сектори вакиллари (нодавлат ташкилотлари, илмий доиралар ва бизнес вакиллари, эксперталар, халқаро ташкилотлар ва бошқалар) мавжуд.

Ўхшаш тузилмаларга Ҳукумат ахлоқ идораси (АҚШ), Коррупцияга қарши курашиш бўйича Марказий хизмат (Франция), Марказий огоҳлик хизмати (Хинди斯顿), Коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик хуқуқлари бўйича мустақил комиссия (Корея Республикаси), Коррупцияга қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи комиссия (Болгария), Коррупцияга қарши мониторинг груухи (Албания), Коррупцияга қарши мониторинг комиссияси (Словения), Коррупцияга қарши кураш бўйича

<sup>135</sup> Электрон манба. URL:<https://vlada.gov.hr/en>

<sup>136</sup> Электрон манба. URL:<http://www.kpk-rs.si/en/the-commission>

<sup>137</sup> Руководство по борьбе с коррупцией 2016 Организация по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ); [www.osce.org](http://www.osce.org) – 271 с.

миллий кенгаш (Хорватия), Коррупцияга қарши кенгаш (Сербия), Идораларо ишчи гурух (Албания) ва Президентнинг коррупцияга қарши кенгаши (Россия) мисол бўла олади.

Коррупциянинг олдини олиш бўйича ихтисослашган муассасалар (Грузиянинг Коррупцияга қарши кенгаши, Украина нинг Коррупцияга қарши сиёсати бўйича миллий кенгаши, Қозогистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Коррупцияга қарши кураш бўйича комиссия, Қирғизистоннинг Коррупцияга қарши давлат стратегиясининг амалга оширилишини мониторинг қилиш бўйича хавфсизлик кенгашининг ишчи гурухи, Коррупцияга қарши кураш бўйича Тожикистон миллий кенгаши, Арманистоннинг Коррупцияга қарши курашиш сиёсати бўйича кенгаши, Озарбайжоннинг Коррупцияга қарши комиссияси ва бошқалар) устуворликларни белгилаш ва ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш, марказий, минтақавий, маҳаллий ва идоравий даражада коррупцияга қарши курашиш мониторингини олиб бориши билан фарқланади.

Кўпгина мамлакатларда коррупциянинг олдини олиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар ўзининг қўйидаги асосий вазифалари билан ажралиб туради<sup>138</sup>:

- коррупция хавфига энг кўп дучор бўлган соҳаларни белгилаб, иқтисодиётнинг турли соҳаларида коррупция тарқалишининг ҳолати ва тенденцияларини тизимли таҳлил қилиш;
- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;
- коррупцияга оид ҳукуқбузарликларнинг тизимли сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этишга, коррупцияга қарши чоралар самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш;
- давлат хизматида яхлитликнинг деонтологик меъёрларини жорий этиш бўйича самарали чоралар кўриш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилишнинг идоравий тизимларининг самарадорлигини таҳлил қилиш, давлат хизматчилари томонидан таъзиқ ва чекловларга риоя қилинишини таъминлаш;
- давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларациялаш тизимини жорий этиш ва унинг ишлашини ташкил этиш, декларацияларнинг тўғрилигини текшириш;

---

<sup>138</sup> Anti-corruption specialisation of prosecutors in selected European Countries. Working Paper September 2011. P. 72

- миллий манфаатларга жиддий зарар етказувчи, хавфсизликка таҳдид солувчи ва ижтиомий-сиёсий барқарорликни таъминловчи коррупция хуқуқбузарликларини тергов қилиш жараёни ва натижаларининг ҳар томонлама мониторинги олиб бориш;

- жамиятда аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини ошириш, коррупцияга қарши таълим ва таълимни оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;

- вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, коррупциянинг олдини олиш, идоравий даражада ташкил этиш, давлат органларининг оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ўзаро ҳамкорлиги механизмларини шакллантириш, шунингдек уларнинг ушбу соҳалардаги фаолиятини баҳолаш;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ички назорат ва аудитни, коррупцияга қарши халқаро воситаларни, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, коррупцияга қарши мониторингни ташкил этиш;

- норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасининг самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Коррупция жиноятчилигининг олдини олиш коррупцияга қарши ихтисослашган органларнинг асосий функцияларидан бири бўлиб, мансабдор шахсларнинг ғайриижтимоий муносабатларига йўл қўймаслик, коррупциянинг олдини олиш, тегишли хавф ва таҳдидларни таҳлил қилиш асосида уларга сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлашдан иборат<sup>139</sup>.

Илғор хорижий тажрибаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, аксарият холларда фаолияти тизимлилик, мувофиқлашганлик, мустақиллик, ихтисослашганлик, ресурс билан таъминланганлик, профессионаллик, сиёсий бетарафлик каби асосий принциплар билан таъминланган ихтисослаштирилган муассасалар самарали фаолият кўрсатади<sup>140</sup>.

Коррупцияга қарши яхлит тизим шакланаётган Ўзбекистон шароитида давлат хизматига ўтишнинг хуқуқий асослари, мансабдор шахслар томонидан активлар, даромадлар, катта харажатлар ва манфаатлар

<sup>139</sup> Abjorensen N. Combating Corruption Implications of the G20 Action Plan for the Asia-Pacific Region. 2014, Konrad-Adenauer-Stiftung, Japan. P. 9

<sup>140</sup> Исмаилов Б.И. Институционализация национальных систем противодействия коррупции. //Учебное пособие -Т.Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2019. -220c

тўғрисидаги декларациялаш, давлат хизматчиларига таъқиқ ва чекловларнинг тўлиқ рўйхатини яратиш, коррупцияга қарши идоравий тизимлар жорий этиш ва тубдан қайта кўриб чиқиш, мансабдор шахсларнинг коррупция хуқуқбузарликлари учун жавобгарлигини ошириш нуқтаи назаридан жиноий, жиноий-процессуал қонун ҳужжатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд ҳокимияти тизимида институционал ислоҳотлар амалга ошириш, давлат хизматчилари учун ахлоқий меъёрларни такомиллаштириш, коррупция хуқуқбузарликларининг олдини олиш бўйича ваколатларга эга бўлган ихтисослаштирилган коррупцияга қарши курашиш органини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир<sup>141</sup>.

Шу муносабат билан, коррупцияга қарши профилактика органларини тузишдан тортиб, ихтисослаштирилган кўп мақсадли коррупцияга қарши агентликларни ташкил этишга ўтган бир қатор мамлакатлар тажрибасига асосланиб иш тутиш керак (Қозоғистонда 2019 йилда Давлат хизмати ва коррупцияга қарши кураш агентлиги базасида Коррупцияга қарши кураш агентлиги ташкил этилди, Корея Республикасида эса 2020 йил январ ойида Коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича мустақил комиссияга кўшимча равищда Кореянинг юқори лавозимли амалдорлари орасида Коррупция жиноятларини тергов қилиш бўйича мустақил агентлик тузилди, Францияда 2016 йилда Коррупцияга қарши курашиш марказининг негизида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (AFA) ташкил этилди).

Умуман олганда, ихтисослаштирилган коррупцияга қарши орган унинг мақомини, мақсад ва вазифаларини, бошқа институтлар (айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилиш органлари) билан ўзаро муносабатлар тартибини, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик механизmlарини ва уни таъминлайдиган жараёнларни белгилаб берадиган аниқ қонунчилик базасига эга бўлиши керак<sup>142</sup>.

Тегишли органни тузишда бир қатор хорижий давлатларнинг тажрибасини ҳисобга олиш керак, бунда институционал ва ҳуқуқий ўзгаришсиз коррупцияга қарши органларнинг шошилинч равищда ташкил этилиши бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва коррупцияга қарши курашиш идоралари (Индонезия, Украина, Румыния ва бошқалар) ўртасида қарама-қаршилик ва тўғридан-тўғри тўқнашувларга олиб келиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари коррупциявий жиноятчилик кўрсаткичларини сунъий ошириш ёки туширишдан манфаатдор бўлиш ёки идораларда

<sup>141</sup> UNODC-IAP, The Status and Role of Prosecutors: a UNODC-IAP Guide. – 66 р.

<sup>142</sup> Сеть по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии. Антикоррупционные реформы в Узбекистане. 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. ОЭСР 2019. – 324 с.

коррупцион жиноятларни тарқалиш даражасини минималлаштиришга ҳаракат қилиши эҳтимолларини инобатга олиш зарур.

## **§ 2.2. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини ҳозирги босқичда такомиллаштириш масалалари**

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-хуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Аҳолининг хуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар қўрилмоқда.

Ислоҳотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция қўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар қўрилишини тақозо қилмоқда.

Назорат органларидан олинган ахборотлар асосида энг муаммоли соҳалар аниқланиб, қонун бузилиши ва тизимли камчиликларнинг асл сабабларини бартараф этиш чоралари кўриб борилган.

Жумладан, олий таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги қонунийлик чуқур таҳлил қилинган. Мазкур таҳлил натижалари парламент, Президент администрацияси ва ҳукумат аъзолари, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниб, аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси таъминланмоқда.

Курилишга ажратилган бюджет маблағидан тўғри фойдаланилиши бўйича ўтказилган назорат тадбирларида 75 млрд. сўм талон-торож қилингани аниқланиб, 300 нафардан ортиқ айбдор шахс жазога тортилгани келтирилди.

Ҳисоботда қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижроси устидан назорат прокуратура фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканлиги таъкидланди. Назорат тадбирларида 22 млрд. сўмлик дон, 63 млрд. сўмлик

пахта, 3 млрд. сўмлик минерал ўғит, ирригация тадбирлари учун ажратилган 1,7 млрд. сўмлик бюджет маблаги талон-торож қилингани аниқланиб, қонуний чоралар кўрилган.

Бош прокуратура ҳузуридаги департамент томонидан яширин иқтисодиётга чек қўйиш, бюджет маблағлари талон-торож қилинишининг олдини олиш чоралари кўрилган. Натижада 3600 га яқин маъмурий хуқуқбузарлик ва 3500 дан зиёд жиноят фош этилган. Хусусан, соликдан бўйин товлаш билан боғлиқ 277 та жиноят аниқланиб, бюджетта 563 млрд. сўм қўшимча солик ундирилган<sup>143</sup>.

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юкори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>144</sup>да белгиланган вазифаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини ҳозирги босқичда янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ушбу жараёнда, асосий эътиборни коррупцияга имкон бераетган қўйидаги институционал омилларни:

- давлат хизмати тизимини яратиш ва унинг фаолияти асосий тамойилларини, давлат хизматининг кадрлар таркибини шакллантиришга, давлат хизматига ишга киришга бўлган талабларни, уни ўташни ва якунлашни тартибга солувчи “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини, шу жумладан умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда (ушбу ҳолатда албатта профилактик функцияларни кенгайтириш лозим) ушбу фаолиятни ташкил этиш ва мазкур йўналишдаги функцияларни оптималлаштиришда ягона ёндашувларни жорий этиш орқали тубдан такомиллаштириш бўйича таклифларни;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назорати<sup>145</sup> механизмларини самарали қўллаш;

---

<sup>143</sup> Электрон манба. URL: <http://huquq.uz/xal-prokupatypacini-shakllantipish-yulida/> (Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 11 май куни бўлиб ўтган тўртинчи ялип мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги хисоботи)

<sup>144</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/docs/3107036#3109142>

<sup>145</sup> Зикриллаева Н.А. Дальнейшее совершенствование антикоррупционной политики Узбекистана. Мехнат бозори ва ижтимоий ҳимоя / Рынок труда и социальная защита. 2017, № 12. – С. 44

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, сиёсий партиялар, илмий ва ишбилармон доиралар, кенг жамоатчиликни ролини янада кучайтириш;

- коррупцияга қарши курашиш функцияларига эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдидаги ҳисобдорлиги тартибини такомиллаштириш, ушбу ҳисботларни очиқ маълумотлар тарзида аҳолига етказиш;

- коррупцион хавф-хатарлар келтириб чиқариши мумкин бўлган қарорлар қабул қилиш жараёнида аҳолининг иштирокининг кенгайтиришга қаратилган шаффоф ва самарали усусларини жорий этишга қаратиш лозим<sup>146</sup>.

Ушбу масалаларни кун тартибида бўлганлигини мамлакатни ривожлантиришга қаратилган стратегик дастурларда ҳам, бевосита коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган Давлат дастурларида ҳам қайд этилганлигидан кўриш мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сонли Фармони<sup>147</sup>га мувофик, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилинган эди. Ҳаракатлар стратегиясининг бешта йўналишининг иккинчи ҳисобланган қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш кўзда тутилган<sup>148</sup>.

Ёки, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларининг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини

<sup>146</sup> Анварова Д. Коррупциявий хавф-хатар:уни аниқлаш ва баҳолашнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили//“Ҳуқуқ ва бурч” ижтимоий-ҳуқуқий журнал. 3/2020-сон. 18-23 бб.

<sup>147</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/3107036>

<sup>148</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/3107036>

олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида 02.02.2017 йилдаги ““Коррупцияга қарши курашиш тұғрисида”ги Үзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори билан тасдиқланган 2017-2018 йилларга мүлжалланған коррупцияга қарши курашиш бүйича Давлат дастури<sup>149</sup>да қайд этилған бўлсада, айрим долзарб масалаларни ўз вақтида ҳал этилмаганлиги, коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини такомиллаштириш ишларини бироз ортга сурмоқда.

Масалан, дастурнинг 1-бўлим 2-бандида Олий Мажлис палаталари ва мутасадди ташкилотларга 2017 йил 1 октябрга қадар “Давлат хизмати тұғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган бўлсада, мазкур қонун ҳужжатини қабул қилинмаганлиги ҳамда ҳозирги қадар амалиётга жорий этилмаганлиги оқибатида соҳадаги ислоҳотлар самарасизлигича қолмоқда.

Шунингдек, 10-бандда қонунчиликка:

- давлат органлари ходимларининг уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга күндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганингига доир барча ҳоллар тұғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилған шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарларини ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилиш шарт бўлган тартиб;

- давлат хизматчилари даромадларини декларациялаш тизимини жорий этиш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳақида хабар бериш тартибини, шунингдек манфаатлар тұқнашувининг олдини олиш ва уни тартибга солиш бўйича талабларни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш тұғрисидаги қонунлар қабул қилинмаганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш мумкин.

Бундан ташқари, дастурнинг “Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар”ни назарда тутган 3-бўлими 20-бандида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тұғрисида”ги Қонун<sup>150</sup> талабларининг ижроси ҳолатини ўрганиб, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш белгиланған бўлсада, тегишли органлар томонидан ушбу топшириқ ижроси ўз ҳолига ташлаб қўйилғанлиги оқибатида жамият

<sup>149</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/3105125>

<sup>150</sup> Электрон манба. URL: <https://lex.uz/docs/2381133?ONDATE=30.08.2019%2000#edi4494010>

ҳаётидаги ахборотларни очиқлигини таъминлашга қаратилган ишлар янги босқичга кўтарилилмасдан қолди.

Шу билан бирга, дастурнинг 27-бандида белгиланган Давлат органлари ходимларининг манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш тўғрисидаги вазифа бажарилмасдан қолди.

Ёки, 45-бандда юридик шахсларнинг коррупцияга оид хуқуқбузарликлар содир этганлиги учун жавобгарлигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, якуни бўйича таклифлар тайёрлаш белгиланганлигига қарамасдан, қонунчиликка коррупцияга оид хуқуқбузарликлар содир этилганлиги учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини жорий этилмаганлигини кўриш мумкин.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси томонидан 07.07.2008 йилдаги “Бирлашган Миллатлар Ташқилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни<sup>151</sup> билан ратификация қилинган БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенция<sup>152</sup>нинг 26-моддасига мувофиқ, ҳар бир иштирокчи давлат, ўзининг ҳуқуқий принципларини ҳисобга олган тарзда, юридик шахсларнинг мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳаракатларда иштироки учун жавобгарлигини аниқлашда талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўриши белгиланган<sup>153</sup>.

Институционал тизимни такомиллаштиришдан кутилаётган натижа коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишда самарали ишлайдиган тизимни яратишдан иборат.

Ушбу мақсадда қуйидагиларни:

- давлат ҳокимияти органларини мақбуллаштириш орқали вазирлик, департамент ва бошқа органлар, шунингдек давлат хизматчилари сонини камайтириш;
- коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш вазифалари юклатилган давлат органларининг тузилиши ва ваколатларини мабуллаштириш;
- хизматчиларни касбий тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- давлат назорати самарадорлигини ошириш;

<sup>151</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/docs/1369505>

<sup>152</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/docs/1461327>

<sup>153</sup> Ходжаева А. Коррупция: унга қарши курашда ҳалқаро стандартлар ва миллий қонунчилик. Ҳуқук ва бурч ижтимоий-хуқуқий журнал. 11/2017-сон. 60-61 бб. Шомирзаев С. Коррупция давлатга ҳам, жамиятга ҳам зиён етказади. Ҳуқук ва бурч ижтимоий-хуқуқий журнал. 2018.2-сон. 46-49 бб.

- давлат ҳокимияти органларида ички идоравий назорат механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- давлат хизматчилари ва ушбу хизматлардан фойдаланувчилар ўртасидаги механизмни такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш;

- давлат корхоналари, ташкилотлар ва жамоат корхоналарини коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш ишларига жалб этиш мақсадида коррупцияга қарши курашиш бўйича ихтисослаштирилган органни ташкил этиш лозим.

Бу борада амалдаги қонунчиликка мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш фаолияти билан шуғулланиб келаётган 5 та орган ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика идоралараро комиссияси фаолиятини такомиллаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга<sup>154</sup>.

Коррупцияга қарши курашишни қўйидаги институционал сабаб ва омилларни бартараф этган ҳолда **янги босқичга** олиб чиқиш мумкин:

-ноқонуний даромад орттириш имкониятларини қидиришга олиб келувчи нотўғри кадрлар сиёсати;

- етарли малакага эга бўлмаган шахсларни масъулиятли лавозимларга илгари суриш(такдим этиш);

-марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятидаги очиқликнинг мавжуд эмаслиги;

- масъул шахсларга ортиқча эркинлик бериш;

- коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларни фош этиш имкониятларини пастлиги;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг техника воситалари билан етарли даражада таъминланмаганлиги;

- талаб даражасида шахсий таркиб ва самарали тактик воситаларнинг мавжуд эмаслиги.

Қўмаклашувчи органларни ваколатларини кенгайтириш масаласида:

**Биринчи йўналишда** ушбу органларни ўз ваколатлари доирасида коррупцияга қарши курашиш фаолиятидаги иштирокини “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конунга киритиш орқали уларни масъулиятини кучайтириш;

**Иккинчи йўналишда** ушбу органлар фаолиятини бевосита тартибга солувчи қонун ҳужжатларига коррупцияга қарши курашиш фаолиятида иштирок этиши тартиби ва асосларини белгилаб, ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

- Парламент

---

<sup>154</sup> Нурмухаммедова Г. Коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратининг аҳамияти. Ҳукуқ ва бурч ижтимоий-ҳукукий журнал. 10/2017-сон. 56-57 бб.

- Солик (декларация)
- Божхона
- Таълимга мутасадди вазирликлар
- Давлат молиявий назорати органлари

Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назорати кучайтирилади.

2016 йилга келиб прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назорати институтини ташкил этилиши зарурати юзага келди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатида Сенат Кенгашининг ҳамда Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2016 йил 19 февраль куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назорати самарадорлигини ошириш масалалари кўриб чиқилиб, бу ҳақида Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Конституциясининг 23 йиллигига бағишлиланган тантанали йиғилишдаги маъruzаси<sup>155</sup> да таъкидлаб ўтган эди

Хозирги вазият ҳамда изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар парламентнинг юқори палатаси олдига прокуратура органлари фаолияти устидан назорат ўрнатишнинг янги шакл ва усулларини жорий этиш самарадорлигини ошириш бўйича долзарб вазифалар қўймоқда, дея таъкидланди мажлисада.

Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, прокуратура органларининг мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийликни, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга доир ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Сенат ҳамда Қонунчилик палатаси кенгашларининг Олий Мажлис Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузиш тўғрисидаги қўшма қарори қабул қилинди.

Комиссия зиммасига прокуратура органлари фаолияти устидан, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилишининг самарадорлиги устидан мунтазам парламент назоратини амалга ошириш, прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштириш, прокуратура органлари фаолиятини тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатларини,

---

<sup>155</sup> Электрон манба. URL: [http://parliament.gov.uz/uz/events/other/15159/?phrase\\_id=6020658](http://parliament.gov.uz/uz/events/other/15159/?phrase_id=6020658) (“Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат”. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганининг 23 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzаси)

шунингдек, уларнинг хуқуқни қўллаш амалиёти ва иш усулларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши вазифалари юклатилди.

Қарорда белгиланганидек, комиссия аъзолари Сенат томонидан сенаторлар орасидан, республиканинг барча минтақаларининг вакили бўлган 15 кишидан иборат таркибда Сенат ваколати муддатига сайланади.

Комиссия ўз олдига қўйилган вазифалар бажарилишининг бориши тўғрисида бир йилда икки марта Сенат Кенгаши олдида хисоб бериши белгилаб қўйилди<sup>156</sup>.

### **§ 2.3. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш борасида маҳсус ваколатли орган фаолиятини такомиллаштириш истиқболи**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги парламентга Мурожаати<sup>157</sup>да коррупцияга қарши ислоҳотларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш билан бир қаторда, аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар коррупцияга қарши курашда иштирок этмагунча, бутун жамиятимиз, мажозий маънода айтганда, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмагунча, биз ўз мақсадларимизга эриша олмаймиз. Коррупция оқибатларини бартараф этишдан уни эрта олдини олишга ҳаракат қилишимиз керак. Вақтнинг ўзи бу вазифаларни тизимли амалга оширишни ташкил этиш мақсадида парламент ва Президент олдида хисобдор коррупцияга қарши алоҳида орган тузишни таклиф этади.

“Бугунги кунда ислоҳотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ”<sup>158</sup>.

Коррупция демократия ва ҳуқук устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қиласи, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис Сенатининг 19-ялпи мажлисида прокуратура органларининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги

<sup>156</sup> Электрон манба. URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2016/02/19/senat/>

<sup>157</sup> Электрон манба. URL:<https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

<sup>158</sup> Электрон манба. URL:<http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

хисоботи эшитилганда, ҳисобот даврида коррупцияга карши курашиш соҳасида 1907 нафар мансабдор шахс турли кўринишдаги мансабдорлик жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги қайд этилган. Ҳисоботга кўра, жинояти фош килинган мансабдорларнинг 48 нафарини республика миқёсидаги вазирликлар ва идоралар, 191 нафарини вилоят хамда 1668 нафарини туман (шаҳар) даражасидаги идоралар вакиллари ташкил этган<sup>159</sup>.

Статистик маълумотларга кўра, республика бўйича жами 2018 йилда жавобгарликка тортилган шахсларнинг 21,2% иқтисодиёт соҳасидаги ҳамда ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар учун (шундан 10,1% айнан порахўрлик жиноятлари ЖКнинг 210, 211, 212-моддалари) жиноий жавобгарликка тортилган.

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2019 йилда ўtkazilgan коррупция мавзусига багишлиган сўров<sup>160</sup>да қатнашганларнинг 6,5% Ўзбекистонда коррупция сингари салбий ҳолат тарқалган деб ҳисоблайди. Қарийб 17% иштирокчилар коррупция ҳамма жой ва соҳаларни қамраб олган деган фикрдадир. 29% сўралганлар эса, мансабдорларнинг ҳар иккинчисини коррупционер, деб ҳисоблайди.

Сўровда иштирок этганларнинг 26% мамлакатда коррупцияга қарши ўtkazilaётган курашда очиқлик ва ошкоралик, уни оммавий ахборот воситаларида ёритиш ишлари етарли эмас ва бу ҳолат коррупциянинг асосий сабабларидан бири деб ҳисоблайди<sup>161</sup>.

Юксалиш умуммиллий ҳаракати томонидан Бosh прокуратуранинг маълумотларига асосан берган хабари кўра, 2020 йилнинг дастлабки 5 ойида 17 271 та жиноят қайд этилди, умумий жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 41,9 фоизга ортиб, эътиборлиси фирибгарлик (2019 йилда 1 324 та, 2020 йилда 2 712 та) ва порахўрлик билан боғлиқ жиноятлар 2 баробарга ошган<sup>162</sup>.

Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш бўйича белгиланган вазифалар коррупция ҳолатларининг сабаб ва шартшароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишни тақозо этиб, ушбу ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакилларини ҳам кенг жалб этиш заруратини

<sup>159</sup> Электрон манба. URL:[https://daryo.uz/k/2019/05/04/bosh-prokuror-otabek-murodov-ozbekistonda-otgan-yili-2-mingga-yaqinmansabdor-korrupsiya-tufayli-javobgarlikka-tortildi/?utm\\_source=Telegram\\_Bot](https://daryo.uz/k/2019/05/04/bosh-prokuror-otabek-murodov-ozbekistonda-otgan-yili-2-mingga-yaqinmansabdor-korrupsiya-tufayli-javobgarlikka-tortildi/?utm_source=Telegram_Bot).

<sup>160</sup> Электрон манба. URL:[https://daryo.uz/k/2019/06/15/korrupsiya-boyicha-sorovda-ishtirok-etganlarning-66-foizi-ozbekistondakorrupsiya-tarqalgan-deb-hisoblaydi/?utm\\_source=Telegram\\_Bot](https://daryo.uz/k/2019/06/15/korrupsiya-boyicha-sorovda-ishtirok-etganlarning-66-foizi-ozbekistondakorrupsiya-tarqalgan-deb-hisoblaydi/?utm_source=Telegram_Bot)

<sup>161</sup> Электрон манба. URL:<http://uza.uz/oz/society/korruptsiyaga-doir-t-iz-asosiy-masala--25-06-2019>

<sup>162</sup> Электрон манба. URL:<https://www.yumh.uz/>, <https://t.me/uzbyuksalish>

инобатга олган ҳолда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармон<sup>163</sup> ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4761-сонли<sup>164</sup> Қарор қабул қилиниб, **коррупцияга қарши курашиш соҳасига масъул бўлган маҳсус ваколатли давлат органи ташкил этилди.**

Фармонга мувофиқ, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги(кейинги матнда Агентлик)нинг **12 та йўналишда асосий вазифалари** белгилаб берилди. Булар:

- 1. Мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш,** шунингдек коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид хуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;
2. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек коррупцияга оид хуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш;
3. Фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиши ташкил этиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;
4. Вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавдат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;
5. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими (**комплаенс-назорат**) ҳамда

<sup>163</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/pdfs/4875784>

<sup>164</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/pdfs/4875782>

коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, замонавий усуллар ва ахборот коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш, шунингдек, уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш;

**6. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш,** шунингдек коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва илгор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

**7. Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизими** жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдек, ушбу жараёнда аникланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш;

**8. Давлат хизматига ҳалоллик стандарти (“ҳалоллик вакцинаси”)** ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда қўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

**9. Бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш,** давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

**10.** Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида **халқаро ҳамкорликни ривожлантириш** ҳамда мамлакатнинг имиджини мустаҳкамлаш ва унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

**11.** Коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги юзасидан **социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил** этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

**12.** Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш.

Шу билан бирга, Фармонга биноан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш **институционал тизимни мустаҳкамлаш мақсадида** ҳамда Агентлик олдига қўйилган вазифаларни самарали бажарилишини таъминлаш учун бир қатор қонун ҳужжатларни ишлаб чиқилиб, қабул қилиниши лозимлиги қайд этилган.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғрисида”ги, “Давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулки ва манфаатлар тўқнашуви니 декларация қилиш тўғрисида”ги, “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқилиши юзасидан Адлия вазирлиги ва Бош прокуратурага тегишли топшириқ берилган.

Мазкур ислоҳотлар бугунги кунда коррупция ҳолатларини чукур таҳлил қилиш ва уни келиб чиқиш омилларини бартараф этишга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга молик.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқилиши ва унга риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатилиши муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимлари одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини вижданан ва самарали бажаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, давлат хизматида суистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 02.03.2016 йилдаги 62-сонли Қарори<sup>165</sup> билан “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари” тасдиқланган.

Мазкур қоидаларнинг намунавий эканлиги сабабли уларнинг қатъий нормаларни қамраб олмаганлиги ҳамда ушбу қоидаларга риоя этилиши юзасидан таъсирчан назорат маханизмлари ўрнатилмаганлиги, шунингдек турли давлат органлари ва идоралари ўз фаолияти бўйича касб одобномаси ёки этика қоидаларини ишлаб чиқиб фойдаланиб келаётганлиги, давлат хизматида деонтологик қоидаларни унификация қилиш ҳамда ягона шаклга келтиришни тақозо қиласи.

Шунингдек, хорижий амалиётни кузатиш давомида айрим давлатларда давлат хизматчиларини институционал ҳалоллигини баҳолаб бориш қонун билан мастаҳкамлаб қўйилганлигини кўриш мумкин.

---

<sup>165</sup> Электрон манба. URL: <https://www.lex.uz/docs/2911869>

Масалан, Молдова<sup>166</sup> Республикаси 2009 йилда Руминия<sup>167</sup>да ташкил этилган институционал ҳалоллик бўйича агентлик моделидан руҳланган ҳолда давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг давлат органларида касбий ҳалоллик муҳитини яратиш, қўллаб-куватлаш ва кучайтириш борасидаги масъулиятини ошириш, давлат органлари мансабдор шахсларининг касбий ҳалоллилиги таъминлаш, давлат органларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат органларида коррупцияга оид хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этиш, давлат органлари мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган коррупцион ҳолатларни фош этилишини кучайтириш мақсадида 23.12.2013 йилдаги “Институционал ҳалолликни баҳолаш тўғрисида”ги Конуни<sup>168</sup> қабул қилинган.

Конуннинг 4-моддасига мувофиқ, институционал ҳалолликни баҳолаш деганда аналитик ва амалий усуллардан фойдаланган ҳолда давлат органи доирасида ушбу қонун қоидаларига мувофиқ амалга ошириладиган коррупция хавфини аниқлаш (касбий ҳалолликни текшириш), аниқланган хавф-хатарлар ва уларнинг оқибатларини белгиловчи омиллар тавсифи, шунингдек уларни камайтириш бўйича тавсиялар бериш тушунилади.

Шунингдек, Конунда давлат хизматчисининг фаолияти ва хатти-харакати натижасида юзага келган яширин операциялар орқали амалга ошириладиган расмий фаолиятда юзага келадиган ўхшаш, хаёлий, тақлид қилувчи вазиятларни синовдан ўтказувчи томонидан яратиш ва фойдаланиш, синовдан ўтган давлат хизматчисининг муносабати ва хатти-харакатларини белгилаш ҳамда баҳолаш жараёнида давлат ҳокимияти органларининг институционал ҳалоллигини ва коррупция хавфи бузилиш даражасини аниқлаш мақсадида профессионал ҳалолликни синовдан ўтказиш каби тушунчалар белгиланган.

Бундан ташқари, ушбу жараёнда баҳолаш субъекти синовчи иштирок этиши, у коррупцияга қарши курашиш миллий маркази ёки Ахборот ва хавфсизлик хизматининг, ушбу қонун ёки маҳсус қонунга мувофиқ, касбий ҳалолликни синовларидан ўтиш функциялари ва ваколатларига эга бўлган шахс бўлиши белгиланган.

Қонунга кўра, ҳақиқий ҳолатларда юзага келган коррупция намойиши, касбий ҳалоллик синови доирасида рўй берган коррупция намоён бўлишига ўхшаш бир кўриниш ҳалоллик ҳодисасидир.

<sup>166</sup> Маълумот учун: ТІ ҳалқаро нодавлат ташкилотининг 23.01.2020 йилдаги ҳисботига кўра, дунёning 180 мамлакати орасида коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича Руминия 44-ўрин (70 балл), Молдова 120-ўрин (32 балл)ни эгаллаган.

<sup>167</sup> Электрон манба. URL:[https://images.transparencycdn.org/images/2019\\_CPI\\_Report\\_RU\\_200406\\_110022.pdf](https://images.transparencycdn.org/images/2019_CPI_Report_RU_200406_110022.pdf)

<sup>168</sup> Электрон манба. URL:[http://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=71254](http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=71254)

Эътиборли жиҳати, Молдовада ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, давлат секторида ҳалолликни ривожлантиришга ва давлат тузилмаларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат муҳитини яратишга қаратилган хуқуқий ва институционал ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Масалан, давлат органлари ва жамоат агентликлари ўзларининг мажбуриятларини жамоат манфаатларига мувофиқ, шу жумладан хусусий сектор билан ўзаро муносабатларда бажаришлари тўғрисида ишончни ошириш, институционал ва касбий ҳалолликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш бўйича мажбурий чораларни тартибга солиш, давлат агентларини коррупция тўғрисида хабардор қилишга даъват қилиш, шунингдек уларга нисбатан қасд олишга қаратилган ҳаракатлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат идораларида коррупция хавфини аниқлаш ва йўқ қилиш, коррупция ҳолатларига йўл қўйганлик учун давлат хизматчилари ва институционал ва касбий ҳалоллик мавжуд эмаслиги учун давлат органлари раҳбарларини жазолаш мақсадида 25.05.2017 йилда Молдова парламенти “Ҳалоллик тўғрисида”ги Қонун<sup>169</sup>ни қабул қилганлигини эътироф этиш жоиз.

Фармонда Агентликка давлат хизматига ҳалоллик стандарти (“ҳалоллик вакцинаси”) жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Албатта, мамлакатимизда коррупцияга қарши қурашиш бўйича кўзланган мақсадларга эришиш учун давлат хизматида институционал ҳалоллик стандартларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, коррупцияга қарши қурашиш институционал тизими ўз таркибига аксарият илғор хорижий тажрибадан синовдан ўтган инсайдер ва хабар берувчи шахсларнинг дахлсизлигини таъминлаш, уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашни кафолатланган ҳимоя қилиш дастурини қамраб олиши зарур.

Чунки, коррупция ҳақида хабар берувчиларнинг хуқуқий ҳимоясини таъминланмаган тақдирда, аксарият ҳолатларда ушбу турдаги жиноятлар ўзининг латентлиги хусусиятига кўра фош этилмасдан қолишига сабаб бўлади.

Сербияда 2014 йилда ахборотни тақдим этган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида қонун қабул қилинди ва фуқароларни қонунбузарлик тўғрисида хабар беришга чорлайдиган “Коррупция тўғрисида ҳисобот” ахборот кампанияси бошланди<sup>170</sup>.

---

<sup>169</sup> Электрон манба. URL:<http://lex.justice.md/index.php?action=view&view=additional&id=376190&lang=2>

<sup>170</sup> Электрон манба. URL: <https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/WorkingGroups/workinggroup4/2020-June-9-10/V2002001r.pdf>

**Фикримизча,** коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги институционал тизимни мустаҳкамлаш мақсадида юқорида қайд этилган Агентлик фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ юқорида қайд этилган қонунлардан ташқари илғор ҳорижий тажрибадан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хизматчиларининг одоб-аҳлоқ (деонтологик) қоидалари тўғрисида”ги, “Давлат хизматчиларининг институционал ҳалоллиги тўғрисида”ги, “Давлат хизматида чеклов ва таъзиқлар тўғрисида”ги Қонунлари лойиҳаларини ҳам ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, **фикримизча**, янги ташкил этилган Агентлик унга юқлатилган вазифа ва функцияларидан келиб чиқсан ҳолда маҳсус ваколатли орган бўлиши билан бирга профилактика моделидаги орган ҳисобланади.

Шу боис, Агентликнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқотда қайд этилган ҳориж амалиётида мавжуд бўлган бошқа моделлар билан таққослаган ҳолда ушбу органнинг фаолиятини бутун бир институционал тизим таркибий қисми сифатида келгусида такомиллаштириш имкониятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, Агентлик фаолияти юзасидан назорат қилувчи ёки кузатувчи комиссия, кенгаш (олий назорат кенгаши), раёсат (маслаҳат ва тавсия бериш функцияларига эга) ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ва Сенатда Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси фаолият кўрсатади.

Ушбу қўмиталарнинг ташкил этилиши давлат раҳбари томонидан алоҳида эътироф этилган ҳолда уларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларидан унумли фойдаланиш лозимлиги қайд этиб келинмоқда.

Жумладан, парламент фаолиятининг роли ва амалий таъсирчанлигини ошириш мақсадида ўтган чақириқда қатор янги таркибий тузилмалар ташкил этилди. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси энди ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини ислоҳ этиш ва суд мустақиллигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишга бош-қош бўлиши керак. Ушбу қўмита давлат идораларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятига баҳо

бериб, раҳбарларнинг жавобгарлиги масаласини Ҳукумат олдига қўйса, ўйлайманки, жуда ўринли бўлади<sup>171</sup>.

Шу билан бирга, жойларда ажратилган маблағлардан нотўғри фойдаланиш, уларни талон-торож қилиш, коррупция ҳолатлари ҳам учраб турибди<sup>172</sup>.

Президент ўзининг янги чакириқ Сенат аъзолари билан илк учрашуvida “Коррупцияга қарши кескин курашиш муҳитини яратишида Сенатнинг ролини кучайтириш зарур. Бугунги кунда давлат хизматчилари, ҳатто юқори лавозимлардаги масъул шахслар томонидан содир этилаётган коррупция билан боғлиқ жиноятлар фош этилмоқда. Бу ҳақдаги хабарлар оммавий ахборот воситаларида тез-тез эълон қилинмоқда. Айниқса, муайян худуд тақдирни ишониб топширилган айрим мансабдорларнинг порахўрлик ва коррупция жиноятига қўл ураётгани ташвишли ҳолдир. Жойлардаги раҳбарларнинг қонунга зид фаолияти доимо ҳудудларда фаолият олиб бораётган сенаторларнинг эътибор марказида бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир сенатор коррупцияга қарши курашнинг олдинги сафларида бўлиши шарт. Жамиятда қизғин баҳсларга сабаб бўлган ҳолатлар юзасидан Сенат аъзолари ялпи мажлисни кутиб ўтирмасдан, тезкор эшитувлар ташкил этиб, мутасадди шахслардан изоҳ талаб қилиши зарур<sup>173</sup>”, деб таъкидлаган.

Юқори палатадаги қайд этилган қўмита “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни<sup>174</sup>нинг 7-моддаси қоидаларига асосланиб, коррупцияга қарши курашиш соҳасида асосий вазифалари<sup>175</sup>ни белгилаб олган.

Бироқ, Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитаси томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида вазифалари очик маълумотлар базасида мавжуд эмаслиги аниқланди<sup>176</sup>.

Мазкур қўмиталарнинг айнан коррупцияга қарши курашиш фаолиятидаги функциялари аниқ ажратиб кўрсатилмаганлиги ва бу борадаги ҳуқуқий асосларни мавжуд эмаслиги, агентликни ташкил этиш

<sup>171</sup> Электрон манба. URL:<https://president.uz/uz/lists/view/3303> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутки. 20.01.2020 йил

<sup>172</sup> Ўша манба

<sup>173</sup> Электрон манба. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3304> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи йиғилишидаги нутки. 20.01.2020 йил

<sup>174</sup> Электрон манба. URL:<https://www.lex.uz/docs/60232#2860327>

<sup>175</sup> Электрон манба. URL:<http://senat.uz/uz/senators/committee/3>

<sup>176</sup> Электрон манба. URL:<http://parliament.gov.uz/uz/about/structure/committee/23389/?prop=354>  
(01.07.2020 йил соат 12:00 ҳолатига)

тўғрисидаги Фармон ва Қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ушбу қўмиталар фаолиятини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Парламент қўмиталари яхлит олиб қаралганида қонун ижодкорлиги ва унинг ижроси устидан мониторинг ҳамда ҳисоботларни эшитиш функцияларига эгалигини инобатга олган ҳолда, шунингдек Президент Фармони<sup>177</sup> билан Агентлик коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасига масъул бўлган махсус ваколатли орган сифатида Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобдорлиги белгиланганлиги боис, унинг келгусидаги фаолиятида асоссиз ёки бюрократик тўсиқларни вужудга келишини олдини олиш мақсадида Олий мажлис палаталарининг қайд этилган қўмиталарини коррупцияга қарши курашиш фаолияти самарадорлиги устидан кузатиш бўйича доимий қўшма комиссияси (ёки қўмита) шаклида қайта ташкил этиш ва унинг вазифалари сифатида Агентликнинг :

- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳаси амалга оширган профилактик ва мониторинг тадбирлари юзасидан ҳисоботини эшитиш;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини истиқболларини кўриб чиқиш, стратегик йўналишларни белгилаш ва тасдиқлаш;
- фаолиятни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- жамоатчилик ва ОАВни органлар фаолияти устидан назоратга жалб этиш борасидаги фаолиятини кузатиб, тегишли тавсиялар бериш этиб белгилаш лозим.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятда махсус ваколатли органнинг ҳисобдорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Хориж амалиётида, хусусан Бутан<sup>178</sup>да Коррупцияга қарши комиссия<sup>179</sup> ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили ҳисбот тайёрлайди, уни кирол, бош вазир ва парламентга тақдим этилади. Йиллик ҳисбот Комиссия томонидан қўрилган чораларни, тўпланган тажриба ва аниқланган муаммоларни танқидий баҳолайди ва иш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар беради. Марказий Африка Республикаси<sup>180</sup>да бир неча йиллардан бери турли коррупцияга қарши органлар йиллик ҳисботларни бериб

<sup>177</sup> Ўша манба

<sup>178</sup> Маълумот учун: ТІ халқаро нодавлат ташкилотининг 23.01.2020 йилдаги ҳисботига кўра, дунёнинг 180 мамлакати орасида коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича Бутан 25-ўрин (68 балл)ни эгаллаган.

<sup>179</sup> Электрон манба. URL:<https://www.acc.org.bt/>

<sup>180</sup> Маълумот учун: ТІ халқаро нодавлат ташкилотининг 23.01.2020 йилдаги ҳисботига кўра, дунёнинг 180 мамлакати орасида коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича Марказий Африка Республикаси 153-ўрин (25 балл)ни эгаллаган.

борадилар. Миср<sup>181</sup>да Марказий аудит ташкилоти ва Маъмурий назорат идораси ҳар йили, шу жумладан коррупцияга қарши курашнинг самарадорлиги ва жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича ҳисоботларини тақдим этади. Индонезия<sup>182</sup>да Коррупцияга қарши курашиш комиссияси<sup>183</sup> ҳар йили ўз веб-сайтида инглиз ва индонез тилларида маъruzalarни чоп этади.

Бундан ташқари, хорижда қонун чиқарувчи ҳокимият-парламент томонидан коррупцияга қарши курашувчи органларни назорат қилиш ҳам долзарб масалалардан биридир.

Жумладан, Чили<sup>184</sup>да Бош вазири мунтазам равишда Депутатлар палатасига ҳисоботлар тақдим этади, уларда аудитларнинг асосий натижалари ва тармоқлар бўйича йифилган маълумотлар акс эттирилади. Хитой<sup>185</sup>да Миллий Назорат Комиссияси<sup>186</sup> уни бошқарувчи Халқ Халқ Конгресси ва унинг Доимий қўмитасига ҳисбот беради. Хорватия<sup>187</sup>да Манфаатлар қарама-қаршилиги бўйича комиссияси ва Ахборот комиссари ҳар йили парламентга ҳисбот тақдим этади. Мисрда парламент муваффақиятли амалиётлар ва асосий муаммоларни аниқлаш учун Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича миллий кичик қўмита<sup>188</sup>нинг техник котибияти билан коррупцияга қарши миллий стратегияни амалга ошириш бўйича бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисботовларни муҳокама қилмоқда. Нидерландия<sup>189</sup> Аудит идораси<sup>190</sup> марказий ҳукуматнинг даромадлари ва харажатларини текширади ва йилига бир марта ҳисбот кунида ўз ишининг натижалари тўғрисида парламентга ҳисбот беради. Сербия<sup>191</sup>да Коррупцияга қарши кураш агентлиги<sup>192</sup> ҳар йили 31 марта қадар ўз фаолияти тўғрисида йиллик ҳисботовни Миллий Ассамблеяга тақдим этади. Ушбу ҳисботовлар ҳам интернетга

<sup>181</sup> Электрон манба.URL:[https://images.transparencycdn.org/images/2019\\_CPI\\_Report\\_RU\\_200406\\_110022.pdf](https://images.transparencycdn.org/images/2019_CPI_Report_RU_200406_110022.pdf)

<sup>182</sup> Маълумот учун: ТІ ҳалқаро нодавлат ташкилотининг 23.01.2020 йилдаги ҳисботовига кўра, дунёнинг 180 мамлакати орасида коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича Индонезия 85-ўрин (40 балл)ни эгаллаган.

<sup>183</sup> Электрон манба.URL:[www.kpk.go.id](http://www.kpk.go.id)

<sup>184</sup> Маълумот учун: ТІ ҳалқаро нодавлат ташкилотининг 23.01.2020 йилдаги ҳисботовига кўра, дунёнинг 180 мамлакати орасида коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича Чили 26-ўрин (67 балл)ни эгаллаган.

<sup>185</sup> Электрон манба.URL:[https://images.transparencycdn.org/images/2019\\_CPI\\_Report\\_RU\\_200406\\_110022.pdf](https://images.transparencycdn.org/images/2019_CPI_Report_RU_200406_110022.pdf)

<sup>186</sup> Ўша манба

<sup>187</sup> Маълумот учун: ТІ ҳалқаро нодавлат ташкилотининг 23.01.2020 йилдаги ҳисботовига кўра, дунёнинг 180 мамлакати орасида коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича Хорватия 63-ўрин (47 балл)ни эгаллаган.

<sup>188</sup> Электрон манба.URL:<https://www.aca.gov.eg/arabic/Pages/default.aspx>

<sup>189</sup> Маълумот учун: ТІ ҳалқаро нодавлат ташкилотининг 23.01.2020 йилдаги ҳисботовига кўра, дунёнинг 180 мамлакати орасида коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича Нидерландия 8-ўрин (82 балл)ни эгаллаган.

<sup>190</sup> Электрон манба.URL:<https://websecurityscan.eu/nl>

<sup>191</sup> Маълумот учун: ТІ ҳалқаро нодавлат ташкилотининг 23.01.2020 йилдаги ҳисботовига кўра, дунёнинг 180 мамлакати орасида коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича Сербия 91-ўрин (39 балл)ни эгаллаган.

<sup>192</sup> Ўша манба

жойлаштирилган. Испания<sup>193</sup>да Каталониянинг фирибгарликка қарши бюроси ҳар йили Каталония парламентига ҳисбот беради ва унин фаолияти ва натижалари ҳақида батафсил маълумот беради, бу ҳам очиқдир<sup>194</sup>.

Ўзбекистон Республикасида ПҚ-2752-сонли Қарор билан 2017-2018 йилларда, шунингдек ПФ-5729-сонли Фармонга мувофиқ, 2019-2020 йилларда мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурлари қабул қилинди.

Бироқ, Коррупцияни қабул қилиш индексида юқори ўринларни банд қилган аксарият давлатлар (Янги Зеландия<sup>195</sup>, Сингапур<sup>196</sup>, Эстония<sup>197</sup>, Озарбайжон<sup>198</sup>) тажрибаси коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича устувор вазифалар ва истиқболда қўзланган мақсадларларни ўз ичига қамраб қолган ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган Миллий Стратегияларни ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Келгусида Агентликни фаолиятини тартибга солувчи қонун хужжатларида Агентликни ўрта муддатда қўп мақсадли органга ўтишни қўзда тутувчи Миллий Стратегияни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозимлигини белгилаш орқали узокқа қўзланган мақсадларга эришиш учун устувор аҳамият касб этувчи тадбирларни амалга ошириш зарур(**таъкид бизники**).

---

<sup>193</sup> Маълумот учун: ТІ халқаро нодавлат ташкилотининг 23.01.2020 йилдаги ҳисботига кўра, дунёнинг 180 мамлакати орасида коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича Испания 30-ўрин (62 балл)ни эгаллаган.

<sup>194</sup> Электрон манба. URL: <https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/WorkingGroups/workinggroup4/2020-June-9-10/V2002001r.pdf>

<sup>195</sup> Электрон манба. URL: <https://www.justice.govt.nz/assets/Documents/Publications/cab-an-anti-corruption-work-programme-for-new-zealand.pdf>

<sup>196</sup> Электрон манба. URL: [https://link.springer.com/chapter/10.1057%2F9780230503540\\_10](https://link.springer.com/chapter/10.1057%2F9780230503540_10)

<sup>197</sup> Электрон манба. URL: [https://www.korruptsioon.ee/sites/www.korruptsioon.ee/files/elfinder/dokumendid/strategiya\\_po\\_borbe\\_s\\_korrupciey\\_v\\_2013-2020\\_gg.pdf](https://www.korruptsioon.ee/sites/www.korruptsioon.ee/files/elfinder/dokumendid/strategiya_po_borbe_s_korrupciey_v_2013-2020_gg.pdf)

<sup>198</sup> Электрон манба. URL: <https://globalcompliancenews.com/anti-corruption/handbook/anti-corruption-in-azerbaijan-2/>

## ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш институционал тизимини такомиллаштириш масалалари юзасидан олиб борилган тадқиқот таҳлили бўйича якуний фикр-мулоҳазаларни қўйидагича тизимлаштиришни лозим топдик:

### **I. Илмий-назарий асосларга оид хулосалар**

Сўнгги йилларда нафақат мамлакатимизда балки бутун дунёда коррупцияга қарши курашиш борасида етарли тажриба шаклланган. Бу борадаги барча ривожланган давлатларнинг амалиёти эътиборга молик.

Коррупцияга қарши курашишдаги муваффақиятлар, авваламбор, муайян давлатда мазкур соҳада фаолият олиб борувчи тегишли институтларнинг ташкил этилганлиги, фаолияти самарали олиб борилганлиги ва бу кўп жиҳатдан коррупцияга қарши курашиш борасидаги норматив-ҳуқуқий база шакллантирилганлигига боғлиқ.

Миллий юридик адабиётларда коррупцияга қарши курашиш институционал тизими тушунчасига аниқ ва батафсил таъриф берилмаганлиги ва ушбу тушунчаларни таърифлашга нисбатан ягона ёндашув шаклланмаганлигини кўриш мумкин.

**Коррупцияга қарши курашиш институционал тизими деганда** коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш соҳасига раҳбарлик қиласиган, муайян муносабатларни тартибга солиш, ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, назорат (мониторинг) қилиш маҳсус ваколатларига эга бўлган, давлат мажбурлов функцияларини амалга оширадиган ихтисослаштирилган муассасалар, давлат органлари ёки ташкилотлар мажмуаси тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини тушунишга кенг ва тор маънода ёндашиш мумкин.

Бунда кенг маънодаги коррупцияга қарши курашиш институционал тизими таркибига Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис Сенати, Ҳисоб палатаси, Президент хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Президенти хузуридаги Жамоатчилик палатаси каби органлар кириши мумкин.

Хорижий давлатларда шу каби органларнинг коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишдаги ваколатлари бевосита қонунда қайд

этилганлиги, қонунни қўллашда келиб чиқиши мумкин бўлган мунозараларни олдини олади.

Миллий қонунчиликка мувофиқ, сиёсий партияларни молиялаштириш давлат бюджетидан амалга оширилиши белгиланган.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини такомиллаштириш орқали Ҳисоб палатасининг имконият ва нуфузидан фойдаланиш мақсадида, шунингдек сиёсий партияларни молиялаштирилиши юзасидан қонунчиликка палатанинг масъулиятини оширишга қаратилган тегишли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

Коррупцияга қарши курашишда илфор институционал тизимлар жорий этилган давлатлар мисолида сиёсий партиялар молиялаштириши устидан назорат коррупцияга қарши курашнинг ажралмас қисми сифатида кўрилишини қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида юқорида санаб ўтилган коррупцияга қарши курашиш фаолиятига кўмаклашувчи органлар бевосита қайд этилмаган.

Хорижий давлатлар амалиётида коррупцияга қарши курашиш институционал тизими аксарият ҳолларда тор маънода қўлланилади.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг **мавжуд институционал тизими** “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 7-8-моддаларида қайд этилган.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун хужжатларига мувофиқ юқорида қайд этилганидан бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши белгиланган.

Бироқ, қонунда **“бошқа давлат органлари”** жумласи остида айнан қайси органлари тушунилиши ҳамда улар қай тартиб ва асосларда ушбу йўналишдаги фаолиятни юритиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб кўйилмаган.

Қонунчиликдаги ушбу ноаниқлик уни турлича тушуниш ва шарҳлашга сабаб бўлиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда ушбу норма такомиллаштирилишини тақозо қиласди.

Бундан ташқари, кўплаб мавжуд давлат институтлари ўз функция, вазифа ва ваколатларини амалга ошириши баробарида коррупциянинг олдини олишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасида айрим давлат органлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларининг асосий фаолият йўналиши коррупцияга қарши курашишга қаратилмаган бўлсада, улар ўз вазифаларини амалга

ошириш жараёнида **коррупцияга қарши курашишга қўмаклашувчи** бир қатор давлат органлари ва муассасалар сифатида тегишли функция ва вазифаларни амалга ошириши эътиборга молик.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Президент хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институти, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ўзларига юклатилган вазифалар билан бир қаторда коррупцияга қарши курашиш функция ва вазифаларини ҳам бажаришга қўмаклашиб келади.

Бу ўз навбатида маъмурий органлар томонидан тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ва хусусий секторда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни ва хавф-хатарларни камайтиришга хизмат қиласди.

Бу борадаги назарий аҳамият касб этувчи масалалардан бири бу коррупцияга қарши курашиш институционал тизими тушунчасига нисбатан **ягона ёндашувнинг** мавжуд эмаслигидир.

Шундан келиб чиқиб бизнинг фикримизча, **коррупцияга қарши курашиш институционал тизими** деганда коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш соҳасига раҳбарлик қиласидиган, муайян муносабатларни тартибга солиш, ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, назорат (мониторинг) қилиш маҳсус ваколатларига эга бўлган, давлат мажбурлов функцияларини амалга оширадиган ихтисослаштирилган муассасалар, давлат органлари ёки ташкилотлар мажмуаси тушунилади.

Коррупцияга қарши курашиш институционал тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланишини шартли равишда 2 даврга ажратиш мақсадга мувофиқ, булар:

- 1991-2016 йилларда амалга оширилган институционал ислоҳотлар;
- 2016-2020 йилларда амалга оширилган институционал ислоҳотлар.

**Биринчи босқичда 1991-2016 йилларда** Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилганидан сўнг амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, улардан қўзланган мақсадларга эришиш ҳамда жамиятда ҳуқуқий-тартиботни таъминлаш мақсадида собиқ Иттифоқ даврида фаолият юритган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини давом эттириб, шу жумладан Ички ишлар вазирлиги ва прокуратура органлари тузилмаларида уюшган жиноятчилик, иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш йўналишига ихтисослаштирилди.

2016 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш институционал тизими ривожланишининг **иккинчи босқичида** Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонунининг тадқиқот учун аҳамияти унда Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи институцияонал тизимнинг таркибий қисмлари ҳисобланган институтлар яъни давлат органларининг рўйхати, ваколатлари, мажбуриятлари қайд этилди.

**Иккинчи босқичда** коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг хуқуқий асоси мустаҳкамланди, ваколатли органлар доираси аниқ белгиланди, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштирувчи орган ташкил этилди ва ушбу орган томонидан коррупцияга қарши курашишнинг устувор йўналишлари даврий йиғилишларда кўриб чиқилиб, соҳадаги долзарб масалаларни ҳал этиб келинмоқда, аниқ соҳаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, амалга ошириш, хавф-хатарларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан аниқ мезонлар шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясини ташкил этилиб, Академияда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб мамлакатда ягона бўлган “Коррупцияга қарши курашиш” мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Хорижий давлатларда коррупцияга қарши институционал тизим шаклланишини ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, З та асосий модел(кўп мақсадли, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва профилактика)ни кўришимиз мумкин.

Агар мавжуд институционал тизимдаги тузилмавий ёки операцион камчиликлар коррупцияга қарши самарали профилактика ва репрессив ҳаракатларни амалга оширишга имкон бермаса, ихтисослаштирилган коррупцияга қарши институт ташкил этилишини тақозо қилади.

Муайян мамлакат коррупцияга қарши институтининг қайси моделини маъқуллаши керак, деган саволга жавоб бериш жуда қийин. Коррупцияга қарши ихтисослашган институтни яратиш имкониятини кўриб чиқаётган ва модель танлаш масаласини муҳокама қилаётган ҳар қандай давлат қуйидаги тасдиқланган ҳақиқатни тан олиши керак.

Коррупцияга қарши органларнинг ташкил этилиши бир қатор давлатларга коррупцияга қарши самарали тизимларни яратишга, давлат бошқаруви самарадорлигини сезиларли даражада кучайтиришга, давлат органлари устидан назорат функцияларини оптималлаштиришга имкон беради.

Умуман олганда, ихтисослаштирилган коррупцияга қарши орган унинг мақомини, мақсад ва вазифаларини, бошқа институтлар (айниқса, хуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилиш органлари) билан ўзаро муносабатлар тартибини, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик механизмларини ва уни таъминлайдиган жараёнларни белгилаб берадиган аниқ қонунчилик базасига эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармон ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4761-сонли Қарор қабул қилиниб, **коррупцияга қарши курашиш соҳасига масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ташкил этилганлиги коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини ривожланишида янги (учинчи) босқични бошлаб берди.**

Шу билан бирга, Фармонга биноан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш **институционал тизимни мустаҳкамлаш мақсадида** ҳамда Агентлик олдига қўйилган вазифаларни самарали бажарилишини таъминлаш учун давлат хизматчиларининг одоб-аҳлоқ қоидаларини намунавий эканлиги сабабли давлат хизматида деонтологик қоидаларни унификация қилиш ҳамда ягона шаклга келтириш зарур.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича қўзланган мақсадларга эришиш учун давлат хизматида **институционал ҳалоллик стандартларини** жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Коррупцияга қарши курашиш институционал тизими таркибида инсайдер ва хабар берувчи шахсларнинг дахлсизлигини таъминлаш, уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашни кафолатланган ҳимоя қилиш дастурини жорий этиш.

Акс ҳолда, ушбу турдаги жиноятлар латентлиги сабабли, шунингдек коррупция ҳақида хабар берувчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминланмасдан, коррупцион ҳаракатлар фош этилмасдан қолишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хизматчиларининг одоб-аҳлоқ (деонтологик) қоидалари тўғрисида”ги, “Давлат хизматчиларининг институционал ҳалоллиги тўғрисида”ги, “Давлат хизматида чеклов ва таъқиқлар тўғрисида”ги Қонунлари лойиҳаларини ҳам ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

## **II. Ташкилий-хуқуқий масаларга оид хулосалар**

1. Янги ташкил этилган Агентлик унга юклатилган вазифа ва функцияларидан келиб чиқкан ҳолда махсус ваколатли орган бўлиши билан бирга профилактика моделидаги орган ҳисобланади.

Шу боис, Агентликнинг ташкилий-хуқуқий жиҳатларини тадқиқотда қайд этилган хориж амалиётида мавжуд бўлган бошқа моделлар билан таққослаган ҳолда ушбу органнинг фаолиятини бутун бир институционал тизим таркибий қисми сифатида келгусида такомиллаштириш имкониятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

2. Агентлик фаолияти юзасидан назорат қилувчи ёки қузатувчи комиссия, кенгаш (олий назорат кенгаши), раёсат (маслаҳат ва тавсия бериш функцияларига эга) ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

3. Агентлик фаолияти юзасидан назорат қилувчи ёки қузатувчи комиссия, кенгаш (олий назорат кенгаши), раёсат (маслаҳат ва тавсия бериш функцияларига эга) ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

4. Олий Мажлис палаталаридаги коррупцияга қарши курашиш қўмиталарининг айнан коррупцияга қарши курашиш фаолиятидаги функциялари аниқ ажратиб кўрсатилмаганлиги ва бу борадаги ҳуқуқий асосларни мавжуд эмаслиги, агентликни ташкил этиш тўғрисидаги Фармон ва Қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиқкан ҳолда ушбу қўмиталар фаолиятини қайта кўриб чиқиб, Олий мажлис палаталарининг қайд этилган қўмиталарини коррупцияга қарши курашиш фаолияти самарадорлиги устидан кузатиш бўйича **доимий қўшма комиссияси** (ёки қўмита) шаклида қайта ташкил этиш лозим.

5. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятда махсус ваколатли органнинг ҳисобдорлиги муҳим аҳамиятга эга.

6. Парламент томонидан коррупцияга қарши курашувчи органларни назорат қилиш ҳам долзарб масалалардан биридир.

7. Келгусида Агентликни фаолиятини тартибга солувчи қонун хужжатларида Агентликни ўрта муддатда кўп мақсадли органга ўтишни кўзда тутувчи Миллий Стратегияни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозимлигини белгилаш орқали узоққа кўзланган мақсадларга эришиш учун устувор аҳамият касб этувчи тадбирларни амалга ошириш зарур.

8. Инсайдер ва хабар берувчи шахсларнинг дахлсизлигини таъминлаш, уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашни кафолатланган ҳимоя қилиш дастурини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ.

## **III. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар**

1. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги институционал тизимни мустаҳкамлаш мақсадида юқорида қайд этилган Агентлик фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ юқорида қайд этилган қонунлардан ташқари илғор ҳорижий тажрибадан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хизматчиларининг одоб-аҳлоқ (деонтологик) қоидалари тўғрисида”ги, “Давлат хизматчиларининг институционал ҳалоллиги тўғрисида”ги, “Давлат хизматида чеклов ва таъқиқлар тўғрисида”ги Қонунлари лойиҳаларини ҳам ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

2. Агентлик мақомини белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади.

3. Агентлик раҳбарига юқори тоифадаги 1-раҳбарларнинг содир этган хатти-харакатлари учун сиёсий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш ва тегишли таъсир чораларини қўллаш (истеъфога чиқиш ва бошқалар) бўйича парламент суриштируви ўтказиш юзасидан ташаббус билан чиқиш ваколатини бериш юзасидан қонунчиликка ўзгартириш киритиш таклиф этилади.

4. Агентлик мақомини қонун даражасида мустаҳкамлаш жараёнида хизматчиларининг иммунитетдан фойдаланиш, маҳрум этиш тартибини, уларга нисбатан ўрнатиладиган алоҳида маҳсус чеклов ва таъқиқларни бевосита қонунда белгиланиши лозим.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузасидан // Халқ сўзи, 2017 йил 8 декабрь;
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 103 б.;
3. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя. Доклад на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год. / Ш.М. Мирзиёев. – Ташкент : Ўзбекистон, 2017. - 104 с.;
4. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Мы все вместе построим свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан. Выступление на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Олий Мажлиса / Ш.М. Мирзиёев. – Ташкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 с.;
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаати 24.01.2020 йил // Народное слово;
6. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 22 декабря 2017 года// Народное слово;
7. “Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат”. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 23 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси

### **I. Халқаро хужжатлар**

1. UNODC-IAP, The Status and Role of Prosecutors: a UNODC-IAP Guide. – 66 р.;
2. О роли прокуратуры в системе уголовного правосудия Рекомендация N R (2000) 19 Комитета Министров Совета Европы Государствам-членам/ Принята Комитетом Министров Совета Европы 6 октября 2000 года на 724-м заседании Представителей Министров;
3. Организация экономического сотрудничества и развития Сеть по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии. 3-ий раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. – 123 с.;
4. Резолюция 17/2 Комиссии по предупреждению преступности и уголовному правосудию, Доклад о работе семнадцатой сессии (30 ноября 2007 года и 14-18 апреля 2008 года), E/2008/30 и E/CN.15/2008/22;

5. Стандарты профессиональной ответственности и Декларация основных обязанностей и прав сотрудников прокуратуры – 4 с.;
6. Реформа полиции в рамках реформы системы уголовного правосудия. Серия публикаций ОПТУ/ОСВПД т.11 Вена, июль 2013. – 256 с.;
7. Руководство и методика оценки по осуществлению статьи 11 Конвенции Организации Объединенных Наций против коррупции. Организация Объединенных Наций, март 2017 года. – 88 с.;
8. Руководство по борьбе с коррупцией 2016 Организация по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ); [www.osce.org](http://www.osce.org) – 271 с.;
9. Руководящие принципы, касающиеся роли лиц, осуществляющих судебное преследование, принятые восьмым Конгрессом Организации Объединенных Наций по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями, Гавана (Куба), 27 августа – 7 сентября 1990 года, документ Организации Объединенных Наций A/CONF.144/28/ Rev.1 – 189 (1990) – 103 с.;
10. Сеть по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии. Антикоррупционные реформы в Узбекистане. 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. ОЭСР 2019. – 324 с.;
11. Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности Вена. Работа полиции. Общественная безопасность и осуществление полицейских функций Пособие по оценке систем уголовного правосудия. Нью-Йорк, 2010 год – 29 с.;

## II. Диссертациялар

1. Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за получение взятки (Уголовно-правовые аспекты) : автореферат дисс. ... канд. юрид. наук - Ташкент, 1994;
2. И.А.Соттиев уюшган жиноятычиликка қарши курашишнинг жиноий-хуқуқий чоралари: автореферат дисс. ... юридик фанлар номзоди - Ташкент, 2002;
3. Сабиров Б.Н. Лоббизм-как правовой институт: автореферат дисс. ... канд. юрид. наук - Ташкент, 1994;
4. А.Э.Рахманов Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг конституциявий-хуқуқий мақоми: автореферат дисс. ... юридик фанлар номзоди - Ташкент, 2008;
5. Н.Ш.Сайд-газиева Ўзбекистонда давлат хизматини ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий муаммолари: автореферат дисс. ... юридик фанлар доктори - Ташкент, 2010;
6. У.Хусаинов Давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг конституциявий-хуқуқий асослари: автореферат дисс. ... юридик фанлар номзоди - Ташкент, 2010;
7. С.О.Урозбаев Олий Мажлис Сенати ва қўмита ва комиссиялари фаолиятини ташкил этишнинг хуқуқий асослари: автореферат дисс. ... юридик фанлар номзоди - Ташкент, 2010;
8. Б.Д.Абдуллаев Ўзбекистон Республикасида қонун хужжатлари хуқуқий экспертизасини такомиллаштириш муаммолари: автореферат дисс. ... юридик фанлар номзоди - Ташкент, 2010;
9. З.С.Мухиддинов Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти устидан парламент назоратининг назарий-хуқуқий асослари: автореферат дисс. ... юридик фанлар номзоди - Ташкент, 2010;

10. М.А.Усмонов Хавфсизлик ва мудофаани таъминлаш бўйича давлат функциясининг назарий ва хуқуқий асослари: автореферат дисс. ... юридик фанлар номзоди - Ташкент, 2010;

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Анварова Д. Коррупциявий хавф-хатар: уни аниқлаш ва баҳолашнинг қиёсий-хуқуқий таҳлили. Хуқуқ ва бурч ижтимоий-хуқуқий журнал. 3/2020-сон. 18-23 бб.
2. Зикриллаева Н.А. Дальнейшее совершенствование антикоррупционной политики Узбекистана. Мехнат бозори ва ижтимоий ҳимоя / Рынок труда и социальная защита. 2017, № 12. – С. 44
3. Исмаилов Б. И. Коррупцияга қарши курашга оид ҳалқаро андозалар: ҳорижий ва миллий амалиёт. /Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Юристлар малакасини ошириш маркази, 2012. -87 б.
4. Исмаилов Б.И. Имплементация норм конвенции ООН против Коррупции. // - Т.:Адвокат., 2016. № 2 С. 50-55
5. Исмаилов Б.И. Институционализация национальных систем противодействия коррупции./Учебное пособие -Т.Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2019. -220с.
6. Исмаилов Б.И. Коррупцияга қарши кураш борасида ҳорижий давлатлар амалиёти ва ҳалқаро стандартлар тизими шаклланиши.// Ўқув қўлланма.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази, ЮМОМ. 2019.-150 б.
7. Исмаилов Б.И. Насриев И.И. Противодействие коррупции в частном секторе: международные стандарты и зарубежная правоприменительная практика. //Монография. -Т. Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2020. -290с.
8. Исмаилов Б.И. Опыт зарубежных стран в сфере противодействия коррупции: практические аспекты его использования в Республике Узбекистан//Учебное пособие. - Т.: Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, 2020. – 146 с.
9. Исмаилов Б.И. Становление морально-этических стандартов государственной службы в зарубежных странах.Методическое пособие.-Т.Центр повышения квалификации юристов.2017.-128.
10. Исмаилов Б.И. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими ривожланиши./Монография.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази, ЮМОМ. 2020.-170 б.
11. Исмаилов Б.И. Формирование международной и национальных систем противодействия коррупции. -Т.ЦПКЮ.2017. -93с.
12. Исмаилов Б.И. Ҳалқаро жиноятчиликка қарши курашнинг ҳалқаро-хуқуқий жиҳатлари Ўқув қўлланмаси. -Тошкент: ЮМОМ. 2015.-129 б.
13. Исмаилов Б.И., Ақилов О. Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро шартномаларини имплементация қилиш соҳасидаги оид миллий қонунчилик таҳлили./Ҳалқаро шартномаларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилиш бўйича материаллар тўплами. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳзуридаги Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистондаги БМТ Таракқиёт Дастури. 2015 -48 б

14. Исмаилов Б.И., Исмоилов Б.И. Зарубежный опыт правовой регламентации противодействия коррупции на государственной службе.-Т.Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2019. -206 с.
15. Исмаилов Б.И., Исмоилов Б.И. Современные стратегии антикоррупционных реформ //Учебное пособие. -Т.: Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ., 2019. – 200 с.
16. Исмаилов Б.И., Насриев И.И. Правовые основы привлечения юридических лиц к ответственности за коррупционные правонарушения в зарубежных странах//Учебное пособие. -Т.: ЦПКЮ, Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан. 2020. -269 с.
17. Йўлдошев Н. Коррупцияга қарши кураш – фуқароларнинг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати. Ҳуқуқ ва бурч ижтимоий-ҳуқуқий журнал. 1/2020-сон. 2-7 бб.
18. Кабилов Ш.Р. Инструментарий по противодействию коррупции. Ответственный редактор д.ю.н., проф. К.Р.Абдурасулова. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2019. – 96 с.
19. Клеменчич Г., Стусек Я. Специализированные институты по борьбе с коррупцией: обзор моделей. Организация экономического сотрудничества и развития Сеть по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии. 2006. – С. 10
20. Мелиев Х. Коррупция ва унга қарши кураш соҳасида янги босқич. Ҳуқуқ ва бурч ижтимоий-ҳуқуқий журнал. 03(135)/2017-сон. 26-27 бб.
21. Нурмуҳаммедова Г. Коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратининг аҳамияти. Ҳуқуқ ва бурч ижтимоий-ҳуқуқий журнал. 10/2017-сон. 56-57 бб.
22. Тўлаганова Г. Коррупцияни енгишда таълимнинг аҳамияти. Ҳуқуқ ва бурч ижтимоий-ҳуқуқий журнал. 1/2020-сон. 30-33 бб.
23. Ходжаева А. Коррупция: унга қарши курашда ҳалқаро стандартлар ва миллий қонунчилик. Ҳуқуқ ва бурч ижтимоий-ҳуқуқий журнал. 11/2017-сон. 60-61 бб.
24. Шомирзаев С. Коррупцияга қарши курашишда Латвия тажрибаси. Ҳуқуқ ва бурч ижтимоий-ҳуқуқий журнал. 2/2020-сон. 36-39 бб.

#### **IV. Дарслик ва ўқув қўлланмалар**

1. Противодействие коррупции: учебник и практикум для академического бакалавриата/ И.В.Левакин, Е.В.Охотский, И.Е.Охотский, М.В.Шедий, под общ. ред. Е.В.Охотского – 3-е изд. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – С.32

#### **V. Хорижий адабиётлар**

1. Luís Sousa. Anti-corruption agencies: between empowerment and irrelevance. Crime, Law and Social Change, Springer Verlag, 2009.
2. Alina Mungiu-Pippidi, ‘Seven Steps to Control of Corruption: The Road Map’, Daedalus, 2018., Avinash Dixit, Anti-Corruption Institutions: Some History and Theory, in K. Basu, T. Cordella (ed), Institutions, Governance and the Control of Corruption. Springer, 2018.
3. Ronald Kroese, et al, Anticorruption in History: From Antiquity to the Modern Era. Oxford University Press, 2018.,

4. Francisco Cordona, Anti-corruption policies and agencies. Centre for Integrity in the Defense Sector, Guides to Good Governance, No.3, 2015.
5. John R. Heilbrunn, Anticorruption Commissions: Panacea or Real Medicine to Fight Corruption. World Bank Institute, 2004.
6. Abjorensen N. Combating Corruption Implications of the G20 Action Plan for the Asia-Pacific Region. 2014, Konrad-Adenauer-Stiftung, Japan. P. 9.
7. Corruption, the Lack of Academic Integrity and Other Ethical Issues in Higher Education: What Can Be Done Within the Bologna Process? European Higher Education Area: The Impact of Past and Future Policies. 2018. pp 61-75.
8. Rose-Ackerman, S. (1999). Corruption and Government: Causes, Consequences, and Reform. Cambridge: Cambridge University Press. doi:10.1017/CBO9781139175098;
9. Specialised Anti-Corruption Institutions - Review of Models. Anti-Corruption Network for Eastern Europe and Central Asia.
10. How to monitor and evaluate anti-corruption agencies: Guidelines for agencies, donors, and evaluators. Bergen: Chr. Michelsen Institute (U4 Issue 2011:8) 84 p.,
11. Avinash Dixit, Anti-Corruption Institutions: Some History and Theory, in K. Basu, T. Cordella (ed), Institutions, Governance and the Control of Corruption. Springer, 2018. Ch.2, pp. 15-49;
12. Горан Клеменчич и другие, “Специализированные институты по борьбе с коррупцией: Обзор моделей” 2006 год.
12. Горан Клеменчич и другие, “Специализированные институты по борьбе с коррупцией: Обзор моделей” 2016 год.

## **VI. Интернет – манбалар**

1. URL:<http://www.oecd.org/corruption/acn/istanbulactionplancountryreports.htm>
2. URL:<https://president.uz/uz/lists/view/3303>
3. URL:<https://president.uz/uz/lists/view/2228>
4. URL:<https://president.uz/uz/lists/view/1371>
5. URL:<http://aza.uz/oz/politics/>
6. URL:<https://president.uz/uz/lists/view/3324>
7. URL:<https://www.gazeta.uz/uz/2020/04/29/prokuratura/>
8. URL:[www.prokuratura.uz/#/t\\_news?id=170,](http://www.prokuratura.uz/#/t_news?id=170)
9. URL:<http://huquq.uz/korruptsiyaga-arshi-kurash-fu-arolarning-u-u-lari-va-onuniy-manfaatlarini-imoya-ilishning-mu-im-kafolati/>
10. URL:<http://aza.uz/oz/politics/-25-01-2020>
11. URL:<https://podrobno.uz/cat/politic/uzbekistan-nameren-pobedit-korruptsiyu-kak-eto-sdelat-rasskazalina-soveshchanii-u-mirziyeeva-/>
12. URL:<https://kun.uz/news/2020/05/11/mashiiy-korruptsiyadan-elitar-korruptsiyani-organish-darajasiga-chiqiladi-bosh-prokuror-korruptsiyaga-qarshi-mustaqlil-organ-haqida>
13. URL:<http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&firstDoc=1&lastDoc=1&nd=102126657>
14. URL:<https://www.lex.uz/docs/20596#39653>
15. URL:<http://senat.uz/uz/lists/view/1413>
16. URL:<https://www.lex.uz/docs/4394324>
17. URL:<https://www.lex.uz/docs/4386848>
18. URL:<https://podrobno.uz/cat/obchestvo/vybory-deputatov-oboydutsya-byudzhetu-uzbekistana-primerov-v-25-millionov-dollarov-/>
19. URL:<https://www.lex.uz/docs/168391>
20. URL:<https://www.knab.gov.lv/ru/finances/>
21. URL:<https://www.stt.lt/apie-stt/istorija/2414>
22. URL:<http://www.tadviser.ru/index.php>
23. URL:<https://lex.uz/docs/3088008>
24. URL: <https://lex.uz/docs/3321352?ONDATE=30.08.2017%2000#4595327>

25. URL: <https://review.uz/oz/4qq?fbclid=iwar0y-wstokmy9i-mu4gzbaitj4c3jubltqxdjr1m1> URL:<https://www.lex.uz/docs/127899>
26. URL:<https://www.lex.uz/docs/1033174>
27. URL:<https://lex.uz/docs/832266?ONDATE=11.05.1994%2000#832279>
28. URL:<https://www.lex.uz/docs/1027996>
29. URL:<https://lex.uz/docs/31452>
30. URL:<https://lex.uz/docs/396522>
31. URL:<https://www.lex.uz/docs/346199>
32. URL:<https://www.lex.uz/docs/110881>
33. URL:<https://www.lex.uz/docs/110881>
34. URL:<https://www.lex.uz/docs/2443773>
35. URL:<http://new-department.uz/uz/about/activity/>
36. URL:<http://new-department.uz/uz/about/functions/>
37. URL:<https://upl.uz/policy/14060-news.html>
38. URL:<https://kun.uz/05965772>
39. URL:<https://www.lex.uz/docs/346199>
40. URL:<https://lex.uz/docs/348074?ONDATE=28.11.2002%2000#350162>
41. URL:<https://www.lex.uz/docs/1004663>
42. URL:<https://www.lex.uz/docs/1474715>
43. URL:<https://www.lex.uz/docs/-1541394>
44. URL:<https://www.lex.uz/docs/3039311>
45. URL:<https://www.lex.uz/docs/3088008>
46. URL:<https://www.lex.uz/docs/106197>
47. URL: <https://www.lex.uz/docs/3610935>
48. URL: <https://www.lex.uz/docs/3027843>
49. URL:<https://www.lex.uz/docs/3681777>
50. URL:<https://www.lex.uz/docs/3681790>
51. URL:<https://www.lex.uz/docs/3743214>
52. URL: <https://www.lex.uz/docs/3743214>
53. URL: <https://www.lex.uz/docs/3105125>
54. URL: <https://www.lex.uz/docs/20596>
55. URL: <https://www.lex.uz/docs/1413395>
56. URL: <http://sirdaryo.adliya.uz/sirdaryo/uz/publikatsii/detail.php?ID=22159>
57. URL: <https://www.lex.uz/docs/1461327>
58. URL: <https://www.lex.uz/docs/1369505>
59. URL: <https://www.lex.uz/docs/3105125>
60. URL: <https://www.lex.uz/docs/4355387>
61. URL: <https://www.lex.uz/docs/2387357>
62. URL:<https://www.lex.uz/docs/3727063>
63. URL:<https://www.stt.lt/nuorodos/kitu-saliu-kovos-su-korupciija-institucijos/7422>
64. URL: <http://uga.uz/oz/programs/korruptsiya-zhamiyat-kushandasi/ta-lil-rivozhlangan-davlatlarda-korruptsiyaga-arshi-anday-ku-14-02-2020/>
65. URL: <https://www.lex.uz/docs/4549998>
66. URL:<https://lenta.ru/news/2018/03/16/korrupcia/>
67. URL:<https://www.kommersant.ru/doc/4163153>
68. URL: <https://www.occrp.org/ru/daily/9592-2019-04-17-13-31-15,https://knews.kg/2018/01/12/>
69. URL:<https://ru.sputniknews.kz/economy/20190605/10389843/>, <https://altaynews.kz/ru/45568.html>
70. URL:<https://t.me/s/uzbprokuratura?q=4-%D1%80%D0%B0%D1%83%D0%BD%D0%B4>
71. URL:<https://www.agence-francaise-anticorruption.gouv.fr/fr/vers-cartographie-mondiale-des-autorites-anticorruption-resultats-notre-enquete>
72. URL: <https://www.cpib.gov.sg/>
73. URL: <https://www.cvc.nic.in>
74. URL: <https://www.commission-anticorruption.gov.az>.
75. URL:<https://www.oecd.org/countries/georgia/37223593.pdf>
76. URL:<http://www.acrc.go.kr/acrc/index.do>
77. URL:<https://www.stt.lt/>
78. URL:<https://www.knab.gov.lv/>
79. URL:<http://www.acas.rs/>
80. URL:<https://www.gov.kz/memleket/entities/anticorruption?lang=kk>
81. URL:<https://gov.md/>
82. URL:<https://www.agence-francaise-anticorruption.gouv.fr>
83. URL:<https://www.belgium.be>

84. URL:<https://www.sfo.gov.uk/>
85. URL:[http://www.ombudsmanden.dk/international/fields\\_of\\_work/](http://www.ombudsmanden.dk/international/fields_of_work/)
86. URL:<http://www.aeat.es>
87. URL:<https://www.u4.no/topics/anti-corruption-institutions>
88. URL:[www.pna.ro](http://www.pna.ro), <http://www.mai-dga.ro>
89. URL:[www.cba.gov.pl](http://www.cba.gov.pl)
90. URL:<https://nabu.gov.ua/en>
91. URL:[https://en.wikipedia.org/wiki/List\\_of\\_anti-corruption\\_agencies](https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_anti-corruption_agencies)
92. URL:<https://www.argentina.gob.ar/anticorrucion>
93. URL:<https://www.antikorrupsiya.gov.az>
94. URL:<https://www.oecd.org/corruption/acn/39972100.pdf>
95. URL:<https://vietnamnews.vn/politics-laws/571205/central-steering-committee-on-anti-corruption-convenes-17th-session.html>
96. URL:[www.icac.org.hk](http://www.icac.org.hk), <http://www.ccdi.gov.cn/>, [www.ccac.org.mo](http://www.ccac.org.mo)
97. URL:<https://vlada.gov.hr/en>
98. URL:<http://www.kpk-rs.si/en/the-commission>
99. URL:<http://huquq.uz/xal-ppokypatypacini-shakllantipish-yulida/>
100. URL: <https://www.lex.uz/docs/3107036#3109142>
101. URL:<https://www.lex.uz/docs/3107036>
102. URL:<https://www.lex.uz/docs/3107036>
103. URL:<https://www.lex.uz/docs/3105125>
104. URL: <https://lex.uz/docs/2381133?ONDATE=30.08.2019%2000#edi4494010>
105. URL: <https://www.lex.uz/docs/1369505>
106. URL: <https://www.lex.uz/docs/1461327>
107. URL: [http://parliament.gov.uz/uz/events/other/15159/?sphrase\\_id=6020658](http://parliament.gov.uz/uz/events/other/15159/?sphrase_id=6020658)
108. URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2016/02/19/senat/>
109. URL:<https://uba.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
110. URL:<http://uba.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
111. URL:[https://daryo.uz/k/2019/05/04/bosh-prokuror-otabek-murodov-ozbekistonda-otgan-yili-2-mingga-yaqinmansabdor-korruptsiya-tufayli-javobgarlikka-tortildi/?utm\\_source=Telegram\\_Bot](https://daryo.uz/k/2019/05/04/bosh-prokuror-otabek-murodov-ozbekistonda-otgan-yili-2-mingga-yaqinmansabdor-korruptsiya-tufayli-javobgarlikka-tortildi/?utm_source=Telegram_Bot)
112. URL:[https://daryo.uz/k/2019/06/15/korruptsiya-boyicha-sorovda-ishtirok-etganlarning-66-foizi-ozbekistondakorruptsiya-tarqalgan-deb-hisoblaydi/?utm\\_source=Telegram\\_Bot](https://daryo.uz/k/2019/06/15/korruptsiya-boyicha-sorovda-ishtirok-etganlarning-66-foizi-ozbekistondakorruptsiya-tarqalgan-deb-hisoblaydi/?utm_source=Telegram_Bot)
113. URL:<http://uba.uz/oz/society/korruptsiyaga-doir-t-iz-asosiy-masala--25-06-2019>
114. URL:<https://www.yumh.uz/>, <https://t.me/uzbyuksalish>
115. URL:<https://www.lex.uz/pdfs/4875784>
116. URL: <https://www.lex.uz/pdfs/4875782>
117. URL: <https://www.lex.uz/docs/2911869>
118. URL:[https://images.transparencycdn.org/images/2019\\_CPI\\_Report\\_RU\\_200406\\_110022.pdf](https://images.transparencycdn.org/images/2019_CPI_Report_RU_200406_110022.pdf)
119. URL:[http://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=71254](http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=71254)
120. URL:<http://lex.justice.md/index.php?action=view&view=additional&id=376190&lang=2>
121. URL:<https://www.lex.uz/docs/60232#2860327>
122. URL:<http://senat.uz/uz/senators/committee/3>
123. URL:[\(01.07.2020 йил соат 12:00 ҳолатига\)](http://parliament.gov.uz/uz/about/structure/committee/23389/?prop=354)
124. URL:<https://www.acc.org.bt/>
125. URL: <https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/WorkingGroups/workinggroup4 /2020-June-9-10/V2002001r.pdf>
126. URL: <https://www.justice.govt.nz/assets/Documents/Publications/cab-an-anti-corruption-work-programme-for-new-zealand.pdf>
127. URL: [https://link.springer.com/chapter/10.1057%2F9780230503540\\_10](https://link.springer.com/chapter/10.1057%2F9780230503540_10)
128. URL: <https://www.korruptsioon.ee/sites/www.korruptsioon.ee/files/elfinder/dokumentid/>
129. URL: [strategiya\\_po\\_borbe\\_s\\_korrupciey\\_v\\_2013-2020\\_gg.pdf](http://strategiya_po_borbe_s_korrupciey_v_2013-2020_gg.pdf)
130. URL:<https://globalcompliancetech.com/anti-corruption/handbook/anti-corruption-in-azerbaijan-2/>

## ИЛОВАЛАР

1-и洛ва

### ЛОЙИХА

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

#### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ АЙРИМ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТҮҒРИСИДА**

1-модда. 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

- 1) 78-моддаси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:  
**“17<sup>1</sup>) Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг хисоботини кўриб чиқиши”.**
- 2) 80-модданинг 6-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ҳисоб палатаси раисини» деган сўзлардан кейин:  
**«ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорини»** деган сўзлар билан тўлдирилсин;
- 3) 93-модда биринчи қисмининг:  
**12-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ҳисоб палатаси раисини»** деган сўзлардан кейин:  
**«ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорини»** деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 29-модда, № 6, 266-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 145-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

- 1) 4-модда қуйидаги мазмундаги ўнинчи қисм билан тўлдирилсин:  
**“коррупцияга қарши курашиш фаолияти билан шуғулланувчи органлар, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан коррупцияга қарши курашиш түғрисидаги қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш”.**
- 2) 8-модда иккинчи хатбошидан **“Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг ягона мувофиқлаштирувчи органидир”** жумласи чиқарилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги 419-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 6-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“6-модда. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Миллий стратегия, давлат дастурлари ва бошқа дастурлар**

**Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати Миллий стратегия, давлат дастурлари ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин.**

**Миллий стратегия, давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ушбу Қонуннинг қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиқсан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади”;**

2) 8-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**8-модда. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгashi**

“Коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган маҳсус ваколатли ҳамда ушбу йўналишда фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгashi (бундан буён матнда Миллий кенгаш деб юритилади) ташкил этилади. Миллий кенгашини шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлар (бундан буён матнда ҳудудий кенгаш деб юритилади) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги Миллий кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.**

**Миллий кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:**

**коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Миллий стратегия, давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;**

**Агентлик, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;**

**ахолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;**

**коррупцияга оид хуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;**

**коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;**

**коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва хуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;**

коррупцияга қарши курашиш түғрисидаги қонун хужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

худудий кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириш.”

3) қўйидаги мазмундаги 8<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилсин:

“8<sup>1</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги

“Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган маҳсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Агентликни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.”

4) қўйидаги мазмундаги 8<sup>2</sup>-модда билан тўлдирилсин:

“8<sup>2</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг ваколатлари

Мамлакатда коррупция холатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш, шунингдек коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш;

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишини ташкил этиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;

Вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими (комплаенс-назорат) ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, замонавий усуллар ва ахборот коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш, шунингдек, уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингни тузиш;

Норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш, шунингдек коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва илғор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдек, ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш;

Давлат хизматига ҳалоллик стандарти (“ҳалоллик вакцинаси”) ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Бюджет маблағлари, ҳалқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг имиджини мустаҳкамлаш ва унинг ҳалқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар қўришнинг самарадорлиги юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsin;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил \_\_\_\_\_,  
ЎРҚ-\_\_\_\_-сон

## ЛОЙИХА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ МИЛЛИЙ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармон ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги

ПҚ-4761-сонли Қарор нинг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида:

1. Коррупцияга қарши курашиш Миллий Кенгаши таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармонига мувофиқ тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Шу билан бирга, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборатлиги қайд этилсин:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Миллий стратегия, давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиядга коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

коррупциянинг холати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

худудий кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириш.

3. Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашининг ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлари барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурийлиги белгилаб қўйилсин.

4. Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгashi коррупцияга қарши курашиш бўйича худудий кенгашларни тузсин ва уларнинг фаолиятини ташкил этсин.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича худудий кенгашларга тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бошчилик қилиши белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Миллий ахборот агентлиги Давлат дастурининг амалга оширилиши юзасидан ахборотнинг оммавий ахборот воситаларида ҳар томонлама ва тизимли равишда ёритилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил \_\_\_\_\_,  
ПҚ-\_\_\_\_\_сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил \_\_\_\_\_ даги ПҚ-\_\_\_\_\_сон  
қарорига  
1-ИЛОВА

### **Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгashi тўғрисидаги НИЗОМ**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгashi (кейинги ўринларда — Миллий кенгаш) коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

Миллий кенгаш томонидан қабул қилинадиган қарорларга барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурийdir.

2. Миллий кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа конун хужжатларига амал қиласди.

